



قلمستان
ГУЛИСТОН
7-8
1992



ЭЙ, ТОҒЛАРИ КЎКЛАРГА САЛОМ БЕРГАН ЗЎР ЎЛКА

ЧУЛПОН

ЭЙ, ТОҒЛАРИ КЎКЛАРГА САЛОМ БЕРГАН ЗЎР ЎЛКА,

Нега сенинг бошинг узра қуюқ булут кўланка?

Ужмохларнинг кавсаридек покиза,

Садафларнинг донасидек топ-тоза

Салқин сувлар тоғдан қуйи тушаркан,

Томчилари ёмғир каби учаркан,

Нима учун йиғлар каби инграйлар?

Ев борми, деб тўрт тарафни тинглайлар?

Табиатнинг ўтини йўқ ўтида,

Шарақ-шарақ қайнаб чиққан булоқлар

Ҳар қоронғи, қўрқинч туннинг бетида

Шифо устаб келмасин дер, қўноқлар.

— Бу нега?

Айт менга.

Кўм-кўк, гўзал ўтлоқларинг босилгон,

Устларида на пода бор, на йилқи,

Подачилар қайси дорға осилгон?

От кишнаши, қўй маъраши ўрнига

— Оҳ, йиги,

Бу нега?

Туморчалар, ҳамойиллар тақинган,

Далаларда лола барғи ёпинган,

Тоғ-тошларда ўйин қилган,

Чопинган

Гўзал қизлар, ёш келинлар қаерда?

Жавоб йўқми кўклардан-да, ердан-да,

Хароб бўлган элдан-да.

От минганда қушлар каби учғувчи,

Эркин-эркин ҳаволарни қучғувчи,

От чопганда учар қушни тутқувчи,

Учар қушдай ёш йигитлар қаерда?

Тоғ эгаси — сор бургутлар қаерда?

Сенинг қаттиқ сир-бағрингни кўп йиллардир эзганлар.

Сен безсанг-да, қаргасанг-да, кўкрагингда кезганлар

Сенинг эркин тупрогингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар,

Нега сени бир қул каби қизганмасдан янчалар?

Нега сенинг қалин товушинг «кет» демайди уларга?

Нега сенинг эркли кўнглинг эрк бермайди қулларга?

Нега тагин танларингда қамчиларнинг кулиши?

Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?

Нега ёлғиз қон бўлмишдир улушинг?

Нега бунча умидсиздир туришинг?

Нима учун кўзларингда туташғувчи олов йўқ?

Нима учун тунларингда бўриларнинг қорни тўқ?

Нима учун ғазабингни уйғотмайди оғу-ўқ?

Нима учун борлигингда бу даража бузғунлик?

Нима учун ўч булути селларини ёғдирмас?

Нима учун куч тангриси бор кучи-ла солдирмас?

Ке, мен сенга қисқагина дoston ўқий,

Қулогингга ўтганлардан эртак тўқий.

Кел, кўзингинг ёшларини суриб олай,

Кел, ярали танларингни кўриб олай, тўйиб олай...

Нима учун ағдарилган, йиқилган

Оғир тожнинг заҳар ўқи кўксингда?

Нима учун ёвларингни бир замон

Йўқ қилгундай темирли ўч йўқ сенда?

Эй, ҳар турли қулликларни сифдирмаган ҳур ўлка,

Нега сенинг бўғизингни бўғиб турар кўланка?

Андиязов, 1921

**№ 7—8
(509—510)
Асад — Сумбула
(Июл — август)**

1992

Ойнома 1925 йилдан
чиқа бошлаган

МУАССИС:

Ўзбекистон жумҳурияти «Шарқ»
нашриёт-матбаачилик концерни
ҳамда «Гулистон» жамоаси.

НОШИР:

Ўзбекистон Республикаси
«Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни

**Бош муҳаррир:
МИРМУҲСИН**

**Таҳрир хайъати:
Оқилжон ҲУСАН
(бош муҳаррир
ўринбосари)**

**Абдусайд НУРБОЕВ
(масъул котиб)
Абдураззоқ КАРИМ
ШУКРУЛЛО
Ҳамид ЗИЕЕВ
Эргаш МУҲАММАД
Хуршид ДАВРОН**

**Бадий муҳаррир
Мирвосил ОДИЛОВ**

**Манзилгоҳимиз:
Тошкент — П, 700000,
«Правда» рўзномаси
кўчаси, 41.**

Таҳририят телефонлари: бош муҳаррир — 33-35-20; бош муҳаррир ўринбосари 33-35-90; масъул котиб ва умумий бўлим — 33-36-02; безатиш бўлими ва мусахҳах — 33-36-58.

© «Гулистон» 7—8, 1992



Мустақил Ўзбекистонимизда қадриятларимиз тикланишига кейинги пайтда алоҳида эътибор берилаётир. Айниқса, бу йил ўтказилган мусулмонларнинг қурбон ҳайити, жумҳуриятимизда алоҳида шукҳ касб этди. Барча мўмин-мусулмонлар улуг айёмни зўр кўтаринкилик, шоду тантана билан нишонладилар.



Ўзбекистон жумҳурияти Президенти Ислам Каримовдан бу байрамда мусулмонлар яна бир бор миннатдор бўлдилар. Саудия Арабистони подшоси, икки муқаддас масжид имоми Фаҳд ибн Абдул Азиз Ислам Каримовга ҳадя қилган, Каъба устига тўшаладиган ёпинғич (кисва) ни Президентимиз Челақ туманидаги (Самарқанд вилояти) Хўжа Исмоил ал Бухорий масжидига тортиқ қилди.

БУ СОНДА:

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ:

Кўтаринки руҳда, самимият билан ёзилган, эл-юрт озодлиги ва эрки йўлида мардона курашган буюк ватандошларимизнинг порлоқ образларини меҳр билан жонлантирган «Аждодлар қиличи» драмаси тарихий мавзуда яратилган сара асарлар қаторидан жой олишига ва ардоқлаб ўқилишига шубҳа йўқ.



Абдулла ЖАЛИЛ:

*Турунийлар, мана келди истиқлол,
Кўзингизга қараб, сўзсиз диллашинг.
Фурсат кутиб бўлманг яна хомхаёл,
Тезда қўлни қўлга бериб бирлашинг.*



Темур УБАЙДУЛЛО:

Қиз бола ҳам шунчалик гўзал бўладими? Аста елкаларидан ушлаб бағримга тортидим.
«Оламдаги бутун гўзаллик шунга берилганми?»
— Қўйинг, қўйинг, — шивирлади у.
— Санам, Санамим...



ТАН ОЛМОҚДА ДУНЁ ЎЗБЕКНИ

Қадим-қадимдан Турон заминидан томир отган, тарихнинг турли даврларида ҳар хил номлар билан аталиб, жаҳон маданиятига муносиб улуш қўшган юртимизни—бугунги кунда мустақил Ўзбекистонни, минг шукурлар бўлсинки, дунё яна тан олмоқда. Минг афсуски, биз узоқ вақтлар мустамлакачилик ва қизил тузум зуғумларидан озор чекиб, юзига парда тортилган ҳақиқат кўланкасида эркинлик ва озодлик нашидасидан бебаҳра яшадик. Тоталитар ҳокимиятнинг ёвузлик яширинган ташвиқоти ақл ва туйғуларни мажруҳ қилди. Миллий қадриятларимиз топталиб, маънавиятимиз қашшоқлантирилди. Руҳиятимизга зўрма-зўраки тикиштирилган ўғай хулқ-ахлоқ ўзлимиздан чекинишга, тор-биқиқ шароитга тушиб қолишимизга сабабчи бўлди. Аждодларимиздан мерос қолган юртимиз таланди, хўрланди ва атайлаб ташқи оламдан узиб қўйилди.

Ниҳоят, зўравонлик сиёсати билан ҳукмронлик қилиб келган салтанат чок-чокидан сўкилиб, узлатга чекинди. Собиқ СССР таркибидаги миллий жумҳуриятлар мустақиллик мақомини олдилар. Энди ўзгаларга қарам бўлмаган бу давлатлар ўзларининг мустақил сиёсий, иқтисодий йўлларини танлаб олмоқдалар. Дунё харитасини янгилаган эркин жумҳуриятларнинг келажак равнақи, халқининг фаровонлиги, юртининг ободлиги, иқтисодий қудрати, олиб борилмак қарор топтиришга, баҳамжиҳатлиги, ватанпарвар фидойиларига боғлиқ. Қайси юртининг раҳбари одил, зиёлиси зукко, деҳқони тадбиркор бўлса, келажаги нури бўлган.

Халқимизда, оққан дарё яна қачондир оқади, деган ибратли ҳикмат бор. Дунёга босқинчилик юришлари билан эмас, кўпроқ фозилу олимлар, донишу мунажжимлар етиштириб берган халқ сифатида танилган ўзбеклар оламга яна аждодларидан қолган зукко қобилиятларини намойиш этишлари шубҳасиз.

Шуни фахр билан айтиш ўринлики, ватан ва миллат истиқлоли, равнақи ва истиқболи йўлида Ўзбекистон Жумҳуриятининг ҳозирги олиб бораётган сиёсати жаҳон аф-

кор оммаси томонидан муносиб баҳоланмоқда.

Тарихдан жой оладиган, Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинган 1991 йил 31 август куни Мовароуннаҳрдаги ўлкада янги даврни бошлаб берди. Ўзбекистон кўп жиҳатдан—нуфузи анча баланд жумҳурият бўлганлиги боис бошқа давлатлар эътиборини ўзига тортди.

Биринчи бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини азалдан бизга қайишадиган, халқи диндош, дилдош, тилдош бўлган Туркия эътироф этди. АҚШ, Хитой, Олмония, Франция, Япония, Буюк Британия каби жаҳоннинг қудратли давлатлари Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида тан олганликлари жумҳуриятимизнинг халқаро обрў-эътиборини ошириб юборди. Ҳозиргача мустақил Ўзбекистонни юздан ортиқ давлат тан олиб, жумҳуриятимиз билан дипломатик ва консуллик алоқаларини ўрнатишни тақлиф қилмоқдалар. Халқимизнинг улуғ байрами Наврўз арафасида эса Тошкентда қурилган янги бинода Ўзбекистондаги дастлабки хорижий давлат Америка Қўшма Штатлари элчихонаси ўз фаолиятини бошлади. «Ўзбекистонда АҚШ элчихонасининг очилиши икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ва шу мамлакатлар халқлари фаровонлиги йўлида хизмат қилгусидир», деди элчихона очилиши маросимида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги муваққат ишлар вакили жаноб Майкл Мозер. Яқин орада пойтахтимизда бошқа хорижий давлатлар элчихоналари ҳам ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар.

Албатта чет давлатлар билан бўлаётган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси президенти Ислам Каримовнинг ташқи сиёсат бўйича олиб бораётган фаолияти билан изчил боғлиқдир. Жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий жиҳатдан муҳофазаланиши кўп томондан халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш билан боғлиқ эди. Шу мақсадда жумҳуриятимиз президенти тутаётган йўл тўғри. Барча саъйи ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон бир неча халқаро сиёсий ҳамда иқтисодий ташкилотларга

аъзо бўлди. Айниқса Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси этиб қабул қилиниши, халқимиз ҳаётида унитилмас тарихий воқеадир. Чунки БМТ қароргоҳи олдида жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг байроқлари қатори жумҳуриятимиз байроғини ҳам ҳилпираб туриши миллатимиз мустақиллигининг абадий рамзидир.

Ўзбекистон Республикаси сўнгги ойларда мустақил давлат сифатида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик кенгашига, Техрондаги Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти ҳамда Шимолий Атлантика ҳамкорлик кенгаши аъзолигига қабул қилинди. Жумҳуриятимизнинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши, унинг бошқа халқлар билан биродарлик ришталарини боғлашга, савдо ва бошқа маданий алоқаларни ўрнатишга, халқаро истиқболга кенг йўл очиб берди.

Эндигина атак-чечак бўлиб шаклланаётган ўзбек давлатининг қисқа фурсат ичида сиёсий мавқеи юксалиши кўп жиҳатдан иқтисодий заминга эга бўлганлиги билан боғлиқдир. Чунки улуғлар назари тушган юртимизда ер ости ва ер усти бойликлари бисёрдир. Чўп суқса кўкарадиган заминимиз саховати Аллоҳнинг иноятидир.

Тўғри, биз ҳозир чуқур иқтисодий бўҳронни бошимиздан кечираётимиз. Собиқ СССР таркибидаги жумҳуриятларнинг ўзаро халқ хўжалиги алоқаларининг бузилиши, атайин ишлаб чиқаришнинг марказга боғлиқ қилиб қўйилиши мавжуд меҳнат тақсимотини бузиб юборди. Айниқса, Урта Осиё жумҳуриятлари, жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам асосан хом ашё тайёрловчи минтақага айлантирилганлиги бугун дадил иқтисодий ислохатлар ўтказишимизга жиддий тўсиқ бўлмоқда. Аммо излаган имкон топади. Жумҳуриятимиз президенти ташаббуси билан Тошкентда ўтказилган ишбилармонлар кенгаши, хорижлик тадбиркорларнинг юртимизга жалб этилиши юзига келган муаммоларни бартараф этишда қўл келаётир. Ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистонда юздан ортиқ қўшма корхоналар жаҳон стандартларига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдалар. Хорижлик савдо аҳлининг ўз

сармояларини, ишонч билан бизнинг жумҳуриятимизда ишлатишларига аниқ фойдали кафолатлар берилган.

Жумҳуриятимиз нафақат сиёсий жиҳатдан, балким иқтисодий томондан ҳам, жаҳон бозорига қатнашсагина, келгусида тараққий этган давлатлар қаторидан ўрин олиши мумкин. Бунинг учун вақт, сабр-тоқат, тинимсиз меҳнат, сайи ҳаракат зарур.

Мустамлакачилик занжирлари эндигина бирин-кетин узилаётир. Собиқ марказдаги қора кучлар эса бу занжирларнинг узилишига тиш-тирноқлари билан қарши бўлаётирлар. Улар олдинга Ўзбекистон мустақил давлат сифатида тиклана олмайди, деб вайсақилик қилишган эди. Жумҳуриятимизда кейинги бўлиб ўтган воқеалар, сиёсий барқарорлик, дунё ҳамжамияти томонидан тан олинishi, иқтисодий юксалиш сари ташланган илк қадамлар уларнинг «башоратлари»ни пучга чиқарди. Энди улар Ўзбекистонда бўлаётган воқеаларни бузиб талқин этишга, ўлкамизда яшаётган турли миллат вакиллари ўртасига низо солишга зўр бериб уринмоқдалар. «Литературная газета», «Комсомольская правда», «Московские новости», Россия телекомпаниясининг «Вести» кўрсатуви бу соҳада жонбозлик кўрсатишаётир. Халқимизда, ит хураб, карвон ўтар, деган нақл бор. Энди, жаноблар, қанчалик фикси-фасод қилманг, тарих филдираклари орқага айланмайди. Сизларнинг йўл-йўриқларингизга энди ҳожат йўқ. Ўзбекистон—мустақил давлат. Унинг ички ишларига аралашиб мумкин эмаслигига қачон ақл-фаросатларингиз етади?!

Ўзбекистон жумҳуриятининг ўз пул бирлиги, давлат чегараси, қўшини ҳозирча йўқлиги ҳам баъзан шундай уйдирма бўҳтонларнинг болалашига сабаб бўлаётир. Насиб этса бу ишлар ҳам тезда амалга ошар. Улуғ Ўзбекистон бор бўйи билан дунёга танилиб, халқларнинг эркин нафас олиб яшашни орзу қилган юртига айланар. Ўзбек миллати эса жаҳон тараққиётига эзгу ишлари билан муносиб ҳиссасини қўшамак.

Абдураззоқ КАРИМ

Узбекистон жумҳуриятининг истиқболи, келажак равнақи, кўп жиҳатдан танлаб олинган ўзига хос иқтисодий шаклларга боғлиқ. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида амалга оширилаётган тадбирлар Ўзбекистон аҳолисининг келгу-

сида фаровон турмуш кечиришига кафолат беришга хизмат қилиши лозим. Бу ўринда Ўзбекистон жумҳуриятининг мулкни «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни самарали ижтимоий йўналишга эга бўлган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш мақсадида давлат мулкни ўзгартиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Шу қонун асосида давлат корхоналари, ташкилотлари жамоа ва давлат хўжаликлари ҳамда акцияли жамиятлардаги мулклар давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусий ёки жамоа мулкига айлантирилади.

Аввало хусусийлаштириш деганда, фуқароларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган ҳуқуқий шахсларнинг давлат мулкни ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олиш тушунилади. Хусусийлаштиришни амалга ошириш бевосита давлат мустақиллиги қоидаларига асосланган ҳолда олиб борилади.

Биринчи навбатда, халқ хўжалигининг ҳамма соҳасидаги давлат мулки тўлиқ равишда ёки қисман давлат тасарруфидан чиқарилиб хусусийлаштирилади. Фақат ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий заҳиралар, маданият бойликлари ва тарихий бойликларни давлат тасарруфидан чиқаришга ва хусусийлаштирилишга йўл қўйилмайди. Давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган корхоналар ва мол-мулкларнинг турлари ҳамда гуруҳлари Ўзбекистон жумҳурияти Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон жумҳурияти Олий Кенгаши томонидан белгиланади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида Ўзбекистон жумҳурияти фуқаролари ва ажнабий ҳуқуқий шахслар мулкдор бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этилган шахслар давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган мулкларни сотиб олишлари, танлов ва ким ошди савдосида харидор сифатида қатнашишлари, хусусийлаштириладиган корхоналарнинг акцияларини сотиб олишлари мумкин эмас.

Шунингдек, давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув идораларининг раҳбар ходимлари ва Ўзбекистон жумҳуриятининг қонунларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этилган шахсларнинг бу фаолият билан шуғулланишлари таъқиқланади. Хусусийлаштиришни амалга ошириш жараёнида қонунда белгиланган шакл ва шартларга албатта риоя қилиниши лозим. Бундай шаклларга асосан қуйидагилар киради. Биринчидан, давлат корхонасини жамоа корхонасига, акцияли жамиятга, бошқа йўсиндаги хўжалик жамияти ёки ширкатига айлантириш йўли билан; иккинчидан, ижарага олинган мулкни келгусида ҳақ тўлаб сотиб олиш эҳтимоли билан давлат корхонасини ижара корхонасига айлантириш йўли билан; учинчидан, давлат мол-мулкни танлов йўли билан ва ким ошди савдосида давлатга тааллуқли бўлмаган ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга сотиш шаклида амалга ошириш мумкин.

Энг аввало, хусусийлаштиришнинг шакллари меҳнат жамоалари мустақил аниқлаши, корхоналар меҳнат жамоаларининг ижтимоий жиҳатдан муҳофазат қилиниши таъминлаши зарур. МДХ га аъзо бўлган жумҳуриятлар ва хорижий давлатларнинг жисмоний ва ҳуқуқий шахслари давлат тасарруфидан чиқарилган ҳамда хусусийлаштириладиган иншоотларни, уларнинг акцияларини Ўзбекистон жумҳурияти Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси томонидан ёки у вакил қилган идора томонидан белгиладиган шартлар бўйича сотиб оладилар.

Давлат мулкни тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид ишлар Ўзбекистон жумҳурияти Давлат мулкни бошқариш ва ху-

БОЙ БЎЛИШГА КАФОЛАТ

сусийлаштириш қўмитаси (давлат мулки қўмитаси) томонидан амалга оширилади. Бу қўмитанинг асосий вазифаси давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга ошириш чоғида халқнинг мулкий ҳуқуқларини ижтимоий адолат қоидалари асосида ҳимоя қилишдир. Шунингдек, Ўзбекистон жумҳуриятининг иқтисодий мутақиллиги ҳамда миллий хавфсизлигини ҳимоя қилиш, Ўзбекистоннинг давлат мулкни жумҳурият мулки ҳамда маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкига ажратиш, давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган корхоналар ҳамда мулкнинг турлари ва гуруҳларини аниқлаш юзасидан таклифлар тайёрлаш унинг вазифасига киради. Фақат ушбу қўмитагина жумҳуриятимизда давлат мулкни хусусийлаштиришда ажнабий ҳуқуқий шахслар ҳамда фуқароларнинг иштирок этишларида белгиланган миқдор ва тартибни асослаб беради.

Корхонани давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг давлат мулки анжомларини тасарруф этувчилар комиссия тузади. Давлат мулки иншоотларини тасарруф этувчиларнинг, маъмуриятнинг, корхона меҳнат жамоасининг, унинг касаба уюшмаси ташкилотининг ёки ўзга жамоа ташкилотларининг, молия идорасининг, банкнинг, халқ ноиблари маҳаллий кенгашларининг вакиллари бошқа мутахассислар ана шу комиссия таркибига киритилади. Тузилган комиссия давлат тасарруфидан чиқариладиган ёки хусусийлаштириладиган корхонанинг маблағи ҳисобидан ишнинг айрим йўналишлари бўйича экспертлар гуруҳларини ёллашлари, маслаҳат берувчи ҳуқуқ идораларини бу ишга жалб этишлари мумкин.

Комиссия мавжуд тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасарруф этувчига тасдиқлаш учун тақдим этади. Режада давлат тасарруфидан чиқаришни ёки хусусийлаштиришни ўтказиш муддати, иншоотнинг қиймати, зарурат бўлганда корхонани қайта ташкил этишнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура иншоотларидан фойдаланишнинг мавжуд тартиби ва шартларини сақлаб қолишни ҳам назарда тутувчи лойиҳасини ишлаб чиқиши, ҳисоб-китобларнинг тавсия этиладиган шакл ва муддатини, имтиёзлар бериш, шу жумладан, давлат тасарруфидан чиқариладиган ёки хусусийлаштириладиган мол-мулкнинг бир қисmini бепул бериш имкониятини қамраб олиши мумкин.

Мулкнинг нархини эса давлат мулки иншоотларини тасарруф этувчи белгилайди.

Ижарачи давлат мулкни тасарруф этувчининг розилиги билан ўзи ижарага олган мол-

мулкни ҳақ тўлаб (тўлиқ ёки қисман) сотиб олиши мумкин. Мол-мулкни жамоа мулки учун сотиб олишда жамоа корхонасининг низомида ҳар бир ходимнинг мол-мулкдаги ҳамда фойдадаги улуши унинг иш стажини, иш ҳақи миқдори ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда белгилаб қўйилади.

Давлат корхонасини жамоа корхонасига айлантириш жараёни давлат мулкни меҳнат жамоаси аъзолари томонидан (бир йўла ёки бўлиб-бўлиб ҳақ тўлаб) сотиб олиш орқали ёки бу мулкни уларга текинга бериш орқали амалга оширилади. Меҳнат жамоаси томонидан тасдиқланмайдиган жамоа корхонасининг Низомида эса ҳақ тўлаб сотиб олинган мол-мулкнинг қийматини ходимлар ўртасида тақсимлаш тартиби кўзда тутилади.

Давлат корхонасини акцияли жамиятга ёки масъулияти чекланган жамиятга айлантириш тартиби Ўзбекистон жумҳуриятининг қонунлари билан белгиланиши лозим. Аммо бу борада ҳали бизда мукамал бир қонунчилик ҳужжати йўқ. Ҳозирги пайтда бу ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш учун Ўзбекистон жумҳуриятининг «Акцияли жамият ва масъулияти чекланган жамият тўғрисида»ги алоҳида Низомини қабул қилишнинг зарур имконияти вужудга келди.

Давлат мулки иншоотларини тасарруф этувчилар давлат акцияли жамиятларининг муассасалари бўлиб, улар акцияларни тарқатиш тартиби ва шартларини белгилайдилар. Ўзбекистон фуқаролари ўзга мустақил давлатларнинг фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон жумҳурияти ва бошқа давлатларнинг ҳуқуқий шахслари, давлат бошқарувининг жумҳурият ва маҳаллий идоралари акциялар эгаси бўлишлари мумкин.

Давлат мулки анжомларини танлов бўйича сотилишини ҳамда давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган корхоналарни ким ошди савдосида сотишга қўйиш тўғрисидаги қарорни давлат мулкни тасарруф этувчи қабул қилади.

Харидор томонидан сотиб олинмай қолган иншоотлар жумҳурият мулки бўлиб туради. Бундай ҳолларда тасарруф этувчи сотилмай қолган корхонани тугатиб, унинг мол-мулкни бўлак-бўлак қилиб сотиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Давлат мулкларини тасарруф этувчи мол-мулкни янги мулкдорга топшираётганда унга мулкдорлик ҳуқуқини тасдиқловчи ёрлиқ беради. Ёрлиқ эгалик ҳуқуқини берадиган ягона ҳуқуқий ҳужжатдир. Ёрлиқнинг нусхаси, давлат божининг миқдори ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон жумҳурияти Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси томонидан белгиланади. Ҳақини бўлиб-

ВИЖДОН ТАРОЗИСИ

бўлиб тўлаш шарт билан сотиб олинган корхона эгаси мулкдорлик ҳуқуқини тасдиқловчи ёрлик ҳақнинг биринчи бадали тўлангач бериллади. Корхонанинг қиймати бутунлай тўлаб бўлингунга қадар давлат мулкни тасарруф этувчи мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаб қўйиши, бу мулкни сотиши ва текинга бериши таъқиқлаб қўйиши мумкин.

Мол-мулкни сотиб олиш учун жисмоний шахсларнинг, давлатга тааллуқли бўлмаган ҳуқуқий шахсларнинг маблағ ва кредитлари амалдаги қонунларига зид бўлмаган усуллар билан топилган бўлиши лозим. Давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан давлат мулкни сотиб олиш манбаи сифатида фойдаланиш мумкин эмас.

Давлат корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилаётганда ва хусусийлаштирилаётганда шу ердан нафақага чиқиб кетган меҳнат фахрийларига ҳамда корхонада камида 10 йил ишлаган меҳнат жамоасининг аъзоларига акциялар ва бошқа мулк бўлиб-бўлиб ҳақ тўлаш орқали сотилиши мумкин.

Давлат корхоналарининг мол-мулкни сотиб олиш чоғида меҳнат жамоасининг аъзолари, улар томонидан тузилган ҳўжалик жамиятлари ва ширкатлар бошқа мулк шариоитлари тенг бўлганда ўзга фуқаролар ва ҳуқуқий шахсларга нисбатан, Ўзбекистон жумҳуриятининг фуқаролари эса бошқа харидорларга нисбатан устивор ҳуқуққа эга бўладилар.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш амалга оширилаётган даврда корхона маъмурияти илгари тузилган жамоа шартномасининг барча қоидаларига риоя этишга мажбурдир. Эгалик ҳуқуқи янги мулкдорга ўтган кундан бошлаб олти ой давомида мулкдор билан корхона меҳнат жамоаси ўртасида янги жамоа шартномаси тузилади. Бўшатилаётган ходимларни ишга жойлаштириш меҳнат тўғрисидаги ҳамда иш билан таъминлашга оид қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон мустақил демократик ҳуқуқий давлат сифатида иш кўраётган экан, энг аввало хусусийлаштиришнинг босқичлари қатъий белгилаб олиниши лозим. Чунки ҳозирги иқтисодийнинг таназзулга юз тутган шароитда бу муаммони ҳал қилишга тўғри ва узоқни кўзлаган ҳолда хусусийлаштиришни ҳал қилмоқ даркор. Белгиланган босқичларда қайси турдаги корхоналарни давлат тасарруфидан чиқаришнинг аниқ режаси тузилиши зарур.

Шуни айтиш керакки, ҳозирги мавжуд қонун бўйича корхоналарни хусусийлаштиришнинг ҳамма томонларини ҳуқуқий кафолатлаш анча қийиндир. Қонунда таъкидланганидек, давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш Ўзбекистон жумҳуриятининг махсус қонунларига мувофиқ амалга оширилади. Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалигида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда Ўзбекистон жумҳуриятининг «Ер тўғрисида»ги қонундан келиб чиқадиган хусусиятларни ҳисобга олиш лозим. Булар эса ўз-ўзидан давлат мулкни хусусийлаштиришда бир қанча янги муаммоларни юзага чиқаради. Шунингдек, хусусийлаштиришнинг амалиётда ҳал қилинишида жуда кўп-кўп ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий муаммоларнинг ҳам келиб чиқиши шубҳасиз. Бунинг учун ушбу масалага оид қонунларни қабул қилишда ҳар томонлама мукамал қонунлар ишлаб чиқариш лозим бўлади. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда хатога йўл қўйиш эса мулк шакллари ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатиши табиий. Шу сабабли қонун талабларига мувофиқ мулк шакллари ривожлантириш Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида шу ҳудудда яшаётган халқларнинг туб манфаатларига ва бозор иқтисодиётига ҳам айнан мос бўлиши керак. Шундагина келгусида жумҳуриятимиз аҳолиси фаровон турмуш кечирishi, тадбиркорларга кенг йўл очилиши, бой бўлиши истаганларга қонуний, ҳалол йўл билан кафолат берилиши мумкин.

Шўҳрат РУЗИНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа
ва ҳуқуқ илмгоҳининг сектори мудир,
ҳуқуқшунослик фанлари номзоди

Машўм XVI Пленумдан сўнг жумҳуриятимиз қишлоқларини, жамоа ҳўжаликларини гдлянчи «тозаловчилар» десанти мўр-малақдай босди. Ушанда Барот Нодировнинг Жомбой туманидаги «Правда» жамоа ҳўжалигига раисликка сайланганининг бешинчи йили эди. Дастлаб райкомдан сим қоқишди.

— Ҳўжалигингизга текширувчилар боришяпти. Ҳозирланинг!

«Ҳозирланинг!», деган сўз раисга ғалати эшитилди. Аъзойи баданини совуқ тер босди... Наҳотки?! Йўқ, йўқ! Бекордан бекорга-я! Ахир, ҳаммаси билишади-ку... қандай ишлаётганини! Ҳеч кимга ҳеч қачон «қўшиб ёз!» деб айтмаган-ку!

У уйга ҳорғин келди-да, ўзини ўриндиққа ташлади. Шифтга термулиб ётаркан, хаёли олис-олисларга етаклади. Қилган ишларини бирма-бир виждон тарозисига солиб кўрди... У кўпчилик ўзбеклар сингари кўп болали хонадонда ўсиб-улғайди. Отаси Нодир бобонинг суяги меҳнатда қотган. Уларнинг оиласини қишлоқнинг етти яшаридан етмиш яшаригача жуда яхши билади. Аввал мактабни тугатиб, ҳўжаликда ҳисобчи бўлиб ишлаш бошлади. Кейин комсомол иши, фирқа аъзолиги. Обком комсомолда йўриқчи... Райкомда бўлим мудирлиги... Кейин «Партия XXII съезди» жамоа ҳўжалигига раислик. Вилоят ҳисоблаш бошқармасига раис ўринбосари, 1979 йилга келиб у «Правда» жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси бўлди...

Барот ака билан бир суҳбат тубандагича кечган эди:

— Барот ака! Узи нималар бўляпти? 60 центнерчилар, 1000 тонначилар, 6 миллион пахта... Шулар ўзи бор гапми? Умуман, қайсиси ҳақиқат?

— Гап орамизда қолсин-у, ҳаммаси десам инсофсизлик бўлар, кўпи оширилган. Пахтанинг энг билимдонлари ҳисоби бўйича ҳам бизнинг Жомбой шароитида энг кўпи билан 35—40 центнердан ҳосил олиш мумкин.

— Ҳўш, сизлар нега индамайсизлар?

— Ўзингиз ўйланг. Улкан ҳашаматли зал. Биттаси чиқади-да: «Мен 60 йилликка 60 центнердан ҳосил бераман!», дейди. Елғонлигини ўтирганларнинг ҳаммаси билади. Лекин ҳамма қарсак чалади. Чор-ночор қўшиласан. Қўшилмай кўр-чи? Ҳайъатдагилар шу кунидек бўйнингга бир балони илишади. Аммо...

— Нима аммо?

— Аммо бу ишлар барибир бир куни очилади. Шунинг учун мен ҳеч қачон виждонимга қарши борган эмасман. У ерда қарсак урганим билан ҳўжалигимда бу ишларга йўл қўйган эмасман. Йўл қўёлмайман ҳам!..

Шундай қилиб, ҳўжаликка келган «тозаловчилар» энг шимариб ишга киришдилар. Бу «энг ҳалол зотлар қаердан денг? Бири — Литвадан, бири — Бошқирдистондан. Улар 1985 йилнинг ўрталаригача, саккиз ой давомида ҳўжаликни титкилашди. Насли-насабининг тайини йўқ бу «саҳобалар» содда деҳқонни не кўйларга солишмади? Умрида пахта нималигини билмайдиган, деҳқончилик тушларига ҳам кирмаган одамлар кўпларга ақл ўргатишди, анча-мунча кишиларни ўғрига, порохўрга чиқаришди. Бу «адолатпешаларга жуда катта имкониятлар, имтиёзлар берилган эди.

Хуллас, Ўзбекистонга «виждон» олиб келганлар ҳўжаликнинг тузини еб, тузлигига тупуришди. Қоринларини қаппайтириб ҳўжалик раисининг ишини судга оширишди-да, жуфтани ростлаб қолишди.

«...Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 119-моддаси билан Барот Нодиров айбдор деб топилсин ва у тўрт йилга озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулкни мусодара қилинсин!..»

Бу суд ҳукми фақат Барот акага эмас, бутун бошли халққа, танти, мард ўзбек деҳқони қисматига ўқилган аччиқ ҳукм эди. Бу ўша гдлянчи «ҳақиқатгўй»ларнинг тупроқни тимда-лаб ризкин териб еган пахта қулларига берган мукофоти эди! Майли, текширувчилар-ку, «саҳоба»лар экан. Ҳукм қилган, қоралаганлар-чи? Ахир улар ўзимизнинг одамлар эди-ку! Ҳамма бало шундаки, улар бизни ўз ёғимизга ўзимизни қовуришди. «Ҳукм қилган ўзларинг-ку, бизга нима дейсизлар?», деб сувдан қуруқ чиқишди.

Тақдирнинг бу оғир зарбаси Барот акани бир оз довдиратди. Қамоқхонадаги маҳбусларнинг кўпчилиги унга ўхшаган собиқ раислар эдилар. Улар ортидан турли совға-саломлар, саноксиз одамлар келарди. Демак, ҳўлу қуруқ баравар ёнган. Ҳақиқий ўғриллар, кўз-бўямачилар билан бирга мутлақо бегуноҳлар ҳам қамалган. Аммо Барот ака кўпни кўрган раҳбар эмасми, тезда ўзини ўнглаб олди. Савган машғулоти — шеърлар ёза бошлади. Қаламидан дардли сатрлар тўкилди:

Меҳнат қилсанг далада
ерда изинг қолади,
Боланг бўлса ортингда
тирик кўзинг қолади.
Кимсага бир сўз айтиб,
тўғри йўлни кўрсатсанг,
Абадий ўчмас бўлиб
доно сўзинг қолади.

Лекин бари бир қалби безовта эди. Уйдагиларнинг ҳоли нима кечдийкин? Катта ўғли ҳарбий хизматда. Дунёда ҳеч бир ёмонлик жазосиз қолмайди, дейишади. Аммо Оллоҳ уни қайси «гуноҳ»лари учун жазолади? Ҳақиқатга ташналиги учунми?

...Кунлар кетидан кунлар ўтди. Ниҳоят, озодликка чиқиш куни ҳам етиб келди. Тақдирнинг унга аталган ўйинларидан каттароғи ана энди бошланди. Жумҳурият Олий Судининг авф этиш қоғозини қўлга олгани баъзи бир раҳбарларга ёқмади. Айниқса, ҳўжаликнинг янги раҳбарлари ўзларини бошқача тутишди. Чунки авф қоғозиди «...Ўз ишига тиклансин ёки шу ишга тенг вазифа билан таъминлансин», дейилган эди. Иссиққина амал курсисини бўшатиб бериш кимга ҳам ёқарди?! Улар собиқ раисни ёмонлаб иғво тарқата бошладилар.

Барот акадан кейин «Правда» жамоа ҳўжалигида учинчи раис алмашиб улгурган эди. Аввалига илгари раис муовини бўлиб ишлаган Турғунбой Мелиев раислик қилди. Турғун ака устози бошлаган хайрли ишларни давом эттирди. Деҳқонлар ер билан муомала қилишни ўргана бошладилар. Ерёнғоқ, пиёз, турли хил сабзавотларни етиштириш кўпайтирилди. Фойданинг режадан ортиғини деҳқон олди. Аммо ўша вақтда «юқори»дан юборилган «ишбилармон» кадрлардан бири Анвар Икромов вилоятга раҳбар бўлиб келдию Т. Мелиевнинг бу ишлари унга ёқмади. У раисни вазифасидан олдириб, ўрнига деҳқончилик билан мутлақо шуғулланмаган, райкомда фақат қарор, маъруза ёзиш билан умри ўтган Остон Улуғбековни қўйдирди.

Машмашанинг аввали Барот Нодиров «оқлов» қоғозини қўлга олганидан сўнг бошланди. Ҳўжалик аъзолари ўртасида «миш-миш» болалаб кетди. «Тез кунда Нодиров раис бўлармиш», «Улуғбековдан раисликни тортиб олаётганмиш» ва ҳоказо. Ҳўжалик аъзолари ўзларининг 1990 йилги ҳисобот йиғилишларига ана шундай кайфиятда йиғилдилар... Йиғилишда раис алмаштириш масаласи қўйилмаган бўлса-да, раис Остон Улуғбеков жамоа олдида ўзининг «позиция»ларини мустаҳкамлаб олиш мақсадида туман раҳбарига мурожаат қилди:

— Ҳурматли Амин Олимович! Хўжалик аъзолари ўртасида: «Раис алмашар эмиш», деган гап тарқалган. Шунга сиз нима дейсиз?

— Нима деяр эдим. Биринчидан, бу масала йиғилиш бошида кун тартибига киритилган эмас. Кун тартибига кирмаган масалани муҳокама қилиш қоидага хилоф-ку. Иккинчидан, собиқ раисларнинг ўртоқ Нодировнинг қўлида Олий Суднинг авф қоғози, қарорлари бор. Уларда «ўз вазифасига тиклансин ёки шу ишга тенг вазифа билан таъминлансин», дейилган. Олий Суднинг қарори биз учун қонун. Ким бўлмайлик, уни бажаришга мажбурмиз. Бу масала бугун бўлмаса эртага ҳал қилинади. Буни ноҳия кенгаши кўриб чиқади!

Орадан бир ой ўтар-ўтмас туман Кенгаши ҳақиқатдан ҳам мазкур масалани «кўриб чиқди». Шошилинч йиғилиш чақирилиб, «О. Улуғбековни ўз аризасига биноан» ишдан бўшатилди-да, ўрнига Б. Нодировни тайинлашди. Бу иш шунчалик тез амалга оширилдики, оқибатда баъзи кимсалар собиқ раиснинг оёғига болта уришга шунчалик кунт билан киришдилар. Натижада, уч кун ўтар-ўтмас жамоа хўжалиги марказига одамлар тўпланишди. Қайтадан йиғилиш чақиришни, сайлов ўтказишни талаб қилишди. Улар Барот Нодировни асосан бир нарсада — қаттиққўлликда айблашди. Хуллас, йиғилишда Барот ака «кўпчилик овоз» билан ишдан олиниб, ўрнига «Жомбой» давлат хўжалигида агроном бўлиб ишлаётган Абдурашид Эгамназаров сайланди.

Хўш, Барот Нодиров шунчалик ёмон раҳбар бўлганмиди? Мана, у ҳақда хўжалик аъзоларининг фикрлари:

Турғунбой МЕЛИЕВ, раис муовини: — Барот акани онаси раис бўласан, деб туғмаган. У ўз меҳнати, ҳалол иши туфайли шу даражага эришди. Унинг «юқори»да суянчиғи ҳам, ҳимоячиси ҳам йўқ. У оддий деҳқон оиласидан. Фақат меҳнат уни шу даражага етказди. Хўжалигимизга раислик қилган йилларида кўпгина ишларни амалга оширди. Масалан, олтита дала шийпони, учта мактаб, иккита типовой болалар боғчаси, бешта мавсумий боғча, 600 бош қорамолга мўлжалланган ферма, 3 та пахтахона, товук ферма, замонавий магазин, 15 оилага мўлжалланган турар-жой бинолари, маиший хизмат уйи куриб берди.

Жўрабой ТУГАЛОВ, 34-мактаб илмий мудир: — Ҳақиқатан ҳам Барот Нодиров — иш-

нинг кўзини биладиган одам. Хўжалик аъзолари уни сайламай анча нарса ютқазди. Мана, ҳозир президентимиз фармони билан бошланғич синф ўқувчиларига бепул нонушта берилмоқда. Барот ака бу ишни ўша вақтдаёқ, яъни бундан 8—10 йил илгари бошлаган эди. Хўжалик ҳудудидаги 4 та мактабнинг бошланғич синф ўқувчиларига хўжалик ҳисобидан бепул нонушта берилар эди. Мана шу ишлар учун раис 1984 йилда «Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси» деган унвонга сазовор бўлган эди.

Ҳасан ТУХТАЕВ, жамоа хўжалиги аъзоси: — Барот Нодиров вилоят Кенгаши депутати эдилар. Қамалаётганларида у кишини депутатликдан чақириб олиш ҳақида мутлақо гап-сўз бўлмаган. Кўраясиз, у кишининг қандай ишларни амалга оширганлигини. Маданият соҳасида ҳам, иқтисод соҳасида ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам...

Уша кунни клубга тўпланиб Барот Нодировга қарши овоз берганларни оломон дедик. Бу бежиз эмас. Биз ҳали ҳаммамиз оломонмиз. Ким «хув», деса шу томонга юришга ўрганганмиз. Уша бизга «ҳимоячи», «ғамхўр» бўлиб кўринган зотлар аслида кимлар эканини ҳаммиша ҳам англайвермаймиз. Кўпинча эса томошабинмиз. Қайси томонга тарози палласининг босиб кетишни кутиб турамыз. Болтиқбўйи ёки Украина, Олмония ёхуд Амриқо халқларидек шаклланганимизгача ҳали минглаб Барот акаларнинг сочлари тўкилиб кетса ажабмас?!

Мана, жумҳуриятимиз мустақиллик сари юз тутди. «Ҳар қандай қалъа ичидан олинади», дейди боболар. Бугун шу мустақил юртнинг ҳар бир фуқаросида виждон, имон, ақл тарозиси бўлмас экан, амал, мансаб, учун бир-бирининг оёғидан тортишар экан, неча-неча қурбонлар бериб қўлга киритилган бу неъматни сақлаб қолишимиз қийин-ов.

Ҳозир ширинсухан одамни топиш мушкул. Ҳамма қандайдир асабий, тажанг, безовта. Шундай оддий инсоний хислатларни ҳам «бозор иқтисоди» ютиб юбораётгани наҳотки рост бўлса?! Ахир, бундай ҳолатда янги гдлян, ивановлар юртимизни хомталаш қилмасликларига ким кафолат бера олади?!

Барот ака ҳозир — туман шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари уюшмасининг раиси. Ўз ишини астойдил севади. Бу вазифада ҳам кўпгина

хайрли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ХХР дан бир йўла еттига иш бажарадиган тўртта трактор, мева қуритадиган кўчма цехлар шартномалар асосида олинди. Уюшма негизда кичик корхоналар очилди. «Украина», А. Қурбонов номли давлат хўжаликларидаги уй бекалари ишга тортилди. У ерда чорва маҳсулотларини қайта ишлаб, гилам тўқиш, пўстин тикиш цехлари иш бошлади. 4 та жойда тегирмон қурилди, уч жойда жувозхона очилди. Молсиз деҳқонларга арзон нархда сигирбузоқ сотилмоқда.

Барот ака — оилада эса меҳрибон ота. Уч ўғил, уч қизни вояга етказди. Рафиқасига вафоли ёр, бир қадр шоирлик одати ҳам бор. У шеърлар ёзишда давом этмоқда. Дарвоқе, унинг илк ижодига таниқли шоир Шўхрат «Ўзбекистон маданияти» газетасида «оқ йўл» тилаган эди. У кишининг шоир дўстлари жуда кўп. Умуман, Барот аканинг хонадонини адабиётчилар хонадони деса бўлади. Барот Нодировнинг ижоди ҳақида ёзувчи Саъдулла Сиёев шундай ёзади: «...Колхоз бағридаги суронли ҳаёт, ҳамқишлоқларининг ўй-кечинмалари, Ер ва Инсон, Ватанга садоқат ва фарзандлик бурчи, давр олдидаги масъулият, вафоли муҳаббат Барот Нодировнинг асосий мавзулари ҳисобланади, шеърларига ҳаётийлик: рангин бир самимият бағишлайди...» «Агар раҳбар бўлмаганимда, албатта шоир бўлардим», дейди Барот ака армон билан ва яна шеър ўқийди:

Инсон! Сен ўксинма бўлар-бўлмасдан,
Нолима, ёпишган гард, чўпу хасдан.

Мевали дарахтга тош отар доим,
Кимдир емоқ учун ва биров қасддан!..

Эзгу ишнинг кечи йўқ. Унинг шеърлари ҳали ўз мухлисларини топади, деб умид қиламиз.

Шеърятга ошно юракда ҳеч қачон адоват, ёзувлик, ғараз, хиёнат каби ёмон иллатлар бўлмайди, илдиз отолмайди... Чунки бу қалбда шеър бор, сўз бор, дард бор! Энг муҳими — виждон тарозиси бор!..

**Абдусайд НУРБОЕВ,
Ёрмуҳаммад РУСТАМОВ**

МУШТАРИЙЛАР МАКТУБЛАРИДАН

АЁЛ НОМИ МУҚАДДАС ДИР

Мен ўзининг сермазмунлиги билан ҳаммага манзур бўлиб келаётган, севимли «Гулистон» ойномасининг ҳар бир сонини зўр қизиқиш билан ўқиб бораман. Жумладан, ойноманинг 1992 йил январ ойи сонидан эълон қилинган «Қора курсига ўтирган ожизалар қисмати» сарлавҳали мақолани ҳам кучли ҳаяжон ва дард билан ўқиб чиқдим.

Мақоладаги азиз ва муқаддас бўлган оналаримиз шарафини улуғлаб ёзилган: «Аёл. Она. Жаҳонда бу сўзлардан азиз ва муқаддас нарса бўлмаса керак. Негаки, одамзод илк дунё яралганда энг аввало ана шу табаррук номлар эвазига ҳаёт юзини кўришга муваффақ бўлган. Ер куррасини ларзага солган не-не енгилмас жаҳонгирлар ҳам она қаршида бош эгиб, унга сажда қилганлар. Керак бўлса бу мўътабар зот учун ҳатто жонларини ҳам аямаганлар», деган жумлаларни ўқиб, аёллар вакили

сифатида ўзимда бир ғурур туйдим.

Афсуски, шундай улуғликка номуносиб бўлган қизлик, аёллик, оналик шаънига доғ тушириб, ўзларининг гулдек умрларини панжара ортида озодликка ташна бўлиб ўтказётган аёллар қисмати билан танишиб, дилим пора бўлиб кетди. Айниқса, мақолада қайд этилган самарқандлик Х. исмли қизнинг тақдири мени ниҳоятда қаттиқ изтиробга солди. Агарда шу қиз ўша кичик ўғриликлар билан шуғулланиб юрган гуруҳга қўшилмаганда, қора курсига ўтирмаган бўларди, деб ўйлайман. Икки ярим йил бекорга кетган вақтини эса бирон-бир билимгоҳга ўқишга кириб, бирорта касб эгаси бўлиб етишиши мумкин эди-ку. Қолаверса, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди.

Бундан ташқари, воронжлик В. исмли аёлнинг даҳшатли жинояти

кўз олдимда гавдаланганда, бутун вужудимни титроқ босиб кетди. Қолаверса, унинг жирканч жинояти оқибатида бир бегуноҳ аёл ҳаётдан бевақт кўз юмди. Мен у аёлнинг аччиқ қисматига раҳмим келганидан кўзимдан ёш оқиб кетди.

Менинг шахсий фикримча, қотиллик қилган бу аёл фарзандларидан ҳеч қанақанги мурувват кутмаса ҳам бўлади. Негаки, у қотил! Фарзандлари ҳам бундай оналари борлигидан ор қилсалар керак, деб ўйлайман.

Мақолада яна бир жумла бор. Унда: «Ёзининг жазирама офтобида далада меҳнатга кўмилиб ишлаётган қишлоқ қизларидан бундай жиноятчиликни кутиб бўлмайди. Чунки у бечоралар бир ойлик маоши 30—40 сўм бўлса ҳам, шунга қаноат қилиб яшагача, нонини ҳалол ишлаб топишга ҳаракат қилдилар», дейилган. Тўғри, сабрнинг таги сариқ олтин, меҳнат-

нинг таги роҳат, деган нақлларга биз ҳам риоя қилиб келаямиз. Менимча, у қишлоқ қизими, шаҳар қизими, ифбатли, хаёли бўлиши, ор-номусини сақлаши ҳар бир қизнинг ўзига боғлиқ, деган фикрдаман.

Ачинарли ҳоллардан яна бири: айрим аёлларимиз спиртли ичимликлар ичиб, кўчаларда йиқилиб, ҳаммага кулги бўлишидир. Балки уларга бирон нарса алам қилган бўлса керак, деб ҳам ўйлаб қолам. Хўш, алам қилган бўлса, аламини ароқдан олишлари шартми ёки уни ичгандан кейин кўнгли жойига тушиб, ишлари юришиб кетармиди?!

Хуллас, «Қора курсига ўтирган ожизалар қисмати» сарлавҳали мақола ҳақида ўз шахсий фикрларимни ёзиб тугатар эканман, юқорида исмланиннинг бош ҳарфлари қайд этилган аёлларимизга, сингилларимизга: «Кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотади. Сизлар ҳам ҳаётда бир марта адашиб, шундай жиноятларга қўл урибсизлар. Бундай жиноятларни қайта такрорламай, ҳаётда тўғри йўл топиб, фарзандларингиз билан ширин ҳаёт кечиринглар», дегим келади. Уларнинг бу аччиқ қисматлари барчамизга сабоқ бўлсин.

**Соҳиба ДАМИНОВА
Сурхондарё вилояти,
Узун ноҳияси**

Маъруза

Буюк ҳукмдор, улуғ жаҳонгир, ислом ҳомийси Амир Темури ўз вақтида Мовароуннаҳрнинг иқтисодий юксалишига, эл-улуснинг осойишталигига жиддий эътибор берган. Ҳақиқат ва адолат туғини баланд тутган. Уша даврда бунёд бўлган масжиду мадрасалар, кўприклар, осори-атикалар соҳибқирон номи билан боғлиқ мангу ёдгорликлардир.

Амир Темурнинг ота юрти — Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз)да ҳам улкан салтанат соҳибидан қолган гўзал ёдгорликлар мавжуд. Шулардан бири «Ҳазрати Имом» масжиди ва мақбарасидир. Мақбарадан қирқ метрча нарида ер остида катта сағана бўлиб, бир вақтлар масжид, мақбара ва сағанада яхлитлик бўлганлигидан далолат бериб турибди.

Бу ҳар иккала ёдгорлик қадимда «Доруссаодат» деб аталувчи улкан кошонанинг ажралмас бир қисми бўлиб, теурийлар хилхонаси ҳисобланган. Масжид асосан Амир Темур даврида қурилган бўлиб, кейинчалик Амир Олимхон уни таъмирлаган. Бу ердаги қабрлар устидаги тошлар ҳам Амир Темурдан қолган меросдир. Обида иккига: қабр ва масжид (зиёратгоҳ)га бўлинади. «Доруссаодат»нинг асл маъноси — бахт уйи, давлатмандлар саройи демакдир. Бу ерга ҳукмдорлар, олий насабли зотлар ва уларнинг оила аъзолари дафн этилган.

Маълумки, 1376 йилда Амир Темурнинг катта ўғли Жаҳонгир Мирзо вафот этади. Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида айтилишича, соҳибқирон Шаҳрисабзда махсус бино қурилишига — унга ўз ўғли «Амирзода Жаҳонгир» ва бошқа «амалдорлар ҳамда бузрукворлар»нинг даҳмалари қўйилсин, деб фармон берган. Шу боис Жаҳонгирнинг жасади Шаҳрисабзга кўмилган. Тарихий китобларда ёзилишича, мотам маросимидан бир неча йил ўтгандан сўнг, шаҳзода хотирасига меъморлар жуда салобатли даҳма қурганлар. Ушбу ёдгорлик ҳақида Рюи Гонзалес де Клавихо ўз хотираларида шундай деб ёзади: «Бу масжид ва унинг номозгоҳлари тилла, ложувард ҳамда зеб-зийнатлар билан жуда бой ва гўзал қилиб безатилган; унинг ичида сердарахт ва ҳовузли катта ҳовлиси бор. Бу масжидда подшоҳ фармонига биноан, шу жойда ётган отаси ва ўғлининг руҳини эслаб, ҳар куни йигирмата кўй сўйиб, худойи қилинади».

Доруссаодат ёдгорлиги қолдиқларига қараб, унинг ички кўринишини худди Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси шаклида қурилганлигини билиш мумкин. Доруссаодат би-

носининг бўйи 70 метр, эни эса 50 метр бўлиб, ғарбий равоғи 20 метр кенликда, кубба шаклидаги гумбазли мақбарадир. Кириш йўли олдин худойхонага, ундан сўнг Амир Темурга атаб қурилган сағана жойлашган бинога олиб боради. Хонанинг муқошидаги узун йўлакдан бориб, турли-туман зиёфатлар ўтказиладиган ён хоналарга ўтилади. Бу ерда ошхона, масжид, кутубхона, меҳмонлар истиқомат қилувчи хужралар бор. Турли-туман тадбирлар учун мўлжаллаб қурилган бу бинолар буюк меъморий ютуқлар жамланган кошонадир.

1396 йилда Амир Темурнинг фарзанди Умаршайх вафот этгач, у ҳам шу ерга кўмилган, деган фикрлар мавжуд.

Бу ерда айниқса Жаҳонгир Мирзонинг мақбараси яхши сақланган. Унинг ғиштли гулли фасадлари, тоқчалари, гумбазли мармарлар билан қурилган. Мақбаранинг ичидаги равоқли тоқчалар тўртбурчак шаклидадир. Мақбара безакларининг бир қисми ҳозиргача сақланиб қолган ва унда: «Доно киши буюк мақсадлар билан ҳаракат қилади, тентак одам юксак мақсадни тутиб туради», деган араб тилида ёзилган битиклар бор.

Ер остидаги Амир Темур сағанаси XIV аср меъморчилигининг ажойиб ҳосиласидир. Ўртача бир хонада усти тарашланган мармарлар билан қопланган гумбазнинг чўққиси чиройли саккиз қиррали шифт ҳосил қилган. Тўртта равоқ ҳошиясида Қуръон оятлари битилган ўйма нақшлар мужассам. Ер остидаги сағананинг ичига киргач, унинг қоқ ўртасида Амир Темур учун аталган тошдан ясалган тобут бор. Аммо тақдир тақозоси туфайли Амир Темурнинг қабри бу ерда эмас, балки Самарқанддаги Гўри Амирдан ўрин олди.

Лекин бу обида «Ҳазрати Имом» деб номланишининг сабаби нимада? Бунинг учун ўтмиш манбаларига мурожаат қилишга тўғри келади. Тарихчи Вадеъ Малиҳо XVIII асрдаги Шаҳрисабзни таърифлар экан у: «Муҳаммад Шайбоний мазори билан қўшни бўлган соҳибқирон», яъни «Темурнинг ўғли Мирзо Жаҳонгирнинг гўрхонаси жойлашган мадраса», деб эслаб ўтади. Қуфалик имом Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Воҳид Абу Абдуллоҳ Шайбоний ислом илмида буюк олим бўлиб, ўз фаолиятини VIII аср охирларида олиб борган ва 804 йили Эроннинг Рай шаҳрида вафот этган. 1384 йили Амир Темур ушбу шаҳарни ўз тасаруфига ўтказгач, имомнинг суякларини ўзи туғилиб ўсган шаҳри Кешга олиб келади. Шундан у «Ҳазрати Имом» обидаси номини

олган. Ҳозирча бу тахминлар тарихий ҳақиқатми ёки ривоятми, деган тортишувларга сабаб бўлмоқда.

Амир Темур учун қурилган қабр ўғилларининг қабридан олти метр пастда қурилган. Соҳибқирон вафотидан кейин ўз ўғилларини кўриб туриш учун шундай қилган бўлиши ёки қабрим ўғилларимдан пастроқда бўлсин, деб шундай буюрган бўлиши мумкин. Лекин, у ерда олиб борилган текширувлардан сўнг ўғиллари учун қабрларда ҳам ҳеч қандай жасад қолдиқлари топилмаган. Демак, бу қабрларга ҳеч ким, ҳеч қачон кўмилган эмас.

Кеш ёдгорликларини тадбиқ этар эканмиз, Барлос аъёнлари мазорида асосан учта ёдгорлик сақланиб қолганлигининг гувоҳи бўлдик. Булар «Доруссаодат»дан жануби-ғарбдаги «Шайх Шамсиддин Кулол» ва «Гумбази Сайидон» мақбаралари ҳамда унинг рўпарасидаги пахсадевор билан ўралган «Кўкгумбаз» жоме масжидидир. Булар жамланган ҳолда «Доруттиловат» яхлитлиги (яъни Тафаккур уйи, Қуръон ўқиладиган жой) деб аталган. Айниқса «Шайх Шамсиддин Кулол» мақбараси қадимий ёдгорлик ҳисобланади. Маълумки, Амир Темур ва унинг падари бузруквори Тарағай Баҳодир мусулмон динига эътиқодли инсон бўлиб, бу йўлда кўп кишиларни ўзларига пир деб билганлар. Шундай пирлардан бири (иккаласи учун ҳам) Шайх Шамсиддин Кулол эди. Шайх кексайиб, жуда ҳам ҳурматли ва иззатли табаррук пир даражасига етиб, 1370—71 йилларда вафот этадилар. Шайх шу ерга дафн этилгач, атрофи мақбара билан ўраб олинган. Амир Тарағай пирларига жуда ҳурмат ва инсоний эътиқод билан қараганлар. Бу эътиқодни шундан билса ҳам бўладики: «Агар мен бу фоний дунёдан дунёи бақога ўтсам, пиримнинг оёқ остига кўминглар. Негаки, одамлар мени босиб ўтиб, пиримнинг олдиларига борсинлар», деган эканлар. Текширишда ҳақиқатан улар шундай тарзда кўмилганлиги аниқланган.

Темурнинг отаси — Амир Тарағай вафот этгач, унинг васияти амалга оширилади, 1373—74 йилларда Шайхнинг қабрига яқин жойда — «пойи қадамида» Доруттиловат масжидига дафн этилади.

Ҳозирда сақланиб қолган «Шайх Шамсиддин Кулол» мақбараси соддагина таъмир қилиниб, қабр усти икки устунли сингли том билан ёпиб қўйилган. Мақбаранинг кириш қисми эшиги пештоқ кўринишида безатилган. Қадимги ғишт кошпи безаклар ҳозиргача сақланиб, бинонинг кўп ерлари

АМИР ТЕМУР ҒОРИ

Инсон азалдан табиат шайдосидир. Она табиатнинг мохир сеҳри билан яратилган, сирли мўъжизалар ва ғаройиботларга тўла ер ости ғорлари доимо кишиларни қизиқтириб келган. Қашқадарё вилоятида ҳам шундай катта-кичик ғорлар мавжуд. Улар орасида узунлиги жиҳатидан энг катта бўлган иккита Амир Темури номи билан боғлиқ ғор бор. Буларнинг бири Яккабоғ тоғларида бўлиб, иккинчиси Чироқчи туманидаги Қалқама давлат хўжалиги худудининг Тарағай қишлоғида жойлашган. Иккала ғор ҳам ўлкашунослар томонидан маълум даражада ўрганилган. Айниқса Ҳисор тоғ тизмаларининг Оқнов қоялари белида, денгиз сатҳидан қарийб 1800 метр баландликда жойлашган Амир Темури ғори анча машҳур. Бу ғорни қашқадарёликлар каби самарқандликлар ҳам яхши билишади. Ғорга Қашқадарёнинг Тарағай, Лангар, Қуруқсой қишлоқлари орқали ҳамда Самарқанд вилоятининг Тепакўл, Миронқул, Оҳалик қишлоқлари орқали ҳам чиқиб келиш мумкин.

Ғор айниқса баҳорда саёҳатчилар билан гавжум бўлади. Ғор

атрофларида равоч, анзур пиёз, андиз ҳамда доривор тоғ ўсимликлари кўп бўлади.

Ғорга пастдан кириладиган йўл йўқ. Унинг ичига кириш учун улкан ясси қоянинг қоқ тепасига чиқилади ва юқоридан пастга тушилади. Ғорга йигирма метрлар чамаси узунликдаги «айвон» орқали ўтилади. «Айвон» бир одам бўйи баландликдаги ертўла шаклида бўлиб, текис йўлакдан иборат. Айвондан чиқилгандан кейин қоянинг қоқ белига — ёруғликка ўтилади ва тош зиналаридан пастга тушилади.

Улкан ғорнинг оғзидан туриб пастга қаралса, бош айланадиган даражада тик жарлик кўзга ташланади. Ғорнинг кириш жойидан эгилиб, ўтилгач, зим-зиё қоронғу йўлакка дуч келинади. Шунинг учун ҳам ғорга ёритгич асбоблари ёки машғала билан кириш керак. Олти-етти метр пастга тушилгач, ғор йўлаги кенгая бошлайди. Бора-бора кўз олдингизда шундай улкан айвон пайдо бўладики, гўё тошдан махсус

ўйиб ясалган сарой дейсиз. 60 метр чамаси юрилгач, тошлар бетида сув сизаётгани ва бунинг натижасида йўлнинг сирпанчиқлиги сезилади.

Бу ердан ўтилгач, кўз олдингизда ғорнинг кенг ва энг катта жойи — майдон пайдо бўлади. Шу ердан туриб ғорнинг теппасига қаралса, табиат ажойиботлари — милтираб осилиб турган сумалаклар, сталактитлар ва сталагмитларга кўз тушади. Бу ерда ҳаво бир оз оғирлашса ҳам салгина юрилгач, бу ҳол ўтиб кетади. Кўзга кўринмас тешикдан майин шамол эсиб туради. Майдондан турли томонга қараб ғор йўллар кетган. Бу йўлларнинг кўпчилиги маълум масофада тўхтайдди.

Ғорнинг умумий узунлиги 300 метрдан зиёд бўлиб, ундан нарига ўтиш ниҳоятда оғирдир. Эҳтимол ундан нарида ҳам йўллар бордир, лекин ҳозиргача бу ғор тўлалигича забт этилгани йўқ. Масаланинг бу томони ғоршуносларга боғлиқ. Лекин ҳар қандай саёҳатчи ғор ичидаги чиройли тош-

ларни, сумалакларни, табиатнинг мохир қўли билан яратилган ажойиботларни кўриб, ҳайратга тушиши аниқ.

Тоғлик қарияларнинг ҳикоя қилишларича, бир вақтлари Амир Темури бу ғорда ўз қўшинлари билан душмандан яширинган эмиш. Бу гапда маълум даражада ҳақиқат ҳам бўлиши мумкин. Чунки ғор этагидаги қишлоқнинг Темурнинг отаси Тарағай номи билан аталиши бунга асос бўла олади. Винобарин, қўшни Лангар қишлоғида Темурийлар даври ёдгорликлари сифатида масжид ва хонақо сақланиб қолган. Шунинг ўзидан кўриниб турибдики, бу жойларга бир вақтлар Темурнинг эътибори тушган.

Мазкур ғор пайдо бўлиши ҳусусида фикр юритадиган бўлсак, у афсонадагидек Темур лашкарлари қўли билан эмас, ер ости минераллари, оҳақтош қатламининг емирилиши ёки корст формаси жараёнида вужудга келган дейиш мумкин.

Ғози РАҲМОНОВ

кейинчалик сувоқ қилинган. Натижада обиданинг асосий кўринишига путур етган. Мавжуд иккита устун — XIV асрнинг ўзига хос санъат асари. Уларнинг қанчалик улғурлигини фақат бориб кўргандагина ҳис қилиш мумкин. Қабрнинг ёнига ёпиштирилган кичик мрамор тахтада учта белги бор: меҳроб, шамчироқ, ойна. Мазмуни: чироқ ёнганда ойна унинг ёруғини кучайтиради, бутун оламни ёритади. Бу тилсимотга эътибор беринг-а. Қанчалик фалсафий мушоҳада жамланган!

Доруттиловат ёдгорлигида Мирзо Улуғбек номи билан боғлиқ иккинчи мақбара «Гумбази Сайидон» (Сайидлар гумбази)дир. Мақбара ичида жуда катта доирада горизонтал шаклда оқ ҳарфлар билан уч бор айлантириб: «Бу мақбара улғур олимларнинг олими... султонларнинг аълоси... қонунчилик ва билимда... дин ва эътиқодда тенги йўқ олий ҳазрат Султон Улуғбек Кўрагонийнинг Фармони билан бунёд этилди. Аллоҳ унинг подшоҳлигини ва султонлигини узоқ қилсин, 841 ҳижрий» (1437—38 йиллар), деган битиклар бор. Унда яна бошқа бир қанча сағана тошлар мавжуд. Бу тошлар XV—XVIII асрларда бошқа қабристонлардан кўчириб олиб келинган. Тошлардаги ёзувларнинг баъзиларида термизлик сайидларнинг номи қайд қилинган. Шундан бўлса керак, мақбара кейинчалик «Гумбази Сайидон», яъни «Сайидлар гумбази», деб номланган.

Мақбаранинг ички қисмидаги деворлардаги нақшлар ва безаклар уваланиб кетган. Нақшларнинг аксарияти Мирзо Улуғбек давридаги ёдгорликлар сингари замани оқтиник-мовий рангда. Мақбара ичида тўртта тош бўлиб, булар XV асрда қўйилганлигини тарихчилар айтишган. Лекин, бу тошлар тагида қабрлар йўқ. Бу тошлар кўпроқ кишиларнинг даволанишига хизмат қилган. Чунки, бу кўк тошлар ўпка силига даво

бўлиб, таркибида минерал тузлар бор. Тошларга сув қўйиб ичилаверганидан ўша тошлар емирилиб кетган. Бу тошнинг шифобахш эканлигидан далолатдир. Экспедициямиз аъзолари ҳам тошга сув қўйиб бирмабир ичдик ва ўзимизни янада дадил ҳис қилдик. Мақбарадаги сайидларнинг бир қанча тошлари номаълум жойларга олиб кетилган. Қарияларнинг айтишларига қараганда, бир вақтлар ўрис аёли бошчилигидаги олимлар бу ишга қўл урган эканлар, яъни ўшалар томонидан бу тошлар ташиб кетилган.

Доруттиловатдаги учинчи обида «Кўк-гумбаз» жоме масжидидир.

Шаҳрисабз гарчи ҳеч қачон давлат пойтахти бўлмаган бўлса-да, XIV—XV асрларда дунё меъморчилигининг энг гуркираган масканига айланган эди. Чунки бу даврда соҳибқирон Амир Темури ва унинг севиқли набираси Мирзо Улуғбек бу ерда жаҳон ақлини лол қолдирган улкан обидалар бунёд этдилар. Шаҳрисабз ислом ғояларини ташвиқ ва тарғиб қилувчи маданият марказига айланди. «Кўк-гумбаз» ҳам шу улғур аллома Мирзо Улуғбек томонидан 1435 йили отаси Шохруҳнинг Шаҳрисабзга келиши шарафига бунёд бўлган. Масжидга кириверишдаги пештоқнинг равоғида бу фикрни исботловчи араб тилидаги битиклар бор: «...Шохруҳ (Кўрагон) Султоннинг ўғли Улуғбек Султон (Кўрагон)нинг Оллоҳ подшоҳлигини ва султонлигини узоқ қилсин, 839 ҳижрий» (1434—1435 йиллар). Ҳозир ёзувларнинг бир қисмигина сақланиб қолган.

Кўк-гумбаз ўзининг меъморчилик услубиёти ва қишинлари билан Улуғбек даврига оиддир. Ташқи гумбазнинг айланасида сополли гиштлар кўк ва оқ рангли безаклардан иборат бўлиб, Қуръондан олинган оятлар бор.

Кўк-гумбаз (умуман, жоме масжидлари) уйғунлашган бинолардан иборат бўлиб, тўрт

томони деворлар билан ўраб олинган, гумбазли бино равоқли айвонлар атрофида қурилган. Булар қаторига Самарқанддаги Темур ва Бухородаги Калон масжидларини киритиш мумкин. «Кўк-гумбаз» деб аталишига сабаб унинг қўш қават чиройли гумбазининг кўк қишинлар билан қопланганидир. Ташқи гумбази бузилиб кетган. Бинонинг ҳозирги сақланиб қолган ҳолдаги баландлиги 22 метр. Мутахассисларнинг фикрича, гумбазнинг айланаси 22,5 метр бўлиб, гумбаз ва пештоқ қайтадан тикланган. Бу XV асрда Шаҳрисабзнинг жомеъ масжиди вазифасини бажариб, мадрасаси бўлиб, талабалар хужраларда яшашганлиги манбалардан маълум. Айвонлари сақланиб қолмаган. Шунингдек, бу ерда XV асрга оид қайрағочдан ясалган, ўймакорлик санъатининг дурдонаси бўлмиш ёғоч устун ташландиқ ҳолда ётибди. Бу қайсидир номаълум устанинг таланти, ижодий маҳсулидир. Лекин, бизнинг давримизга келиб, ер билан яксон қилинган. Масжиднинг ички томонини ношудларча қилинган таъмир ишлари кишини изтиробга солади. Деворлардаги сувоқлар шунчалик уқувсизлик, эътиборсизликлар билан қилинганки, минглаб одамлар сажда қилиб, бош қўйган масжиднинг юқори қисмидаги меҳроб ҳам хароба ҳолда. Бир вақтлар одамлар гавжум, дини исломнинг хушбўй ҳидлари анқиб турган майдон ҳозирда кимсасиз маконга, кишилар кам қадам ранжида қиладиган жойга айланиб қолган. Ҳозир шаҳарда бошқа жомеъ масжиди мавжудлигидан, бу ер гўёки ҳеч кимга керак эмасдай. Таъмирлаш учун қўйилган темир нарвонларга неча йиллардан бери усталар қадами тегмаган! Бундай манзара ўтмиш меросимизга хурматсизлик эмасми?!

Мурод — Мирзо АХМАД қори ўғли

«АЖДОДЛАР»



Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,
филология фанлари номзоди

Буюк адибимиз Абдулла Қодирий айтганидек, «мозийга қайтиб иш кўриш хайрли» дир. Шундан бўлса керак, тарих ҳақида ёзилган асарлар, бадий ёки илмий йўналишда бўлишдан қатъий назар, ҳаммиса севиб ўқилади. Аммо бу борада ишларимиз ҳеч қачон силлиқ кечган эмас. 20-йилларда яратилган бир қатор тарихий асарлар («Утган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Абулфайзхон», «Ерқиной» ва бошқалар) қатағон қилингандан кейин манами деган ёзувчиларнинг ҳам қўли қалтираб қолди. Ҳамма ўзини «замонавий» мавзуга урди. Доҳийни улуғлаш, «гигант» қурилишларни, «гуллаб-яшнаётган» социалистик қишлоқларни, на довул, на бўрону офатни тан оладиган «буюк бунёдкор — янги дунё қурувчилари»ни баланд оҳангларда куйлаш, улуғлаш авжига чиқди. Иш шу даражага етдики, бу халқнинг умуман ўтмиши борми, Октябр инқилобига одамга ўхшаб яшаганими, йўқми, буни ажратиш мушкул муаммага айланиб қолаёзди. Ҳатто маъмурий-идоравий аппарат раҳбарларини ҳам бу аҳвол ташвишга солган. 1939 йилда ВКП(б) МК махсус қарор чиқариб, кейинги икки-уч йил ичида марказий рўзнома ва ойномалар саҳифаларида биронта тарихий асар босилмаганини, ҳатто тақриз ёки мақола ҳам эълон қилинмаганини қайд этиб, бундай йўсинда бир томонлама иш туттиш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлашга мажбур бўлган эди. Шундан кейин бир қадар силжиш сезилди: ўтмишни акс эттирувчи айрим дostonлар, балладалар, қисса, драма ва ҳикоялар ёзилди. Улуғ Ватан уруши йилларида эса Ойбекнинг «Навой», Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди», Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна», Собир Абдулланинг «Тоҳир ва Зухра», урушдан кейин Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навой» каби халққа манзур асарлари яратилди. 40-йилларнинг охирида машғум совуқ шамоллар эсмаганда, адабиётимизда бўй кўрсата бошлаган мазкур ҳаётбахш йўналиш катта самаралар берган бўларди. Афсуски, Жданов бошчилигидаги қутурган «мафкура ҳимоячилари» шафқатсиз қиличи билан мумтоз асарларни бирин-кетин нимталай бошлади. «Жалолиддин» таъкибга учради, «Алпомиш» дostonи халққа зарарли асар, деб эълон қилинди. Ҳатто кечагина биринчи даражали Сталин мукофоти соврини билан тақдирланган «Навой» романидан ҳам ўнлаб нуқсонлар топилиб қолди. Эмишким, муаллиф «феодал ўтмиш»ни идеаллаштирган, Навойнинг йирик ер эгаси, бой бўлганини кўрсатмаган, бошқа халқларни камситувчи сўз ва иборалар қўллаган экан. Ноҳақ туҳмат, чинордек бақувват бўлса-да, дили нозик адибни ағдарди, Ойбек оғир хаста бўлиб қолди. Мақсуд Шайхзода, М. Исmoilий, Шухрат, Шукрулло, Саид Аҳмад, А. Алимўхамедов сингари забардаст ёзувчи-

лар ва зукко олимлар қамалиб, оғир хўрлик ва таҳқирларга дучор бўлдилар.

Тарихимизга турли йўллар билан тош отиш яна кучайди. Мўғул истибодига қарши ширин жонидан кечиб Ватан мустақиллиги йўлида ўз онаси, хотини ва фарзандларини ҳам аямасдан мислсиз қаҳрамонлик намунасини кўрсатган Жалолиддин подшоҳнинг ўғли бўлгани учун совет мафкура кўриқчилари томонидан қора курсига ўтказилди. Қолбуки, Жалолиддин кўрсатган жасоратлар муҳташам ҳайкаллар қўйишга арзир эди. Бошқа халқлар, айтайлик, молдавлар шундай қилган бўларди. Ҳайкалку, катта нарса, ҳукуматнинг махсус руҳсатисиз бу ишга қўл уриш мумкин эмас. Ўзбек олимлари, жумладан, тарихчилар, афсуски, бу тенгсиз қаҳрамон ҳақида жиддий илмий тадқиқот яратишга ҳам журъат этмадилар. Бу шарафли ишга озар олими, қаҳрамон тарихчи Зиё Бунёдов дадил киришди. У ўтмиш тарихчиси Нисавийнинг Жалолиддинга бағишланган йирик асарини арабчадан русчага таржима қилиб, рус тилида чоп эттирди. Қарағки, олим бу китобни ўзбек генерали Собир Раҳимов хотирасига бағишлаган. Кейинроқ у хоразмшоҳлар давлати ҳақида яна бир улкан тадқиқотни эълон этди. Биз эса, бу ноёб асарлари лоақал ўзбекчага таржима қилиш ҳақида ҳауузгача ўйлаб кўрганимиз ҳам йўқ.

60-йилларда пайдо бўлган бир қадар илиқлик таъсирида Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» драмиси ва Миркарим Осимнинг тарихий лавҳалари, қиссалари яратилди. Кейинроқ Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё», Мирмуҳсиннинг «Меъмор», «Темур Малик», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довоми» каби романлари эълон қилинди. Китобхонлар меҳрига тушиб, қўлма-қўл ўқилган бу йирик асарлар тез орада қардош ва хорижий тилларга ҳам таржима этилиб, адабиётимиз обрўсини кўтарди. Аммо, бари бир, қора кучлар жим ётгани йўқ. Совуқ шамоллар кунни кеча ҳам адабиёт бўстонида ёпирилиб кирди. Энди танқид тиги Бобур шахсига — ҳассос лирик шоир ва буюк давлат арбобига қаратилди. Наврўздек минг-минг йиллардан бери халқимиз дилида, турмушида яшаб келаётган кўҳна байрам — баҳор байрами ҳам қатағонга учради. Пиримқул Қодировнинг Бобур ва унинг авлодлари ҳаётига бағишланган асарлари яна галвирдан ўтказилиб, «синфийлик» тарозисиде тортила бошланди. Оқибатда, кўплаб одамлар, айниқса, ижодкорларнинг дилига раҳна тушди. Тарих ҳақида яна аҳтиёткорлик билан гаплашадиган, «наврўз» «худо», «тангри», «оллоҳ», «пайгамбар», «руҳият» каби сўзлар матбуот ёки китоб саҳифаларига чиқиб кетмасин, деб «хушёрлик» кўрсатадиган бўлди. Бебаҳо маънавий мулкимиз бўлган тарих яна жабр тортиди.

Мен бу гапларни батафсил айтаётганимга бошқа жиддий сабаб ҳам бор. Октябр тўнтариши ва қатағон давридан бошлаб, гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб турган тарихга нисбатан салбий муносабат туфайли ижод аҳлида ғалати бир кайфият ҳосил бўлди. Энг дадил, шижоатли ёзувчилар ҳам нисбатан «қалтис» бўлмаган, «гап тегмайдиган» сиймолар ҳақида асар ёзишни маъқул кўрдилар. Аввало, «бир балоси чиқиб қолмасин», деган ҳадик шунга мажбур қилса, иккинчи томондан, ўта «қалтис» мавзуларга, умуман, тегиб бўлмас, мабодо, бирон асар ёзилгудек бўлса, уни нашр эттириш имкони умуман йўқ эди. Шунинг учун олимлар, шоирлар, халқ кўзғолони етакчиларига бағишланган асарлар кўплаб ёзилди. Амир Темур, Хўжа Аҳмад Яссавий, Баҳовиддин Нақшбандий, Хўжа Аҳрор сингари ўнлаб буюк сиймоларнинг ҳаёти ва ижоди эса фақат бир томонлама, бузиб тасвирланди. Туркистондаги рус босқини ёки халқ озодлиги, эрки учун курашган қўрбошилар, Фарғонада Қизил аскарлар ва арман дашноқлари қилган қонли жиноятлар ҳақида ҳатто гапириш ҳам мумкин эмас эди.

Хайрият, буларнинг ҳаммаси орқада қолди. Мустақиллик билан бирга юртимизга эркин ҳур фикрлик ҳам кириб келмоқда. Кейинги бир-икки йил ичида илгари пўлат сандиқларга қамалган мавзулар — рус истилоси, қизил қирғин, қатағон давр ҳақида талай асарлар ёзилди, хавфсизлик қўмитасидаги айрим ҳужжатлар халққа тақдим қилинди. Энг қувончлиси, Амир Темур ҳақидаги ҳақиқат баралла айтиладиган бўлди. Сўнги йилларда Сарбадорлар ҳаракатига бағишланган Муҳаммад Алининг романи ва Азим Суяуннинг дostonида соҳибқирон Темур сиймоси тарих ҳақиқатига мос равишда чизилди. Марҳум тарихчи Маҳкам Абдураимовнинг 1948 йилда ёзилган ва турғунлик йилларида чоп этилмаётган қилиб кетган «Темур ва Тўхтамиш» номли йирик тадқиқоти «Шарқ юлдузи» ойномаси орқали (1991 йил, 11-сон) талабчан ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди.

Хуллас, ҳозирги кунда тарихимизни тўғри ўрганиш ва ёритиш борасида хайрли қадамлар ташланмоқда. Зеро, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Ўзбек халқининг шонли ва қонли воқеаларга тўла ибратли тарихи, жаҳонга машҳур юзлаб алломалари ва саркардалари, ўқилмасдан ётган минг-минг жилдик улкан ноёб қўлёзмалари ҳақида ҳали кўплаб ҳаққоний асарлар ёзилмоғи даркор.

Таниқли шоир ва носир Эркин Самандарнинг ўтган йили «Шарқ юлдузи» ойномасида босилган «Аждодлар қиличи» номли тарихий фожеаси ана шу эзгу интилиш йўлидаги қутлуг қадам ҳисобланади. Шеърини йўлда ёзилган бу драматик асар ўрта асрларда — XIII асрда юртимизга босиб келган Чингизхон бошлиқ мўғул босқинчиларига қарши халқимизнинг асл фарзандлари олиб борган даҳшатли жанглар ҳақида ҳикоя қилади. Султон Жалолиддин Мангуберди ва Хоразм мамлакатининг ҳукмдори Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ тақдири драма марказида туради.

Мўғуллар босқини давридаги Туркистоннинг забун аҳволи ва бу заминда бўлиб ўтган шиддатли воқеалар ҳақида бир қанча бадий асарлар ёзилган. Машҳур рус ёзувчиси Василий Яннинг «Чингизхон», «Ботухон», «Сўнги денгизгача» номли романлари туркуми, Исай Калашниковнинг «Ғаддор замон» романи, ўзбек адабиётида эса Мақсуд

ҚИЛИЧИ» ДОСТОНИ

Шайхзоданинг «Жалололидин Мангуберди» шеърий драмаси, Мирмуҳсиннинг «Темур Малик» («Хўжанд қалъаси») романи, Миркарим Осимнинг «Утрор», «Темур Малик» қиссалари ҳамда шоир Шуккур Қурбоннинг «Темур Малик» достони шу давр фожеаларини ёритишга бағишланган. Кўрамизки, Эркин Самандар олдида ҳар томонлама қийин вазифа: бадият тили билан олис асрлар манзарасини, XIII асрдаги тарих қиёфасини ҳаққоний гавдалантириш ва ўзидан аввал бу мавзуда қалам тебратган адибларни такрорламаслик масаласи кўндаланг турар эди. Хўш, шоир бу муаммони қандай ҳал қилган? Асарни ўқир эканмиз, Эркин Самандар ўз йўлини топиб, ўз гапини айта олганини кўрамиз.

Мақсуд Шайхзода драмасида ҳам, таҳлил қилинаётган асарда ҳам Муҳаммад Хоразмшоҳнинг уқувсизлик, ёв макрига, амалдорлар маслаҳатига ишониш туфайли қудратли салтанатини бой бергани, ҳал қилувчи дамларда қўрқоқлик қилгани ҳақида гап боради. В. Ян асарида ҳам биз шундай манзарани кўрамиз. Бунинг сабаби, адиблар мавзунини тўғри ёритгани, тарих ҳақиқатига содиқ қолгани билан белгиланади. Шаҳобиддин Нисавий ҳамда рус тадқиқотчиси В. В. Бартольднинг асарларида бу воқеалар анча батафсил тасвирланган. Шунингдек, буюк мунажжим Мирзо Улуғбек қаламига мансуб бўлган салмоқли асар — «Тўрт улус тарихи» да ҳам Муҳаммад Хоразмшоҳ фожеаси, Чингизхон томонидан Туркистоннинг забт этилиши, Жалололидин олиб борган тенгсиз кураш лавҳалари ҳолис гавдалантирилган. Мазкур асарнинг ягона қўлёзмаси хорижда сақланади, у шу кунларда Ўзбекистонда илк бор нашрга тайёрланмоқда. Бу улкан, нодир манбадан юқоридаги ёзувчиларимиз фойдаланганми, йўқми, буниси бизга қоронғу.

Эркин Самандар бошқа адиблардан фарқли ўлароқ Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг руҳий дунёсини, ички кечинмаларини батафсил ёритишга алоҳида эътибор беради. Душман кучларини тўғри баҳолай олмаган ва юқорида айтганимиздек, ҳар хил макр-хийлалар тузоғидан чиқиб кетишга қурби етмаган Хоразмшоҳ охир-оқибатда салтанатдан жудо бўлиб, денгиз ичидаги кичкина бир кимсасиз оролчада сўнгги маконини топади. Вафоти арафасида унинг буюк шон-шухратию давлати, мартабасидан ному нишон ҳам қолмаган эди. У қувғинда, хор-зорликда, забун аҳволда ўлиб кетган. Нисавийнинг «Султон Жалололидин Мангубердиннинг сийрати» номли тарихий асарида шоҳнинг сўнгги кунларига доир бир қанча таъсирли лавҳалар келтирилган. Эркин Самандар Хоразмшоҳнинг аянчли тақдирини ёритишда ана шу манбага суянганлиги кўришиб турибди. Шоҳнинг бу аччиқ қисмати тасвирига ибратли теран маънолар сингдирилган. Қўрқоқлик қилган, яқин кишиларига ишонмаган, эл-юрт олдидаги юксак масъулиятни бажариш йўлида собит тура олмаган, халқдан ажралиб қолган ҳукмдорнинг жазоси шу. Бундай фожеа бутун тарихимиз бўйлаб бизга эргашиб келди. Сўнгги асрларда ҳам ана шундай узоқни кўра олмаган, қўшни давлатларда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий воқеаларни, ҳарбий ҳаракатлар моҳиятини идрок қилишдан ожиз Худойрону амир Музаффар каби ҳукмдорларнинг касрига ҳанузгача халқимизнинг косаси оқармай, бири икки бўлмай келмоқда.

Тарих китобларидан маълумки, Чингизхон қўшинига қарши курашда Хоразмшоҳ

катта ҳарбий хатога йўл қўяди, узоқни кўзлаб иш тута олмайди. Саҳройи мўғул аскарлари Туркистон ҳудудига икки-уч ойдан ортиқ тура олмайди, тезда юртига қайтиб кетади, деган кўр-кўрона ишонч билан улкан қўшинини парчалаб, катта шаҳарлар ва қалъаларга жойлаш ҳақида фармон чиқаради. Ўғли Жалололидин ҳамда бир гуруҳ ўзига садоқатли кишиларнинг қўшинини бир ерга жамлаб, ёвга қақшатқич зарба бериш керак, энг маъқул тадбир шу, деган тўғри маслаҳатларига қулоқ солмайди. Бу ўринда шоҳнинг калтабин онаси Туркон хотуннинг тож-тахтни эгаллаш йўлидаги бемаъни найранглари ҳам маълум роль ўйнаган. Ёвга қарши ўз ҳолича яккама-якка курашган пароканда қўшин, аҳолининг мададига қарамай, бирин-кетин мажақлана бошлайди. Ёвга тирик таслим бўлишни хоҳламаган минг-минглаб одамлар, гарчи матонат билан курашса-да, беҳуда қирилиб кетади. Шоҳнинг биргина машъум хатоси эл-улус учун жуда қимматга тушади. Драмада ана шу қалтис вазият яхши очилган. Шоир, албатта, ҳар бир тарихий ҳодисани ҳаётда қандай бўлса, шундайлигича суратлантириши шарт эмас. Бундай воқеалар солномасини яратиш тарихчилар зиммасида. Санъаткор эса ана шу жазаёндаги одамларнинг характерини, ўй-кечинмалари, хатти-ҳаракатлари мантиқини таҳлил қилади, уларнинг руҳий аҳволи ва қилаётган ишларини ҳаёт ҳақиқатларига таянган ҳолда асослашга бутун диққатини қаратади. Шу жиҳатдан шеърий драмада ўнглаб бўлмайдиган мудҳиш хатога йўл қўйган Хоразмшоҳнинг аччиқ ўйлари, армонлари, инсоний изтироблари таъсирли очилганини қайд этиш керак.

Айни замонда, мазкур образ талқинида бир муҳим нуқсон сезилади. Хоразмшоҳ Чингизхон номига йўллаган сарой аъёнлари қўл қўйган бир хатни топиб олади. Унда саройдагиларнинг ҳаммаси Чингиз хизматига тайёр эканлиги ёзилган эди. Аслида бу хат Чингиз жосуслари томонидан уюштирилган. Унга астойдил ишонган Хоразмшоҳ осонгина қопқонга тушиб қолади. Бу талқин менга анча жўн ва сунъий кўринди. Шу ўринда драматик зиддиятларни бошқача тарзда янада кучайтириш имкони бор эдики, муаллиф негадир бу имкониятдан фойдаланмайди. Бунинг устига, юқоридаги ҳолат шоҳ томонидан сўзлаб берилди, холос.

Шоир асарнинг бош қаҳрамони Жалололидин характерини тарих ҳақиқатига мос ҳолда чизишга катта эътибор беради. Бу ёвқур ўғлон ҳам ақли, ҳам жисмоний фазилатлари жиҳатидан атрофдаги одамларнинг ҳаммасидан устун эди. У курашга, жангга ташна, аммо отанинг тадбирсизлиги қўлоёғига кишан солган, фаолиятдан маҳрум қилган. Жалололидин ёвга қарши беомон курашади, лекин унинг ихтиёридаги қўшин оз, душман беҳисоб, юрт пароканда бўлиб кетган. Энди уни ҳеч қандай куч қайта бирлаштиришга қодир эмас. Бунинг устига, хиёнаткор амирлар қилғилигини қилиб бўлган.

Драма ана шу кескин зиддиятлар авжига чиққан нуқтадан бошланади. «Узоқ давом этган шафқатсиз жанг тақдири душман фойдасига ҳал бўлаётган машъум дамлар... Отларнинг зорли кишнашлари, ярадорларнинг оғир инграшлари, хотинлар, болаларнинг фарёдлари. Тўрга тушган шердай ўкириб Жалололидин киради. Чап елкаси ва қўлидан тирқираб қон оқмоқда». Ёвқур ўғлон ярадор бўлса-да, жангни тўхтатишни ҳаёлига келтирмайди. Тарихий манбалар-

нинг хабар беришича, Жалололидин мард, довюрак, айни замонда, ўжар, қайсар, бир сўзга киши бўлган. Шоир унинг табиатидаги ана шу мураккаб зиддиятларни ҳаётини очиб бериш учун катта куч сарфлаган. Қаҳрамоннинг шиддаткор, суруга тўла руҳига монанд тасвир ва ифода усулларини муваффақиятли тарзда топа олган. Мана, унинг драмадаги илк сўзлари:

*Эй сиз — баланд қояларда
ўсган бургутлар,
Бўронларнинг зурёдлари —
алп навкарлар,
Чавандозлар! Қинга солманг
шамширларингизни.*

*Қайрилмасин яраланган қанотларингиз.
Тисарилиб бораётган отларингизнинг
Бошларини олға буринг, амр этурмен!*

Жалололидин образи асарнинг бошидан охиригача мана шундай кўтаринки руҳ, баланд пафос билан чизилган. Зеро, образ мантиқи, унга сингдирилган юксак ватанпарварлик, қаҳрамонлик ғояси ҳам шуни тақозо этади. Ҳатто Жалололидин энг оғир вазиятларга тушиб қолган, юрагини армон ва изтироблар қийма-қийма қилаётган пайтларда ҳам энг буюк иродаси тоғдек мустаҳкам одамлардагина намоён бўладиган ана шу юксак трагик (фожеавий) руҳ уни тарқатумайди. Бу ҳолат Чингизхоннинг ўғли Тулихон билан тўқнашув саҳнасида, хоин Хўжа Вадриддиннинг кирдикорлари фош этилганда ва, айниқса, Чингиз қўлига тирик асир бўлмасин, деб ўз онаси ва оила аъзоларини дарёга чўктиришга амр қилган дақиқалар тасвирида ўта таъсирли чизилади. Инсоний жозиба, мардлик, жасорат, она Ватанга чексиз муҳаббат тимсолига айланган бу образ талқини муаллифнинг жиддий ютуғидир. Шу билан бирга шоир Жалололидиннинг инсон сифатидаги нуқсонлари, ожизликларини кўрсатишга ҳам алоҳида диққатини қаратади. Бу эса образнинг табиийлиги, ҳаётлигини янада кучайтиради. В. Яннинг «Чингизхон» романида Парвона жангида Жалололидин қўшинида қаттиқ зарба еб, енгилган Чингизхон одатдагидек, ҳийла йўлига ўтади. У айроқчиларини ишга солиб, Жалололидин лашкари орасига қутқу солишга эришади. Саркардалар ўлжа талашиб, уришиб қоладилар. Жалололидин эса уларни яраштириб қўйишга лоақал уриниб ҳам кўрмайди. Оқибатда, икки йирик саркарда ўз черикларини бошлаб, ўрдудан кетиб қолади. Хоразм қўшини маълум даражада заифлашганини сезган Чингиз фурсатни қўлдан бой бермай, тез қарши ҳужумга ўтади ва ғалаба қозонади.

Тўғри, романда айни мана шу нуқталар бир қадар тезкорлик билан ҳикоя қилинади, маълум даражада психологик тасвир ўрнини баёнчилик, аҳборот эгаллашгадек бўлади. Эркин Самандар эса бу реал ҳодисага бошқача нигоҳ билан ёндошади ва унга анча кенг ўрин беради. Драмада ўлжа тақсимида сарбозлар билан бошлиқлар (сарханлар) орасида низо чиқади. Жалололидиннинг халқ орасидан чиққан довюрак саркардаларидан бири — Ёвқоч ботир сарбозлар ёнини олади, натижада, икки ўртада ихтилоф туғилади. Нима бўлганда ҳам оқсуяк, аслзода фарзанди, султон Жалололидин сарбозларни эмас, саркардалар ёнини олишни маъқул кўради.

(Давоми 28-саҳифада)



Абдулла ЖАЛИЛ

Үйгөк булар

Достон

«Сизнинг отингиз Урибек...
Сизнинг қахрамонона исмингиз Ури, элингиз Үз».

АЧУР ёдномасидан, VIII аср.

МУҚАДДИМА

Урхун битиклари... Кўҳна битиклар,
Турк ёзуви ўйиб битилган тошлар.
Улар тошлар эмас, Туркий халқларнинг
Кўзларидан оқиб қотган кўз ёшлар.
Энасой битиги... Кўҳна битиклар.
Минг йиллик ғамлардан сўйилган тошлар.
Улар тошлар эмас, Турон Заминда
Озодлик, эрк учун кесилган бошлар...
Тўньюнук битиги... Қадимий битик,
Турк сири, Уғуз сири сақлаган тошлар.
Улар тошлар эмас, бизнинг аجدодлар
Рухида йиғилган сабр, бардошлар.
Кул Тигин, Билга хон, Унгин битиги,
Мозийдан бизларга мерос бу тошлар.
Улар тошлар эмас, босқинлар ичра,
Кулфатда оғуға айланган ошлар...

ЭЛТАРИШ НИДОСИ

«Турк халқи йўқолмасин, деб, қурбон бўлмасин,
деб, тепадаги осмон айтган экан».

УНГИН битигидан, VIII аср.

Элтариш хоқон яқинларидан бири Элетмиш ва унинг
ўғли Чур Йўға қабри устида шундай деб турган экан...

Эй хийлакор Табгач, разил душманим,
Ушбу сўзларимни тинглагил маним,
Мангу қарам бўлмас сенга Ватаним,
Буни тепадаги осмон истамас...

Йўқ қила олмайсан улуг халқимни,
Еб ҳам кетолмайсан менинг ҳаққимни,
Ютқиза олмайсан бизга заққумни,
Буни тепадаги осмон истамас...

Сен каби душманлар жуда кўп бўлган,
Ниятига етмай барчаси ўлган,
Айтгин, ким абадий ҳукмрон бўлган?
Буни тепадаги осмон истамас...

Жанглар кўрдим, чексиз қурбонлар кўрдим,
Ватаним, халқим деб қон кечиб юрдим.
Қачон мен душманга тиз чўкиб турдим?
Буни тепадаги осмон истамас...

Дўстим Али Элетмиш, Чурга шараф-шон,
Бормиди улардек богир, қахрамон?
Туркий халқ йўқолмас, бўлмайди қурбон!
Буни тепадаги осмон истамас...

Инсон борки билсин халқининг қадрин,
Элетмиш тиклади халқининг қадрин.
Қўй, мен сўйламайман биз чеккан ғамдан,
Буни тепадаги осмон истамас...

БИЛГА ХОН ФАРЁДИ

«Турк халқини тўплаб давлат тутишингизни бу
ерда тошга ўйиб ёздим. Адашиб айрилганингизни
хам... Унга қараб билинг, туркнинг эндиги халқ
қи — беклари. Уй, дунёгагина қарайдиган, кўзига
фақат мол-мулк кўринадиган беклар, сизлар —
гумроҳсизлар».

КУЛ ТИГИН БИТИГИ, VIII аср.

Билга хон укаси Кул Тигин қабрига ёдгорлик тоши
қўйишга аҳд қилди. Шунда жияни Йўллик Тигинга
қараб шундай деб турарди:

— Йўллик Тигин, эй жияним тоштарош,
Кул Тигинга бир ёдгорлик қўяйлик.
Укам доғи билан бўлдим мен адош,
Юракдаги дардни тошга ўйайлик.

Тўқсон икки ўғиз сўзим эшитсин,
Вужуд қулоқ бўлиб тингласин халқим,
Сўзларимни доим ёдида тутсин,
Турк халқига мансуб, қондош бўлса ким!

Табгич олгач ёвузликнинг ҳадисин,
Ширин сўзлаб, молу дунё ол дейди.
Мол-дунёга келтиради ҳавасинг,
Амал бериб, бойлик бериб алдайди.

Кимки нодон бўлса ишонар унга,
Ким илмсиз бўлса ғафлатда қолар.
Ким алданса кумуш билан олтинга,
Бир кун бошга қилич зарбини олар.

Билинг, душман доноларни йўлатмас,
Йўлатмайди элпарварни ўзига.
Лекин сира хоинларни қулатмас,
Қўғирчоқдек ниқоб тутар юзига.

Қўғирчоқлар билан юртинг талайди,
Улар билан доим элинг бўзлатар.
Душман, фақат сотқин бошин силайди,
Уларга ўз халқин гўштин тузлатар.

Эй, турк халқи, бир-бирингни қайирма,
Хоқон сўзим, тўкмагин ўз қонингни.
Ўз қавмингдан, уруғингдан айрилма,
Жонинг ичра сақла Туркистонингни!

БҮЛАЖАК ТУРК ХОҚОНЛАРИГА БИЛГА ХОҚОН ВАСИЯТИ

«Турк осмони, туркнинг муқаддас ери, суви
шундай дейди: «Турк халқи йўқ бўлмасин, халқ
бўлсин».

КУЛ ТИГИН битигидан, VIII аср.

— Йўллуғ Тигин, ёзгин отам сўзини,
Шундай деган эди Элтариш хоқон:
Ботир ўғлон ўйсин душман кўзини,
Бирлашганлар бўлар қудратли будун!

— Йўллуғ Тигин, ёзгин онам сўзини,
Шундай деган эди Эл Билга хогун:
Бирлашгирсин она ўз улусини,
Бирлашмаган тўзиб кетади бир кун...

Бу сўзларни дилга жойлаб жанг қилдим,
Шарқу ғарбга лашкаримни юрғаздим.
Нифоқ солган ғаним ҳолин танг қилдим,
Турк халқини мен оёққа турғаздим.

Фитначининг юзларини лой этиб,
Алданишни ўзимга билдим уят.
Камбағални, муҳтожларни бой этиб,
Бор куч билан элни қилдим тарбият.

БИЛГА ХОҚОННИНГ ДУШМАН ФИТНАСИ ҲАҚИДА АЙТГАНЛАРИ

«Тепадаги осмон босмаган бўлса, пастда ер ёрил-
маган бўлса, эй турк халқи, давлатингни, ҳукума-
тингни ким бузди?»

КУЛ ТИГИН битигидан, VIII аср.

— Эй, Кул Тигин, укажоним, меҳрибон
Давлатли халқ эдик, у давлат қани?
Қани Оллоҳ сояси ул соябон,
Бизлар барпо этган мамлакат қани?

Бизлар туздик, биз яратдик, тикладик,
Ота мерос давлатингни ким бузди?
Бир-бирига қайраб қондош элингни,
Фитна билан жон риштасин ким узди?

Нечун бериб қўйдик давлатни қўлдан,
Қўлдан чиқиб кетди мамлакат нечун?
Нечун айри тушдик адашиб йўлдан,
Қандай кунга қолдик, укажон, бу кун?!

Нечун турклар турк отини ташлади,
Нечун қабул қилди табғачча отни*,
Нечун турклар қул бўлди, кўз ёшлади,
Нечун хоқон қилди ўзига ётти?

Санайверсам дардим кўпдир, укажон,
Сўрайверсам савол тизим-тизимдир,
Дардларимга малҳам қўяр қай замон,
Саволларга жавоб бергувчи кимдир?

Эй, Кул Тигин, сен қабрингда тинч ухла,
Йўллуғ Тигин, жиян, тошга ўй буни:
«Халқ бошига қуллик, мутелик тушар,
Душман фитнасига алданган куни...»

КИМ САБАБ?

«Ўкин, пушаймон бўл, кўргилигинг, тақдиринг
учун... Ўзинг адашдинг, орага ёмонни киргиз-
динг».

КУЛ ТИГИН битигидан, VIII аср.

— Неча марта Турон юртни ёв босди,
Эй туркийлар, кўп пушаймон бўлдингиз.
Евуз душман гўдакларни ҳам осди,
Эй туркийлар, ер-ла яқсон бўлдингиз.

Ўкиндигиз, ғам чекдигиз юз йиллаб,
Зардоб ютиб, дили вайрон бўлдингиз.
Қақшадигиз, оҳ урдингиз зор йиғлаб,
Даҳшат ичра лолу ҳайрон бўлдингиз.

* Табғач — қадимги хитой босқинчи элатларидан

Эй туркийлар, тақдирига тан бериб,
Юрак бағри қоп-қора қон бўлдингиз.
Кўргуликка кўникдингиз ноилож,
Юртингизда зору нолон бўлдингиз.

Қўлдан кетди Турон замин неча бор,
Эй туркийлар, айтинг, бунга ким сабаб?
Бой берилди эркинлигу ихтиёр,
Туронийлар, айтинг, бунга ким сабаб?

Айрилдингиз, айрилганни бўри ер,
Душман еди битта-битта айириб.
Кишан солди, Турон — занжирбанд бир шер,
Тиз чўқтирди душман сизни қайириб.

Туронийлар, мана келди истиқлол,
Кўзингизга қараб, сўзсиз диллашинг.
Фурсат кутиб бўлманг яна хомхаёл,
Тезда қўлни қўлга бериб бирлашинг.

Бир олингиз қўлга муқаддас юртни,
Аммо берманг энди уни душманга.
Хур тилагим: сизни худо сақласин,
Ҳатто тушда дуч келмангиз кишанга...

ТУНЮҚУҚ ДАЪВАТИ

«Турк халқига қуроли душманни келтирма-
дим.

...Давлатим ҳам давлат бўлди. Халқ ҳам халқ
бўлди».

ТУНЮҚУҚ битигидан, 712 йил.

— Ватан — кўздир, унинг эгалари бор,
Эгаси сендирсан, кўзингни асра.
Сен туркий элдирсан дунёда номдор,
Эй қутлуғ авлодим, ўзингни асра.

Ватан кўздир, унинг қорачиғи — халқ,
Асрагин кўзларинг қорачиғини.
Халқ — халқ бўлсин десанг юрагингни ёқ,
Ёқиб, қувват қилгин халққа чўгини.

Йўлатма юртингга душман аскарин,
Ватанингга қалқон айлагин танни.
Тан қалғаси ичра жондек асрагин,
Ватан бўлсин десанг, агар Ватанни.

Ватан, она халқим, давлатим десанг,
Шу уч калом билан яшасанг бедор —
Ҳар лаҳзада улар ғамини есанг,
Гадо эсанг сенда хон қудрати бор...

ХОТИМА

Элтариш нидосин, дардин тингладим,
Эшитдим Турк Буғу сўзларин такрор.
Билга хон фарёди недан, англадим,
Унинг васиятин ўқингиз минг бор.

Душман фитнасидан ул хоқон, ул ҳақ,
Билга хоқон огоҳ этмиш қадимда.
Эран Улуғ айтмиш: жасоратли халқ —
Турклар яралмишлар Турон заминда.

Ватанни, давлатни, халқни асрашни,
Тунюқуқ ўргатди, айланг уни ёд.
Ватаним, халқим деб яшаганларнинг,
Икки дунёсини айласин обод.

Кул Тигин бўзлади, бек ўғиллар қул,
Бўлмасин деб сулув қизларинг чўри.
Боболарнинг руҳи кезади жаҳон,
Улар қалбимизнинг нури, шуури.

Уларнинг руҳлари ҳамиша уйғоқ,
Доим ёнимизда ҳозир нозир.
Халқим, бизни босса ғафлатда мудроқ,
Боболар уйғотиб қўймоққа қодир...

Наманган
1991—1992 йиллар



«ҚУТАДҒУ БИЛИГ» –

туркий ёзма адабиёт отаси

Миллий уйғониш даври ҳар бир халқдаги истезод эгаларининг тезроқ юзага чиқишини таъминлайди, буюк қобилият эгаларини яратади. Ҳар доим шундай бўлган. XI асда яшаб ижод этган буюк донишманд, Шарқнинг улкан мутафаккири, беназир қобилият эгаси Юсуф Хос Ҳожиб ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Адиб яратган «Қутадғу билиг» дostonи ўзининг юксак бадиияти, сеҳрли жозибаси билан ажралиб туради. Достон мисраларидаги чуқур мазмун, нозик шеърӣ жанр, киши қалбини ҳаяжонга соладиган халқона оҳанглар ўз сеҳрига тортади.

«Қутадғу билиг» туркий ёзма адабиётининг энг йирик қадимий обидаларидандир. Бу асар — туркий халқлар ифтихори, улар маданиятининг олий кўрсаткичларидан бири. Аммо унинг аҳамиятини фақат туркий халқлар манфаати йўлидагина белгилаш бирёқламалик бўлур эди. Бу хилдаги асарлар бутун инсониятга, умумжаҳонга тегишли бўлади. Шунинг учун ҳам унинг аҳамияти умумжаҳон миқёсига молик. Асарни бутун жаҳон олимлари ўрганаётганлиги ҳам шу миқёслар билан белгиланади.

«Қутадғу билиг» да кўп асрлик аънаналарга эга бўлган йирик бир адабиётнинг энг муҳим хислатлари яхлит ҳолда намоён бўлади. Табиийки, бундай ҳолнинг тасодиф бўлиши мумкин эмас. Зеро, Юсуф Хос Ҳожибдан олдин яшаб ижод этган кўплаб адиблар, улар яратган талай асарлар ҳам юзага келган.

«Қутадғу билиг» яратилишидан олдинги даврларда юзага келган турли жанрларда-

ги улкан адабиётнинг алоҳида қисмлари сақланиб ҳам қолган ва уларнинг бир қисми ёзма адабиётнинг ўзи билан алоқадор бўлса, яна бир қисми кўпроқ оғзаки ижод намуналари билан боғлиқ. Ҳар қолда V—VIII асрларга оид бўлган «Урхун-Енисей битик тошлари», IX—X асрларда юзага келган «Ирқ битиги», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луготит-турк» асарига кирган ҳамда ўз яратилиш даврига кўра фақат XI асрга эмас, балки ундан бир неча асрлар қадимга бориб туташадиган бадиий парчалар шу улкан аънана маҳсули эканлиги аниқ. Буларнинг ёнига жуда катта маъқе тутган таржима адабиётини ҳам киритмоқ керак. Айниқса, «Хуастанифт», «Олтун ёруқ», «Абитаки», «Майтри Смит» каби асарларни эслаш ўринли бўлади.

«Қутадғу билиг» ана шундай кучли аънаналар силсиласида юзага келди. Шунга қарамай, маданиятимизнинг қадим давлари ҳақида гап борадиган бўлса, айрим тадқиқотчиларнинг XI асрдаги адабиётимизни, жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарини ҳам кўпроқ миллий замин билан эмас, аксинча, чет (ўзга) аънаналар билан алоқалантиришга мойиллиги, ҳатто бу майлнинг анчагина кучли даражада кўриниши ҳам сезилади. Вунинг бир қатор сабаблари бор.

Юсуф Хос Ҳожиб китоб муқаддимасида ўз асарига оид айрим мулоҳазаларни айтиб ўтади. Жумладан, у ёзади: «Бу китаб йавлақ (жуда) азиздир. (У) Чин ҳақимларнинг масаллари билан яратилган, Мочин ҳақамларининг ашъорлари билан ораста қилинган...» Чинлилар «Адаб ул-мулк» от бердилар. Мочин малигининг нодимлари «Ойин ул-мамлакат» атадилар. Машриқлилар «Зийнат ул-умаро» деб айтдилар. Эрон-

лилар «Шоҳномаи туркий» дедилар, туронлилар «Қутадғу билиг» деб айтдилар».

Мана шу кўчирмадаги «Шоҳномаи туркий» деган ифода асарнинг, форс-тожик адабиёти таъсири остида шаклланган, деган қарашларга туртки берган чамаси. Шунингдек, асарда ўрни-ўрни билан китобхон диққатини айтилаётган фикрга кўпроқ жалб этиш мақсадида, «Неку тер, эшитгил...» («Нима дейди, эшит...») деб бошланадиган кўплаб мисралар бор. Улар орасида бир ўриндагина «тажик билгаси» деган қайд мавжуд:

*Неку тер, эшитгил, тажик билгаси,
Тажик билгаларин жавиқар қуси.*

*Тожик донишманди нима дейди,
эшитгин,
Тожик донишмандларининг
шухрати ёйилгандир.*

Яна бир ўринда эса «тазий тили» эслатилади:

*Эди йақши аймиш бу тази тили,
Киши асли билзуга ачмиш йўли.*

*Тазий (араб)лар тили жуда
яхши айтибди,
Киши(нинг) аслини билишга
йўл очибди.*

Аммо китобда «Неку тер, эшитгил...» деб бошланадиган байтлар миқдорининг юздан ортиқ ўринда қўлланганини ва улар орасида нотуркий манбаларга ишоралар бор-йўғи икки-уч ўриндагина учрашини эътиборда тутадиган бўлсак, юқоридаги гап-сўзларнинг аниқ асоси йўқлиги маълум бўлади. Аксинча, Юсуф Хос Ҳожиб асосий ҳолатларда бевосита туркий қавмларнинг номини келтиради:

*Неку тер, эшит, йақши Йағма беги,
Қамуг иш ичинда етилмиш ўғи.*

*Йағма беги нима дейди, яхшилаб эшит,
Ҳамма ишларда фаросати етган киши.*

*Неку тер, эшитгил, билиглиг чигил,
Билигсиз, эшитгил, бўюн бер, эгил.*

*Билимли чигил нима дейди,
эшитгин,
Билимсиз, (сен) эшитгин,
бўйин бер, эгил.*

Ана шу қайдлар орасида Уч ўрду хани, Ўтукан беги, Ила эркини каби туркий уруғ ва қавмлар яшайдиган жуғрофий ўринлар ҳам анчагина.

Ниҳоят, асарнинг бош қаҳрамонларининг барчаси фақат туркий ном олганини ҳам қайд этмоқ керак. Булар: Кунтуғди, Ойтўлди, Угдулмиш ва Узғурмишдир.

Бевосита асар мазмунига келганда шуни айтиш лозимки, у туркий халқларнинг XI асрдаги ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий, бадиий-эстетик қарашларини акс эттиради. Асар воқеалари тўрт асосий қаҳрамон орасидаги савол-жавоблар тарзида кечади. Асар қаҳрамонлари рамзий маъноларга эга. Кунтуғди — адолат рамзи, у асарда

Масъум орасида...
 ۱. ھامма ۱۰۰
 ۲. ھамма ۱۰۰
 ۳. ھамма ۱۰۰
 ۴. ھамма ۱۰۰
 ۵. ھамма ۱۰۰
 ۶. ھамма ۱۰۰
 ۷. ھамма ۱۰۰
 ۸. ھамма ۱۰۰
 ۹. ھамма ۱۰۰
 ۱۰. ھамма ۱۰۰
 ۱۱. ھамма ۱۰۰
 ۱۲. ھамма ۱۰۰
 ۱۳. ھамма ۱۰۰
 ۱۴. ھамма ۱۰۰
 ۱۵. ھамма ۱۰۰
 ۱۶. ھамма ۱۰۰
 ۱۷. ھамма ۱۰۰
 ۱۸. ھамма ۱۰۰
 ۱۹. ھамма ۱۰۰
 ۲۰. ھамма ۱۰۰
 ۲۱. ھамма ۱۰۰
 ۲۲. ھамма ۱۰۰
 ۲۳. ھамма ۱۰۰
 ۲۴. ھамма ۱۰۰
 ۲۵. ھамма ۱۰۰
 ۲۶. ھамма ۱۰۰
 ۲۷. ھамма ۱۰۰
 ۲۸. ھамма ۱۰۰
 ۲۹. ھамма ۱۰۰
 ۳۰. ھамма ۱۰۰
 ۳۱. ھамма ۱۰۰
 ۳۲. ھамма ۱۰۰
 ۳۳. ھамма ۱۰۰
 ۳۴. ھамма ۱۰۰
 ۳۵. ھамма ۱۰۰
 ۳۶. ھамма ۱۰۰
 ۳۷. ھамма ۱۰۰
 ۳۸. ھамма ۱۰۰
 ۳۹. ھамма ۱۰۰
 ۴۰. ھамма ۱۰۰
 ۴۱. ھамма ۱۰۰
 ۴۲. ھамма ۱۰۰
 ۴۳. ھамма ۱۰۰
 ۴۴. ھамма ۱۰۰
 ۴۵. ھамма ۱۰۰
 ۴۶. ھамма ۱۰۰
 ۴۷. ھамма ۱۰۰
 ۴۸. ھамма ۱۰۰
 ۴۹. ھамма ۱۰۰
 ۵۰. ھамма ۱۰۰
 ۵۱. ھамма ۱۰۰
 ۵۲. ھамма ۱۰۰
 ۵۳. ھамма ۱۰۰
 ۵۴. ھамма ۱۰۰
 ۵۵. ھамма ۱۰۰
 ۵۶. ھамма ۱۰۰
 ۵۷. ھамма ۱۰۰
 ۵۸. ھамма ۱۰۰
 ۵۹. ھамма ۱۰۰
 ۶۰. ھамма ۱۰۰
 ۶۱. ھамма ۱۰۰
 ۶۲. ھамма ۱۰۰
 ۶۳. ھамма ۱۰۰
 ۶۴. ھамма ۱۰۰
 ۶۵. ھамма ۱۰۰
 ۶۶. ھамма ۱۰۰
 ۶۷. ھамма ۱۰۰
 ۶۸. ھамма ۱۰۰
 ۶۹. ھамма ۱۰۰
 ۷۰. ھамма ۱۰۰
 ۷۱. ھамма ۱۰۰
 ۷۲. ھамма ۱۰۰
 ۷۳. ھамма ۱۰۰
 ۷۴. ھамма ۱۰۰
 ۷۵. ھамма ۱۰۰
 ۷۶. ھамма ۱۰۰
 ۷۷. ھамма ۱۰۰
 ۷۸. ھамма ۱۰۰
 ۷۹. ھамма ۱۰۰
 ۸۰. ھамма ۱۰۰
 ۸۱. ھамма ۱۰۰
 ۸۲. ھамма ۱۰۰
 ۸۳. ھамма ۱۰۰
 ۸۴. ھамма ۱۰۰
 ۸۵. ھамма ۱۰۰
 ۸۶. ھамма ۱۰۰
 ۸۷. ھамма ۱۰۰
 ۸۸. ھамма ۱۰۰
 ۸۹. ھамма ۱۰۰
 ۹۰. ھамма ۱۰۰
 ۹۱. ھамма ۱۰۰
 ۹۲. ھамма ۱۰۰
 ۹۳. ھамма ۱۰۰
 ۹۴. ھамма ۱۰۰
 ۹۵. ھамма ۱۰۰
 ۹۶. ھамма ۱۰۰
 ۹۷. ھамма ۱۰۰
 ۹۸. ھамма ۱۰۰
 ۹۹. ھамма ۱۰۰
 ۱۰۰. ھамма ۱۰۰

мамлакат ҳукмдори вазифасида намоён бўлади. Ойтўлди — давлат рамзи, унинг вазифаси вазирлик. Ўгдулмиш — ақл тимсоли, у вазирнинг ўғлидир. Ўзгурмиш — Офият (қаноат, сиаҳат-саломатлик) тимсоли, у Ойтўлди ва Ўгдулмишнинг қариндоши сифатида ҳаракат қилади. Воқеалар сўнгида асарнинг икки қаҳрамони: Ойтўлди (давлат) ва Ўзгурмиш (Офият)нинг ўлиши, Кунтуғди (адолат) ва Ўгдулмиш (ақл)нинг тирик қолиши ҳам чуқур рамзий маънога эга.

Адиб мамлакатни идора қилишда Адолат ва Ақл бош ўрин тутиши лозимлигини жуда кўп ўринда махсус таъкидлайди. Адолат қадимги туркий тилда «тўру» деб аталган. Мана, шоирнинг бу борадаги фикрларидан бир қатра:

*Тўру суетег ул куч, кўр, ўттег юдуғ,
Сузуғ сув ўқиттинг, ўдитти ўтуғ.*

*Адолат суетек,
зулм эса ўтдек офатдир,
Зилол сув оқиздинг,
(у) ўтни ўчиради.*

Адолат эзгулик билан чамбарчас боғлиқдир, деб уқтиради шоир. Агар мамлакат ҳукмдори эзгу киши бўлса, эл-юрт унинг адолатидан баҳраманд бўлиб, фақат эзгуликларга йўл очилади.

*Апанг эзгу бўлса бу беглар ўзун,
Баюр будни барча, кўр, эглар ажун.*

*Агар беклар ўзлари
яхши бўлсалар,
Барча халқи бойийди,
олам гулистон бўлади.*

Мамлакат равнақи, юртнинг гуллаб-яшнаши бевосита бутун (халқ)нинг ҳаёти, унга бўлган муносабатга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунга кўра, Юсуф Хос Ҳожиб ҳар доим халққа алоҳида меҳрибонлик билан қарашга даъват қилади:

*Бағирсақ бўлун барча буднунг уза
Тўру қил улугқа, кичикка туза-а.*

*Барча халқингга нисбатан
раҳм-шафқатли бўл,
Улуққа ҳам, кичикка ҳам
тенг адолат қил.*

Қолаверса, ҳар қандай инсоннинг инсонлиги фақат кўпчилик манфаатига хизмат қилишдагина кўринади, ўзининг шахсий тилак-орзуларидан воз кеча олиб, эл-юрт, халқ нафани кўзлашидагина намоён бўлади:

*Кишилар ара, кўр, киши ул бўлур,
Анингдин кишилар асиғлар бўлур.*

*Кишилар орасида ҳақиқий инсон
шу бўладики, кўргин,
Ундан (бошқа) кишилар манфаат
(фойда)лар топади.*

«Қутадғу билиг»да турли ижтимоий гуруҳларнинг жамият ҳаётида тутган ўринлари, уларнинг ўзига хос томонлари ҳақида ҳам қимматли фикрлар кўп. Асарда мамлакат ҳукмдори — бек, унинг ёрдамчилари: вазир, су баша (лашкарбоши), хазиначи, котиб, шунингдек, шоир, олим, таъбирчи, табиб, деҳқон, чорвадор, хунарманд ва бошқалар ҳақида алоҳида боблар мавжуд.

Уларнинг бойиши, деб уқтиради адиб, мамлакат ҳукмдорининг бойлиги ва кучини кўрсатиб туради:

*Тапуғчи байуса бег ати бўлур,
Бу ати дуға бирла мангу қалур.*

*Хизматкор бойуса, бек номи
машҳур бўлади,
Бу ати дуо билан мангу қолади.*

Юсуф Хос Ҳожиб асариде меҳнаткаш халқ алоҳида меҳр билан тасвирланади, улардаги чин инсонийлик, туғма самимият, бошқалар ишига жонфидалики каби фазилатлар очиб берилади. Таригчи (деҳқон)лар ҳақидаги бобда, жумладан, шундай фикрлар мавжуд:

*Таригчи туру, кўр, тақи бир қуту,
Кераклиг кишилар турур бу буту.
Қамуғ тебранурка булардир асиғ,
Тузука тегир ем, ичимдин татиг.
Тузу тин тўқуғли, ачиб-тўдғучи,
Мунгар бўлди мунглуғ тириг бўлғучи.
Сенга ма, сезигсиз, керак бу киши,
Этилса анин ўтру бўғзунг иши.
Таригчи кишилар бўлур алги кенг,
Байат бермишиндин тутар кўнгли кенг.
Қамуғ табранигли тузу ер ўнги,
Йуриғли аши ул, учуғли менги.
Буларқа қатилғил, қарилғин ўзунг,
Тилин яқши сўзла, ачуқ тут юзунг.*

*Тагин бир тоифаси деҳқонлардир,
Булар мутлақо керакли кишилардир.
Ҳамма қимирлаган (жон)га
булардан наф (бўлади),
Ҳаммасига ейим (ва) ичимдан
ҳаловат етади.*

*Ҳамма нафас олувчи (яъни жонли),
очиқиб тўювчи(лар),
(Жамики) тириклар
буларга ҳожатманд бўлади.
Бу киши(лар) шубҳасиз,
сенга ҳам керак (лидирлар),
(Токи) улар туфайли
томоғининг масаласи ҳал
бўлсин.*

*Деҳқон кишилар қўли очиқ бўлади,
Кўнглини худо берганидан ҳам
зиёд кенг тутуди.*

*Бутун ер юзидаги ҳамма
қимирлаган жоннинг,
Юрадиганларнинг овқати-ю,
учадиганларнинг дони
(улардадир).*

*Ўзинг булар билан аралашгин,
қўшилгин,
Тилда яхши сўзла, юзингни очиқ тут.*

Умуман, асарда инсонни камолот сари бошлайдиган яхши фазилатларни эгаллашга бўлган даъват етакчи мавқеа тутуди. Бу даъват мамлакатнинг барча фуқаросига қаратилган. Шоир, эзгуликнинг боши билим олишга, ўрганишга интилиш билан белгилади, дейди. У барча кишиларни икки тоифага ажратади:

*Киши эки турлуг киши атанур,
Бири ўргатигли, бири ўгранур.
Экида нару барча йилқи сани,
Тиласа муни тут, тиласа ани.*

*Икки турли киши киши аталади:
Бири ўргатувчи,
бири — ўрганувчи.
Иккисидан бошқа
барчаси йилқи тенгидир,
Истасанг буниси бўл,
истасанг унису.*

«Қутадғу билиг» юқориде айтганимиздек, Ўрта Осиё халқларининг жумладан, туркийларнинг ҳам араб истилоси истибодларидан қутулиб мустақил миллий давлат тузаётган, туркий халқларнинг ўз миллий кадриятларини чуқур англай бошлаган даврларида яратилди. Шунинг учун ҳам унда туркий тил мавқееси учун курашиш, бу тилнинг қудратини кўрсатишга бўлган буюк ҳаракат натижалари ҳам акс этган.

Адиб туркча сўзларни тоғнинг ёввойи кийигига ўхшатади. Ўзини эса ана шу ёввойи кийикни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан қўлга ўргатаётган кишига нисбат беради:

*Кейин тағи кўрдум бу туркча сўзуг,
Ани аҳру туттум, яқурдум ара.*

*Бу туркча сўзни (ёввойи)
тоғ кийиги каби билдим,
Уни оҳиста ушладим,
алдаб яқинлаштирдим
(яъни ўргатдим).*

Худди шунинг учун ҳам адиб ўз асарининг «туркча қўшиқлар»дан иборат эканлигини махсус таъкидлайди:

*Бу туркча қўшиқлар тузаттим сенга,
Ўқирда унутма, дуо қил менга.*

*Сенга бу туркча қўшиқларни
яратдим (ёздим),
Ўқиган пайтингда унутма,
менинг ҳаққимга дуо қил.*

Кўриниб турганидай, ушбу таъкид остида буюк бир ифтихор, юксак бир фахр туйғулари мавжуд. Китобни ўқиган ўқувчига шу ифтихорнинг юқиши ҳам табиий. Зеро, туркий халқлар бундай мухташам обида билан ҳар қанча фахрлансалар арзийди.

Бокижон ТУҲЛИЕВ,
филология фанлари номзоди



«Қутадғу билиг» асари кўлемасининг саҳи-
фаларидан намуналар

Яқинда ота-онамдан хабар олгани қишлоққа борганимда, уйга етиб олгунга қадар қишлоқ оралаб анча-бунча юришга тўғри келди. Салдан кейин қаршимдан тўп-тўп болалар кела бошладилар. Демак, дарс тугабди. Чекка тоғ қишлоғининг тўпори болалари назаримда маъсумликнинг тимсолига ўхшаб кетади. Уларга бир армон қадар ҳавас билан тикиламан. Бироқ, ажабки, улар ҳам менга тикилиб турганини англаб қолдим. Менга худди ўзга сайёрадан келган одамни кўриб қолгандек, ярим қизиқсиниш, ярим лоқайдлик ва ярим ҳайрат билан бошдан оёғимга қадар тикилиб қолганига ажабланганим ўзимга ҳам ғалати туюлди. Ахир, орада қандайдир илиқ мулоқот бўлиши, яъни бир-биримиз билан саломлашишимиз керак эди-ку! Ахир, шу чанг кўчалардан биз ҳам елкага осилган латта «папка» кўтариб ўтганмиз. Бироқ, қаршимиздан чиққан кишига, ким бўлишидан қатъий назар, чувиллашиб салом берар эдик. Булар ҳам худди шундай болалар-ку! Нима, бу мурғак қалбларда инсонга ҳурмат йўқмикан? Умуман, болакайларнинг кечаги болалардан фарқи нимада? Уйлаб қараганда, ҳеч қандай фарқи йўқ. Визнинг замонда нон бироз танқисроқ эди. Асосий фарқи йилларда холос. Орадан ўттиз беш йил ўтган!

Болакайлар ҳақидаги мусоффо ўйларим чилпарчин бўлди. Юракнинг тубига гўё оғир бир тош чўқди. Очиги, болаларнинг саломидан менинг обрў-эътиборим ошиб кетмас ёки бирор нуфус ёхуд моддий имкониятга эга бўлмайман. Войликни тиклаб олиш мумкин, бироқ менинг издошларим, менинг қондошларим, эртанги кунимиз эгалари йўқотган одобни тиклаш осон эмасдир. Қаршиндан келаётган нуроний инсон олдида кўзни лўқ қилиб ўтиб кетиш мусулмон киши учун уят!

Халқимиз: «Мусулмонни саломидан бил», дейди. Ахир, ёнида яшаётган инсонларга хотиржамлик, саломатлик тилаги, шукронаси бўлмаган инсоннинг қалбида эзгу туйғулар, ҳаётга муҳаббат бўлармикан?! «Инсонга шукрона айтмаган киши худого шукрона айтмайди», дейилади ҳадисларда. Болаларимиз қалбидаги ҳаётга, одамларга меҳрни тарбиялай олмасак, бу билан мусулмончиликнинг энг оддий қоидаларидан ҳам юз ўгирган бўлмаймики?! Наҳот, инсон азалий одатини шунчалик тез унутса?! Хўш, биз қаёқдан андоза олмоқдамиз? Шарқнинг қадимги анъанаси Ғарб таъсирида, янги сунъий атеистик ахлоқ яратишга жазм қилган қизил ҳоқимият таъсирида ўз кучини шунчалик тез йўқота бошлади. Бу хавфли дард наҳот олис қишлоқларни ҳам қамраб олди? Очиги, руслаштириш сиёсати Шарқ халқлари маънавиятига қатта салбий таъсир кўрсатди. Бу билан халқларнинг муносабатларини кескин чегаралаб қўйиш керак, дедокчи эмасмиз. Бунинг иложи ҳам йўқ. Лекин, бу жараёни сунъий тарзда кескинлаштириш ҳам яхши оқибатларга олиб келмаслиги аён бўлди. Азалдан халқлар бир-бирларидан ўрганади, бир-бирларига ўргатади. Бу жараён ижобий тарзда, узоқ муддатда кечса, ўзга урф-одатларнинг яхши жиҳатларини бошқа халқлар ўзларига мослаштириб қабул этдилар. Жараён табиий тарзда кечганда ўзга халқларнинг нафақат урф-одатлари, балки тили ҳам қабул этилиши мумкин экан. Тил — халқнинг қиёфаси эканини англайдиган бўлсак, бу — ноёб ҳолдир. Шарқда қадим ҳарбий тил — туркий, илм-фан тили — арабий, шеърый тил — форсий бўлиб шаклланганлигини эслаш кифоя. Туркистон ҳудудида туғилиб ўсган Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Қошғарий, Ибн Сино, Веруний, Ал-Хоразмий, Ал-Бухорий, Имом Термизий, Улуғбек каби алломалар ўз кашфиётларини араб тилида баён этдилар. Ё бўлмаса, турк қабилаларидан чиққан Саъдий Шерозий, Мирзо Бедил форсийда бетақдор шеърлар яратдилар. Озарбойжон шоири Низомий Ганжавий форс тилида ижод қилди, Алишер Навоий Фоний



АДАШГАН АНДОЗАЛАР

тахаллусида форсий девон яратди. Лутфию Машраблар туркий тилни фалакка олиб чиқдилар. Ўзга тилларда яратилган бу бадий ва илмий асарлар асрлар ўтса ҳамки инсоният тафаккурининг ноёб дурдоналари каби турк халқига ҳам битмас-туганамас завқшавқ ва шуур бериб келмоқда. Ҳа, халқ кимдан ва нимадан андоза олиш кераклигини ўзи билади. Бундай андозалар сиёсий гуруҳлар томонидан тикиштирилар экан, бу кутилмаган натижалар беради, муҳими, сохтакорликка олиб келади. Руслаштириш сиёсати бизда ана шундай, ғайришуурий тарзда ўтказилди.

Визнинг тоғли қишлоқда қирқинчи йилларга хос бир воқеани ҳалигача кулиб-кулиб эслаб юришади.

Россия ҳудудида ҳарбий хизмат бурчини ўтаган йигит қишлоққа бир рус қизни уйланиш мақсадида олиб қайтади. Ота ноилож тўй қилиб беради. Бироқ уйдаги қариялар билан, айниқса, ўзини Махсум деб атайдиган қайнота билан келиннинг муомаласи ҳеч ҳам тўғри келмайди. Баҳорда, қуёш ялт этган пайтда қўни-қўшнилари бола-чақалари билан тоқларнинг ораларини чопишга тутинадилар. Шу пайтда Карим бобо (исми ўзгартирилди) ҳам келинига чой қайнаса чақириниши бир амаллаб тушунтириб, кетмонни қўлга олади-да, боққа тушиб кетади. Бир пайт тепадан, супа ўрнини бажарадиган оғилхонадан туриб келин қичқира бошлайди:

— Карим, чой готов!

Бобо тушунмай қайта-қайта сўрайди. Келин эса такорлайди:

— Чай готов, чай пьёш, Карим?!

Бу мулоқотга барча қўни-қўшни гувоҳ бўлади. Янги келин қайнотасининг отини тутиб чақираётгани ҳаммани ҳайратга солади. Карим бобонинг лақаби ўла-ўлгунча «Карим чай пьёш» бўлиб қолади. Гап бу ерда лақабда эмас, балки бизнинг мамлакатимизга европача удумлар худди ана шу келинчак каби кириб келганидир.

Европага сажда қилишда, миллатларнинг қиёфаси ҳисобланган тили ва урф-одатлари халақит берар эди. Октябр тўнғаришидан сўнг дунёга келган ҳоқимият миллатларнинг урф-одатларини кўриб кўрмасликка олди. Тилини четлаб ўтди. Қадимий халқ — ўзбекларнинг ёзуви ҳам икки мартаба ўзгартирилди. Энг қизиги шундаки, барча қишлоқларда мактаби ва масжиди бўлгани ҳолда, халқи саводсиз деб эълон қилинди. Европа матбуоти, Туркистонни саводли қилиш учун юзлаб йиллар зарур, деб бонг урди. Тақдир ҳазилини қарангки, юз йил ўша давлатнинг ўзи ҳам яшамади! Ёзувни ўзгартириш гоят узоқни кўзлаб амалга оширилган маккорона тадбир эди. Чунки тарихга улкан олимлар, мутафаккирларни берган халқни истибодга солиш осон эмас. Бунинг учун уни тарихини унуттишга мажбур қилиш лозим бўларди. Агар ўтмишдаги мутафаккирлар тилга олинмаган бўлса, уларнинг фикрларига суяниладиган бўлса, ўтмишни идеаллаштирилмоқда, деб аюҳаннос солишарди. Бу каби ёрликлар тоталитар тузум қаноти бўлди. Айниқса, «миллатчи», «халқ душмани», «давлат душмани» каби ёрликлар кишилар тақдирини ҳал этаверар эди. Бундай ёрликлар осилган

бирор кимса ўзининг ҳақлигини исботлаб беролмас эди. Чунки, ҳар доим «давлат ҳимоячиси» ва компартия тўғри бўлиб чиқаверарди. Айниқса, қулоқ қилишларни, қатағонларни бошидан кечирган халқда давлат билан баҳслашиш, ўз ҳуқуқини ҳимоя этиш каби фикрнинг ўзи йўқолиб кетганди.

Очигини айтиш керакки, аҳвол чинакамига ташвишланарли даражага келиб қолган эди. Бошқасини қўйилгунга узоқ чекка қишлоқларда ҳам ҳужжатлар рус тилида расмийлаштирилди, аризалар рус тилида ёзилган бўлиб қолган эди. Тилимизнинг аҳволига бир назар ташланг. Биз бугун тўсатдан уни ўрганиб қолган русча ва бошқа интернационал сўзлардан тозалашга киришдик ва бундай сўзларнинг муқобилини топиб қўллаб бошладик. Шу боисдан баъзан бугун янги қўлланила бошлаган соф ўзбекча ибораларни ўқиб тушунмай қоласан киши. Тил илгаригидек ривожланишда давом этаверганда нима бўларди?..

Ҳаётимиздаги ҳар бир ютуқ ва камчилик Европага солиштириб баҳоланадиган бўлди. Адабиётимизда рус кишининг образини яратиш мажбурият бўлиб қолди. Санъат ахли ҳам ўз халқи эмас, Оврўпа давлатларига бориб келгани билан мақтанадиган бўлди.

Буни қарангки, меъморчилик ҳам сиёсат қурбони бўлди. Мусиқамиздаги аҳвол эса ундан ҳам ачинарли. Миллий куй ва қўшиқларимизга «монодия» деб бурунларини жийирадиган бўлиб қолишди. Халқимиз севиб эшитадиган қўшиқларнинг «овози бир октавали», деб инкор этдилар. Гўё ҳақиқий қўшиқ кўп оҳангли музика билан, икки октавали овоз билан айтилар эмиш. Балки Европада шундайдир. Визнинг халқимиз монодияни, яққолон, бир октавали овоз билан айтиладиган ўйноқи, шўх қўшиқларни яхши кўрса, нима қилиши керак? Бундай савол берилса, Европача санъат тарафдорлари яна бўш келмайдилар: «Ҳақиқий маданият эгаси бўладиган одам икки октавали қўшиқни қадрлаши керак», дейишади. Қўшиқ халқ учун ижро этиладими ёки Европа маданиятини кўз-кўз қилиш учунми? Профессонал ижод деб ҳозиргача европача санъатни тушуниб келдик. Хўш, яққолон ўзбек созандалари профессионал ижодкорлар эмасми? Биз профессионал ижод деб халққа 70 йилдан бери тушунтириб келаётган симфонияларни ҳеч ким эшитаётгани йўқ-ку. Опера театрида бир спектаклга 400 киши хизмат қилиши мумкин, бироқ залда 40 томошабинни топиш амри маҳол! Бу театр кимнинг маблағига яшаётганини суриштирадиган одам йўқ. Қолаверса, опера ўзбек халқ мафқураси учун беғона эканини тан оладиган мард йўқ. Операни Европа ёқтирадим, биз ҳам ёқтиришимиз мажбурий!..

Биз бу билан, европача урф-одатлар инсониятга қони зарар, деб инонтирмоқчи эмасмиз. Ҳар бир одат ўз эли учун қимматли, улуг. Уни бошқа халқ учун кўр-кўрона қўлланар экан, кўпинча аянчли ва кулгили ҳолатлар келиб чиқади. Мен бир вақтлар мафқураимиз бошида турган бир шахс мусулмонларни ҳам гробда кўмишга даъват этганини ўз оғзидан эшитганимда ёқа ушлагандим. Шунда беихтиёр бир ҳикоядаги

воқеа ёдга тушади. Қайсидир раҳбар отасининг таъзиясини янгича ўтказишга қарор қилади ва кўнгил сўраб келувчиларга ароқ қуяди. Мотам сўзлари қадаҳ билан айтила бошланади. Шунда келувчиларнинг кайфи ошиб қолган; бири азанинг тўйдан фарқи йўқлигини кўриб тўсатдан ашула бошлаб юборади...

Бироқ «янгилик»дан дафъатан воз кечиш қатагонлар ҳали унутилмаган юртда осон бўлармикан? Йўқ, албатта. Европача удумларни биз ҳеч ўзгаришсиз қабул қилишга мажбур эдик. Унга киритилган ҳар бир янгилик раҳбарнинг ёнида иккинчи раҳбар бўлиб турган марказ билан бевосита алоқадор амалдорлар назаридан четда қолмасди. Шунинг учун марказ қиладиган ҳар қандай шаъмага ҳам эътибор билан қараб келдик. Бироқ, бир халққа бошқа халқнинг удумини сунъий тарзда тиқиштиришнинг оқибатларини энди билаёلمиз.

Инсон яхши тарбия топиши учун у туғилган онлариданоқ ота-она қайғуриши керак. Афсуски, табиий қоидаларни биз туғуруқхоналарданоқ бузмоқдамиз. Оналаримиз ўзларининг буюк фарзандларини конвейер усулида иш олиб бориладиган туғуруқхоналарда туққан эмаслар. Бу ердаги эркак дояларига шарқ аёллари қандай қарайдилар ё бўлмаса, туғуруқхонага тушган турли миллат, турли ирққа хос оналар сунини аралаштирган ҳолда болаларга бериш мур-

раклар организмда, улар руҳиятида қандай ўзгаришлар пайдо қилишини ҳали ҳеч ким билмайди-ку!

Халқ амалиётида ҳаром-ҳалол деган тунчалар асрлар давомида шаклланади. Балки бу амалий тажрибалар замирида маълум минтақада яшайдиган халқнинг ўзига фойдали ёки зарарли, мижозига тўғри келадиган-келмайдиган егуликларга муносабат ва қонун-қоидалар мужассамлашган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бироқ биз ҳатто Европа минтақасидан келтирилган мол сўйиш конвейерига ҳам ўз одатларимизга мос ўзгартириш кирита олмадик. Маълумки, мол сўйганда, одатимизга кўра унинг боши танасидан тезда узилади. Шундагина қонлар чиқиб кетиб, гўштнинг нафақат мазаси, балки ранги ҳам ўзгача бўлади. Бошқача сўйилган гўшт макруҳ ҳисобланади. Бироқ гўшт комбинатида шунинг гувоҳи бўлдикки, қўй ёки моллар сўйишдан илгари электр токи билан қарахт қилиб олинади ва маълум томирларига кесилади. Улар конвейерда секин-секин ўла борадилар. Молларнинг қони гўштга уриб, қизариб кетади. Ана шу гўшт аҳолига бемалол тарқатилаверилади. Демак, ҳалол молларимизни ҳаромлаштирдик! Бундай вазиятларда туғилиб ўсаётган болаларимиз ҳаром билан ҳалолни фарқлармиканлар? Бефаросатларча яшаш, ҳаромдан ҳазар қилмаслик уларнинг ҳаёт тарзига айланиб қолмапти-

микан? Бугун кўпайиб кетган ўғрилиқ ва бошқа жиноятларга сабаб аслида бизнинг ҳалолни ҳаромдан ажрата олмай қолганимиз, юқоридан қандай андоза таклиф этилса, шунини қабул қилаверганимиз сабабдир, десак асло хато бўлмайди.

Европага сажда қилиш яхши натижаларга олиб келмаганлиги инқирозга учраган тоталитар тузумдан чиқариладиган энг биринчи хулоса бўлиши керак. Шунингдек, мустақилликнинг илк қонуни ҳам ҳар бир халқ ота-боболари удумларини, васиятларини давом эттирган ҳолда, ҳеч кимнинг ҳуқуқий имкониятларига соя солмаган тарзда яшашдир. Лекин биз етмиш йил давомида мафкуравий оламимизга келтирган зарарларни бир-икки йилда тузатиш қийиндир. Буни тузатиш учун, балки бузиш учун кетгандан ортиқроқ вақт кетмаса кошки эди! Ҳар қалай, халқ азалий удумларини қайтадан тиклайди, қулоч ёздиради. Фақат бу ишга ҳалоллик, қатъият билан киришсак, адашган андозаларнинг мақбул бўлмаганларини аста-секинлик билан турмушимиздан чиқариб ташлайверсак, халқимиз ўз қалби ва қиёфасини тикласа, бу — мустақиллигимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиши муқаррар.

Рашид РАУПОВ

МУШТАРИЙ МАКТУБЛАРИДАН

Ўйлаганинг эзгулик бўлсин!

Ҳали-ҳали ёдимда, тўйимиз кунини мен куёв жўра ҳамроҳлигида, келин дугонаси билан қишлоғимиз муллеси ўтирган хонага ғоятда тортинчоқлик билан, уялиб-қимтиниб салом бериб кириб боргандик. Мулла бизлардан исмларимизни сўраб билди. У киши биздан, бир-бирларингни яхши билиб, хоҳлаб турмуш қура-япсизларми, зўрлаб ёки бошқалар хоҳиш-иродаси билан никоҳдан ўтмаяпсизларми, дея сўради. Шундан сўнг, калимаи шаҳодатни биласизларми, деди. Биз жавоб беролмадик. Мулла бобо анча мулзам қилдилар бизни. Ота-оналаринг бамаъни одамларку, нега ўргатишмади, дея чимчилаб ҳам қўйдилар. Кейин ўзлари айтиб турдилар. Бизлар такрорлаб бордик. Никоҳ ўқилди. Мен шунда ҳар бир мусулмон бандасига болалигиданоқ бундай зарур нарсалар ўргатилиши кераклигини кўнглимдан ўтказгандим.

Яхшиямки жасоратли, қалбида миллий анъаналарга садоқати зўр фидойиларимиз бор экан, ҳар қандай қатагонларга қарамасдан никоҳ ўқитиш сингари одатларимиз йўқолиб кетмади. Лекин баъзи бир ўзга маданиятларга эргашган, эришган оилалар, ёш йигит-қизлар, ота-оналар никоҳ ўқитишни маданиятсизлик ҳисоблашарди. Афсуски, ҳали ҳам шундайлар кўпчиликини ташкил қилади. Алҳазар!.. Шунинг учун ҳам тўй-ҳашамлар, хусусан никоҳ базмлари жуда бачканалашиб бормоқда. Бундай тўйларда керагидан ортиқ сарф-харажатларга йўл қўйилмоқда.



Кўпчилик ёшларимиз никоҳ базмларида ўта бачкана қилиқлар қилишади. Спиртли ичимликларни ҳаддан зиёд истеъмол қилишади. Ҳатто келин ва куёвни

ичишга мажбур қиладиганлар ҳам топилади. Ахир икки ёш қовушаётган шундай нозик соатларда уларнинг шаффор иффату хаёлларини пайхон қилиш эмас-


ми бу. Аслида келинни-ку қўяверинг, ҳатто куёвнинг ҳам ҳеч бўлмаса қирқ кунгача — чилласи чиқмагунча бунақа номаъқул ичимликларни ичмасликни қадимий удумларимиз буюради-ку!

Кейин яна бир масала. Ўша мулла бобо никоҳ ўқишдан аввал Фалончибой, Пистончибойнинг ўғли; Фалончиой Пистончибойнинг қизи, дея мурожаат қилганди бизга. Никоҳни қайд этиш дафтарчасида ҳам Европага кўр-кўрона тақлид қилмасдан худди ўша ҳолатда насл-насабини ўғли, қизи тарзида ёздиринг-са бўлмайдимиз. Қиз бола ҳам отасининг қизи бўлиб қолаверсин-да. Шундан сўнг ёш келин-куёв туғилажак фарзандларига ҳам ҳужжатларни худди шу тақлид ёздирингга одатланишади. Ахир биз қачонгача қадимий урф-одат ва қадриятларимизни оёқ ости қиламиз? Уларни тиклаш, ҳатто қадрлаш, улар билан фахрланиш пайти эмасдими? Зеро, ҳар бир халқ ўтмиши билан тирик ва келажаги билан гўзал эмасми?!.

Мана, сиз суратда кўриб турган ёш келин-куёвлар ҳам худди шу хусусда суҳбатлашаётгандек туюлди менга. Уларнинг бири гўё Кумушой Қодирбой қизи, бири Мукамалбек Ботирбой ўғли бўлиб никоҳдан ўтишмоқчимикан? Ёки бўлмаса миллий либосларимизни кийиб олсак-чи, дейишмоқдами?

Илоҳим, ўйлаганлари эзгулик бўлсин ишқилиб.

Абдуғафур ҒАЙБУЛЛАЕВ,
фалсафа фанлари номзоди.



ШУКУР ҚУРБОН

Расулulloҳ айтюрлар

1.

Яхши сифатларин ёдланг марҳумнинг,
Ёмон жиҳатларин олмангиз эсга!
Ёқмайди, жиминг, оғзингиз юминг,
Кўминг жаҳолатни кўкрагингизга.

2.

Ватан сарҳадин бир кун ҳимоя этмоқ, дуруст —
Нафл ибодатига бош қўйгандан олтмиш йил
Ки маълум эл яшар тиз чўкиб, ерга тикиб кўз,
Кўринмас унга осмон ҳамда жаннат сари йўл.

3.

Кўнгилни дардларда доғлар эдингиз,
Узни балоларга чоғлар эдингиз.
Менинг билганимни билганингизда,
Сиз ҳам оз кулиб, кўп йиғлар эдингиз.

4.

Ҳикмат — йўқотган азиз нарсасидир мўъминнинг,
Узлашгирса ҳақлидир қайда, кимдан эшитса.
Ҳаққи кетмас кимсанинг, ўтаётган умрини
Боқий битта ҳикматни ўрганишга бахш этса.

5.

Қурбонликка, дерлар, азага, тўйга
Инсон қўй зогини сўйгани сўйган.
Қўй — камаймас, ит-чи, кўпаймайди ҳеч,
Қўй — мўъмин. Мўъминни Худойим сўйган.

6.

Икки кўз, икки қўл, икки оёқнинг
Зиноси бўлади, буни ёдда тут.
Қаҳрига учрама яқин — йироқнинг,
Кўнглингни, йўлингни пок-покиза тут.

7.

Энг аччиқ ҳақиқат — халқ ҳақидаги ҳақиқат,
Уни жўмард эр золим подшога айтар бот-бот.
Қолгани шунчаки гап, қолгани миш-миш фақат,
Қолганини сизу биз эшитамиз умрбод.

8.

Замонлар келади дин йўлин тутган —
Чўғни тутиб турган каби бўлади.
Имонсизлар аро дард чекиб ўтган
Имонлилар аръ Набий бўлади.

9.

Ер юзида ёмонлар қолишган кунни
Қўпар эмиш қиёмат, бўлингиз огоҳ!
Бир яхши одам яшар, асрангиз уни,
Бир яхши одам яшар, асранг уни, оҳ!

10

Ҳалокатга учраб боргандай бешак
Эрига ҳукмрон аёл дам сайин.
Хотинга итоат айлаган эркак
Ҳалокатга учрар бир кунни тайин.

11.

Агар мумкин бўлса буюрмоқ, дердим:
«Эрларига сажда қилсин хотинлар!»
Ки уларга яқин киши йўқ эрдан,
Ҳақли киши ҳам йўқ, билинг, хотинлар!

12.

Отага итоат тенг — Аллоҳга итоатга,
Ҳар сўзини кўзингга сурмаи Сулаймон қил.
Аввал уни тавоф эт, сўнгра бор ибодатга,
Юртга шоҳ бўлсанг-да, бўл отанг учун содиқ қул.

13.

Бу мен — пайгамбарнинг юксак ноласи:
«Эй, қачон тўйсан, одам боласи?!
Очкўзлик, нокаслик, ношукурликни
Эй, қачон қўйсан, одам боласи?!»

14.

Одамларга керак бўлар экансан,
Сўйган бандасисан, демак, Аллоҳнинг.
Демак, юрагингдан ўтади баъзан
Аччиқ эпкилари эл чеккан оҳнинг.

15.

Кўзингни юм, энг аввало, аҳмоқдан сақлан!
Қулоқларинг беркит, илло, аҳмоқдан сақлан!
Қоч оёғинг қўлга олиб, жон борица қоч
Ва қўлласин сени Худо, аҳмоқдан сақлан!

16.

Ҳеч нени ҳал этмас нутқлар, сўзлар,
Беҳудадир ҳадеб чекилган оҳ-воҳ,
Ички дунёнгизни яхшилангизлар,
Ташқи дунёнгизни ростлайди Аллоҳ.

17.

Раҳмат нури ёғар сенга — жуфти ҳалолнинг билан
Меҳр ҳамда муҳаббат-ла тўқнашса нигоҳларинг
Ва яхши сўз айтсанг унга, ушласанг қўлларидан,
Бармоқларинг орасидан тўкилар гуноҳларинг.

18.

Юзи шувитликнинг ҳасрати ёмон,
Ҳеч кимдан ҳеч нима сўрама, дўстим,
Қолсанг, тириклардай қола бил омон,
Улсанг, марҳумлардай жон бера ол жим.

19.

Ғазабланма — азобланасан,
Азобланар кўксингда иймон,
Қиёматда ўтда ёнасан,
Топилмайди ўчиргувчи жон.

20.

Феълнингни кенг қилсанг, дунё бўлмас тор.
Кўтарилган болтанинг тушиши ҳам бор —
Туриб бердинг — мақташди ҳуда-беҳуда,
Энди туҳмат қилурлар, чида, нобакор!



Етти хазинанинг бири.

Чироқчи туманидаги «Кўкдала» давлат хўжалигида ўтган йили ҳосил мўл бўлди. Суратда: Ўзбекистон халқ ноибى Абди Турдиев ва унинг шогирдлари ўзлари етиштирган мўл ҳосил хусусида завқ-шавқ билан суҳбатлашмоқдалар.

Сураткаш Р. НУРИНБОЕВ





Самарқанд туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги.



Ҳосил сайли кечгача давом этди.

Суратқаш Р. НУРИНБОЕВ

Жарроҳлик — инсонларга ҳаёт бағишловчи
улуғ касб.

Суратда: Жарроҳ Қаюм Баҳромовнинг нав-
батдаги операцияга киришадиган пайти.

• • •

Тоза сув тинни яйратади.

Сураткаш Р. НУРИНБОЕВ



21.

Эй, инсон, тўрт мучанг бўлсин десанг бут,
Ҳар кун бир яхшилик эгагини тут.
Ки уч юз олтиш беш сўнгак-бўгининг
Садақа сўрайди сендан кўзи тўрт.

22.

Бемор дўстни кўргани борсанг, юрарсан,
Сен беҳишт йўлларида, жинон боғидан.
Ва Аллоҳ жамолини раҳман кўрарсан,
Мўъмин бемор кўзига боққан чоғингда.

23.

Мўъмин киши назарида иймон нури бор,
Шу нур билан қарар у, бўлингиз огоҳ!
Ногаҳон еткурсангиз сиз унга озор,
Ҳимоясига шу чоқ шошилар Аллоҳ.

24.

Аллоҳ бу бандасига илм берган, жим.
Нега ундан мол сўраб, қиласан мулзам.
Моли бўлса, нетарди бу зотда илм,
Кўрсатарди-қўярди сўрамасанг ҳам.

25.

Дониси нодонига бош эгиб турган
Бу янги авлодни Худоми урган?
Расуллулоҳ айтур: Меҳмонга итмас,
Итнинг қорнидаги кучуқлар ҳурган.

26.

Одамлар бузилиб кетди, деганнинг
Аслида, ўзлари бузилиб кетган.
Яшайди сўппайиб хор ва бемаъни,
Дўсту ёрларидан узилиб кетган.

27.

Бошга не кунларни солмайди бу тил,
Жиловин қўлга ол, топ бунга имкон,
Ёмонларга яхши муомала қил,
Балонинг олдини оласан, инсон.

28.

Муттасил янглишиш тажрибалари,
Мулойим ва ювош айлар инсонни,
Чекилган ғамларнинг юки, залвари
Букчайтириб қўяр ҳис-ҳаяжонни.

29.

Яхшидир ҳар киши жаҳлин тиёлса,
Яхшидир яшаса ҳамма дўст, иноқ.
Пайқалур ҳатто тоғ тоққа зулм қилса,
Парчалаб ташланур ўша зolim тоғ.

30.

Доноликнинг тўққиз қисми узлатда,
Уз-ўзини англаш билан файзиёб,
Бир қисми одамлар билан суҳбатда,
Эл сўзини тинглаш билан файзиёб.

31.

Нокасларнинг ишқу амали,
Эр йигитни ҳайрон айлади,
Эҳсон бино этган қамални,
Йўқчиликлар вайрон айлади.

32.

Жамоли тилдадир эркак кишининг,
Ки ул ҳам пардалик бўлгани дуруст,

Ки ул ҳам ёқтирар пардоз ишини,
Ки унга ҳам керак ҳар кун яхши сўз.

33.

Қавмлар! Бу не ҳол, парокандасиз?
Сиздами ё менинг кўзимдами айб?
Журъат-жасоратда, қалбадами нуқс?
Сабр-тоқатдами, тўзимдами айб?

34.

Ёлғизлик яхшидир — ёмон дардкашдан
Ва солиҳ суҳбатдош — якка, тоқликдан
Ва ширин сўзламоқ — сукут сақлашдан
Ҳамда мум тишламоқ — вайсақиликдан.

35.

Яхши одам — атторнинг қутиси гўё,
Хуш бўйларин туйсан, яқин борсанг, бас,
Йиллаб дўстлашиб юрмоқ шарт эмас ҳатто.
Узоқроқ сўзлашиш ҳам, эҳтимол, шартмас.

36.

Меъёрин бил дўстлик-душманликнинг ҳам,
Дўст — душман, душман — дўст бўлиши мумкин,
Кутилмаган ғамдан қотмайсан у дам,
Кўтарасан шундай қувониш юкин.

37.

Омонат тиргович — эҳтиёткорлик
Тақдирни ҳеч қачон ўзгартиролмас.
Оғоч мева қилар бўлса ҳам эгик,
Синган шохлари ҳам кўчада қолмас.

38.

Биздан эмас — бир қавми иккига бўлган,
Биздан эмас — бўлинганлар ҳолига кулган,
Биздан эмас — бўлинганлар, парчинланганлар —
Аҳволига куймаганлар, ачинмаганлар!

39.

Аҳли муслим билмас балки одамларга еткурган
Яхшилиги уларга қандай завқ бағишларин,
Чунки унинг ҳаётига иймон қуши ин қурган...
Мунофиқлар била туриб қилар қабиҳ ишларин.

40.

Кўнгил билан обдан кенгаш қурганмиз
То улур бу йўлга қўйгунча қадам,
Узимизга нени раво кўрганмиз,
Раво кўрдик дўсту биродарга ҳам.

Ун-ун беш йиллар муқаддам: «Боболаримиз ёзиб қолдирган қўлёзма асарларни, агар шарқшунос олимларимиз ҳозирги суръатда фаолият кўрсатсалар, ўрганиш, тадқиқ этиш учун тўрт юз йил керак бўлади», деган гапни эшитиб, қаттиқ эзилгандим. Биз тенгилар улардан бебаҳра қоларканмиз-да, деган ўй мени ташвишлантирганди.

Худога шукрки, ошкоралик ва мустақиллик шарофати туфайли бундай бўлмади. Аждодларимиз илмига, руҳий оламига сафар юракда айрича мушоҳада-ўй ва таассурот уйғотади. Уларга муносабат билдириш иштиёқи жўш уради.

Ҳадиси шарифлардан илҳомланиб ёзилган туркум ана шундай иштиёқ туфайли дунёга келди.

МУАЛЛИФ



Латофат ё Назокатдир,
Гулчеҳра ё Адолатдир,
Муниса, Нодира ёки
Бир мард ошиққа Роҳатдир...

Абдусанд

«Баҳром ака!
Сизнинг тинчингизни бузиб ушбу хатни
ёзаётганим учун маъзур тутишингизни сў-
райман. Хат ёзмасам иложи йўққа ўхшайди.
Нима қилайки, қиз бола эканман, сизга
юрагимни очишга юзим чидамади. Ушбу
хатни қачонлардир ўқиб қоларсиз, демак,
менинг муҳаббатимдан ҳам огоҳ бўларсиз,
деган умиддаман. Мен учун энг муҳими —
шу!

Баҳром ака, балки сиз бахтингизни топиб
оларсиз, балки тасодифларга тўла бу ҳаёт
бизни яна учраштирар. Қаерда бўлсангиз
ҳам, бахтингиз бўлишини орзу қилган бир
қизни унутманг.

Мукаррам»

НАВРУЗ

Темур УБАЙДУЛЛО

Китобга қарадим. «Юрак сирлари». Баҳ-
ром ўзимнинг девор-дармиён қўшним эди.
Ҳозир Қўшқўрғон қишлоғида яшайди, мак-
табда муаллим, физикадан дарс беради. Еши
ўттиз бешларда-ку, сочидаги оқларни кўриб
хайрон қоларсиз. Мукаррам-чи? Ким экан у
қиз? Бир чеккаси ҳозир дам олишда бўлган-
лигимдан, ҳам зиёрат, ҳам тижорат деганла-
рикдек, дўстимни йўқлашга аҳд қилдим.

Тонгда Баҳромнинг уйига кириб келдим.
Шинам, ўртамиёнагина уй. Лекин ҳовлиси-
нинг чиройига қараб тўйиб бўлмасди. Фас-
ли баҳор эмасми, ҳовлидаги азим бир туп
ўрик қийғос гуллаган, олмалар сичқонқу-
лок бўлиб қолган эди.

Қўнғироққа қўл чўздим. Эшикда Баҳром
кўринди.

— Мурод! — унинг кўзлари қувончдан
чақнаб кетди. — Ўзингмисан?

— Ўзимман-да, ошнам.

Икковлон кучоқлаша кетдик. Нури хо-
ла — Баҳромнинг онаси, ошга уннай бошла-
ди. То ош пишгунча Баҳром билан қишлоқ
айландик.

Ҳадеганда Мукаррам эсимга келаверди.
Ичим пишиб кетди. Журналист халқи елим-
табиат бўлади: бир нарсага ёпишиб олдим,
билиб олмагунча на ўзи тинчийди, на биров-
ни тинчитади. Нима бўлса бўлди дедиму
шартта хатни олдиға қўйдим.

Баҳром алланечук бўлиб кетди:

— Ие, қаердан олдинг буни?

— Менга совға қилган китобларингнинг
ичида экан. Айт-чи, ўзи нима бўлган?..

Баҳром бошини қуйи солди. Назарим-
да, унинг оқ сочлари яна ҳам кўпайгандай
туюлди. Ниҳоят, у бошини кўтариб, жилмай-
ди:

— Ҳозир мавруди эмас, кейин...

Ошдан кейин Баҳром ўзининг хонасига
бошлади. Стулга оҳиста чўкди-да, диванга
ишора қилди.

— Ўтир.

Папиросга ўт туташтириб, чўғларига узоқ
тикилди. Кейин гап бошлади:

— Яхшилаб эшит. Билмадим, жуда тўлиб
кетдимми, ҳайтовур бу гапларни фақат
сен эшитаяпсан. Журналист одамсан, бирон
материалингга фойдаси тегар. Бир кунингга
яратарсан. Ҳамма айтганларимни ёз, ёсанг
майли, билиб қўйишсин мени... Умуман, бу
жуда ғалати бир қисмат, ғалати бир қисса...

Биринчи ҳикоя

ТУМОР

Бу воқеаларга анча бўлиб қолди, ўн йилдан ошди-ёв, чамаси. Донишмандлар ўтган кунларига ачинмаслиги билан аҳмоқлардан фарқ қилар экан. Бу билан донишмандман деяётганим йўқ, фақатгина эслаяпман. Менинг ҳаётимдаги муҳаббат савдоси шундай бошланган эди.

Институтни тугатганимдан кейин Турбат қишлоғидаги ўрта мактабга йўлланма олам, деб аҳд қилдим. Виласан-ку, Турбат жуда гўзал жой. Бунинг устига, ота-боболарим асли турбатлик. Турилган еримда хизмат қилай дедим. Шунинг учун муаллимлик амалиётимни ҳам Турбатда ўтказмоқчи бўлдим.

ЁМҒИРЛАРИ

Ҳикоя

Турбат — чўл ўртасида жойлашган қишлоқ. Икки томонида қирлар, тоғлар кўкрак кериб ётибди. Қишлоқ ўртасидан шовуллаб Тошлоқсой оқиб ўтади.

Шофёр бир қирдан ошиб тўхтади:

— Манов кетган йўл билан юравер, томирим, анов қирнинг остида Турбатинг. Мен энди буёққа юраман.

Унга раҳмат айтиб, чўнтагимдан пул чиқардим.

— Ўзбек ўзимнинг оғам. Олмаيمان. Ҳазил қилма, пахтачининг ўғли, пулинг кўп бўлса, хотинингга атир-упа олиб бер.

Унинг гапларига кулиб, йўлга тушдим. Уша китобларда ўқиган, ҳаёлимда тасаввур қилган қозоқ даштларининг ўртасида якка ўзим кетаётибман. Атрофга қараб тўймайсан киши. Фақат сенга йўлу ҳаёл ошно.

Йўлга чиққанимда олачалпоқ булутли ҳаво батамом бурканиб олди. Бир-икки совуқ томчи ҳам тушиб қолди. Шитоб билан юраётибман, шофёр бола айтган қирдан ҳам ошдим, овул кўринмайди.

Ёмғир забтига ола бошлади. Манзилимга ҳали олис кўрилади. Уст-бошим жиққа ивиб кетди. Оёққа лой ёпишиб, юришим оғирлашди.

— Эй... й... й — Шу пайтда бир қизнинг товуши эшитилди қулоғимга.

Қарасам, қир остида бир ўнгирча бор экан. Ўнгир оғзида турган қиз қўли билан мени чақираяпти. Шошилиб ўша томонга юрдим. Хайрият, ибтидоий бўлса ҳам, бошпана топилди.

Қизга менинг аҳволим кулгили туюлди шекилли, қараб туриб кулиб юборди. Гарчи, у чиройли кулса ҳам, менга оғир ботди. Юзимдаги ёмғир томчиларини қўлим билан сидириб сўрадим:

— Нега куласиз?

У жавоб бермай рўмолини менга узатди:

— Юзингизни артиб олинг аввал.

— Нима қилиб турибсиз бу ерда?

Қиз боши билан сойга имо қилди. Бир сурув қўй ёмғирда бошини эгиб гуж бўлиб турарди.

— Ўзингиз нима қилиб юрибсиз? — Тили бирам ширин эканки!

— Турбатга келаётибман. Уқитувчиман.

Орага сукут чўкди. Мен уни кузатиб чиқдим. Ўн саккиз ёшлардаги ажойиб қоматли қиз. Пучуққина бурни кулчага ўхшаган

юзига қуйиб қўйгандек ярашиб тушган.

Ёмғир қуйгандан қуярди. Ҳали-бери тинмас, дейман. Шу зайлда анча ўтирдик.

У ора-сир киприклари орасидан кўзларини сузиб менга қараб қўяр эди. Исми Санам экан.

— Уқийсизми?

У бошини чайқади.

— Отамга қарайман, онам ўлган.

Орага яна жимлик чўкди.

Ёмғир тиниб, ҳаво очилди. Табиатнинг гурбори ювилиб кетгандек, атроф кўм-кўк жиллланади. Майсаларда илиниб қолган ёмғир томчилари қуёш нурида инжудек товлана бошлади.

Санам ўрнидан турди.

— Ёмғир тинибди. Кетамиз.

Мен ҳам Санамга қўй ҳайдашиб, Турбатга кетдик. Роса бир соат деганда қишлоқ кўринди. У менга мактабни кўрсатиб қўйди.

...Дарсларни бошлаб юбордим. Рости аввалга бир оз қийналдим. Кейин ҳаммаси маромига тушиб кетди. Қариндошларникидан паноҳ топдим.



Майсаларга узаниб ётдим. Назаримда, бугун оламда ўзгача фусун, ўзга бир файз ҳукмрон. Масъум ҳаёлларга банд бўлиб ётганимда Санам аллақайқдан териб келган чучумоларини устимдан сочиб юборди.

Томиримда қоним қайнаб кетди назаримда. У қочар, мен эса қувлар эдим. Ётдим. Шу топда олам остин-устун бўлиб кетса ҳам, менга бари бир эди. У ҳам энтиқиб нафас олганидан кўкраклари қалқиб-қалқиб тушарди. Мен тутиб турган қўли бирам ширин титрардики, кўзим унинг бўйнига осилиб турган туморга тушди.

— Бу нима? — унга қўл чўздим. У қўлимни кўксига босди.

— Тумор. Онамдан менга ёдгорлик. Бўйнингдан қўйма, бахтли қилади, деганлар.

Қиз бола ҳам шунчалик гўзал бўладими? Аста елкаларидан ушлаб бағримга тортдим. «Оламдаги бутун гўзаллик шунга берилганими?»

— Қўйинг, қўйинг, — шивирлади у.

— Санам, Санамим...

Олам чир айланиб кетди. Юрагим гурс-гурс урарди...

...Кун оққунга қадар қирма-қир юрдик. Сирлашдик. Мен оладиган, у тегадиган бўлди.

Санам нима биландир жиғимга тегди. Қувлаб қолдим. Икки-уч сакрашдаёқ етиб олдим. У менга чап бермоқчи бўлувди, қоқилиб кетиб, йиқилди. Мен эса унинг устига. Кўз олдим қоронғу. Томиримда қон гупиллаб оқаяпти. Фақат бир оғиз сўз эсимда...

— Санам...

— Қўйинг, Баҳром ака, эсингизни йиғинг...

— Санам...

Қўлларим омбурдек унинг белидан сиқар эди. На илтижоси, на кўз ёшини сездим. Хуллас... эсимни йиғиб ололмадим...

Санам мени то катта йўлгача кузатиб келди. Мен унга онамни унатаману қайтаман, дедим. Қиз шўрлик йиғлайвериб, хун бўлиб кетди. «Қайтинг, тезроқ қайтинг, отам билиб қолса шарманда бўламан», дерди.

Уйга келсам, воқеа тамоман бошқача. Онам хурсанд, оёғи олти, қўли етти, бир ўргилиб, минг айланади...

— Баҳромжон, мана, кап-катта йигит бўлиб қолдинг. Мактаб дединг, битирдинг. Институт дединг, битираяпсан. Амалиёт дединг, бориб келдинг. Энди бу ёғини менга қўйиб берасан. Мадазим отанинг кенжатоғи бирам ажойиб бўлиб кетибдики! Шунинг орқаваротдан сенга фотиҳа қилиб қўйдик.

— А?!

— Болам-эй, сенинг дидингга ўтиришадиганидан топаман. Онанг ҳам билади кимни таълашни. Аммо хотиндан ёлчийсан, болам, ёлчийсан.

Мен ётиғи билан ойимга Санам ҳақида гапирдим. Ҳаммасини айтдим-у, асосийсини — ўша... бўлган воқеани айтмадим. Нега ундай қилдим — билмайман. Ойим хандон ташлаб кулиб юборди.

— Йигитчилик, мингта қизга хуштор бўласан, биттасини оласан. Муҳаббат нималигини қаёқдан билардинг. Қўзинг кўр, қулоғинг кар пайтинг, терак ҳам қўзингга нозанин кўрилади.



Ҳаё — иймондадир

Ҳаё инсонларнинг энг юксак фазилатидир. Ақлли, ахлоқ-одобли, ҳуснихулқли бандаларида ҳаё пардаси қалин бўлади. Шу пардада ор-номус, инсоф, диёнат, андиша, меҳр-оқибат жилोलаниб туради.

Афсуски сўнги йилларда маънавиятимизнинг олиё исхлати бўлган ҳаё анчайин сўсайиб кетгандек кўринади. Уғрилик, одам ўлдириш, гийҳвандлик, қиморбозлик, порахўрлик, зино қилиш — фоҳишабозлик каби ноинсоний хатти-ҳаракатлар йилдан-йилга камайиш ўрнига кўпайиб бораётганлиги сир эмас.

Фарзандлари бўлатуриб, қариялар уйида умргузоронлик қилаётган ота-оналар, ўз жигарпорасини етимхонага ташлаб қўйган ота-оналар, ёлғиз ўғли ва унинг оила аззоларига уйдан жой бермай кўчага ҳайдаб қўйган оталар, арзимас ҳовли-жойни талашиб ёқа бўғишган ака-укалару ўз онасига қўл кўтарган ўғил, қайнонасини уриб ўлдирган келин ва ҳоказо даҳшатли фожиаларнинг сон-саногини йўқ.

Хўш, нима сабабдан, инсонийлик ойнаси бунчалик чил-чил бўлиб синаёттир? Виждон, ор-номус деган улғу хислатлар нега бунчалик тубанлашмоқда. Буларга бир сўз билан жавоб бериш мушкул албатта.

Бизнингча, Оврўпо йўсинидаги таълим-тарбия, даҳрийликка муқкасидан кетиш, шарқона одоб чегарасидан чиқиш, ғарбда ишланган баъзи бир беҳаё филмларни кўриш, манманлик балоси бунга сабаб бўлаётган бўлса эҳтимол. Қолаверса Урта Осиё халқларининг ўзига хос бўлган азалий миллий қадриятлари, урф-одатлари, анъаналари, диний тарбияси бўғиб келинганлиги ўзининг аччиқ меваларини бераёттир. Бунинг устига бизларни «Катта оға»лармиз саводсиз, маданиятсиз ҳисоблашиб Оврўпо маданияти ва урф-одатларига кўр-кўрона эргашишга даъват

қилдилар. Диний эътиқодларимизга дарз кетиб, иймонимиз сўсайди.

Уша — юқорида айтилган филмларда папирос чекиш, турли хил байрам, тантанали кеча ва тўйларни эркак ва аёллар биргаликда нишонлашлари, қадаҳ уриштириб спиртли ичимликлар ичишлари, йигит ва қизлар ўртасидаги беҳаё, шахвоний хатти-ҳаракатларни очиқ намоиш қилиш оддий ҳол саналарди. Кўпчилик ёшлар севишганлар ўртасидаги беандиша қилиқларни кўриш учун қайта-қайта кинога боришарди. Йигитларимизнинг аксарияти ҳарбий хизматни ўташ йилларида папирос чекиш ва ароқ ичишни ўрганиб қайтишарди.

Оқибати аён. Ҳозирда папирос чекмайдиган, ароқ ичмайдиган эркакларни, саноқ бериш осон. Даҳшатлиси шундаки, ўзбек аёллари орасида ҳам бу борада эркаклардан қолишмайдиганлар сони ортиб бораёттир. Эндиликда тўй, байрам кечалари, турли хил тантаналар ароқсиз ўтмайдиган аҳволга тушиб қолди. Узаро тилаклар айтиб, бирга қадаҳ уриштирганлар, тўй охирида бир-бири билан ёқа бўғишиб юз кўрмас бўлиб кетишмоқда. Тўйларда йигит ва қизлар ўртани тўлдиришганча бир-бирига муқом қилиб, қийшанглашларини айтмай қўйверинг. Тўй-ма-тўй юриб, пул йиғишни мақсад қилиб олган, беҳаёларча кийинган «отарчи» раққосалар эса эндигина балоғат ёшига етган йигитлар олдиқа келиб, шундай уятсиз қилиқлар қилишадими, сўз билан таърифлаш қийин.

Баъзи «тўйқуш» тўй бошқарувчилар икки гапнинг бирида: келин ва кўёвни ҳам ичишга мажбурлашади. Улар пул дардида янги-янги «ихтиролар» йўлаб топишмоқда. Яъни никоҳ базмида аёл қудаларни, сўнж келин билан кўёвни ўртага чорлаб, рақсга тушишга тақлиф этмоқдалар. Негаки «қистир-қистир-

Опаннинг раъйига қарши бора олмадим. Номардлик қилдим, Санамга хат ёзиб, узр сўрадим, ҳаммасини ёздим: кимга уйланишимни ҳам, қачон тўй бўлишини ҳам. Улганнинг устига кўмган қилиб: «Бари бир сени севаман», деб қўшиб қўйганимни айтмайсанми?

Орадан икки ҳафта ўтди. Икки ҳафта юрагим қадрдон бўлиб қолган олис яйловлар сари учарди. Охири, таваккал қилдим. Ойимнинг ҳай-ҳайлашига қарамасдан йўлга тушдим.

Уша таниш йўл. Уша манзара, ўша гўзаллик. Дашт саҳоватга тўлиб ястаниб ётибди. Овулга чанга ботиб кириб бордим. Санамларнинг уйи олдида нима қилишимни билмай туриб қолдим. Қанча турганимни билмайман, уйдан оқсаганча Бешимбой оға чиқиб қолди. У менга ўқрайиб тикилди.

— Нима қилиб турибсан?

Юзимдаги чангни арта туриб унга мўлтираб қарадим.

— Санам йўқ, кетиб қолган, — уч-тўрт қадам юрди-да, менга ўгирилиб, кескин деди. — Қорангни кўрсатма, итвачча.

Кетишдан бошқа иложим қолмади. Отаси ҳам ҳамма гапдан хабардор. Йўл-йўлакай ўзимни ўзим сўқиб кетдим. Нега ўша хатни ёздим-а? Бари бир келар эканман-ку?!

Катта йўлга чиққанымда кўзим йўл ўртасида қорайиб турган нарсага тушди. Бу ўша, Санамнинг бўйнидаги ёдгорлик тумор эди.

Яқинда азиз бўлган, муқаддас саналган бу буюм, менинг қўлим текканлиги учун тупроққа қоришиб ётарди. Чамаси, Санам менга боғлиқ бўлган ҳамма хотирадан юз ўгирибди!

Иккинчи ҳикоя СУМБУЛ

Оғайни, бахтсизлик ботмонлаб келиб, мисқолаб кетар экан. Улай агар, бошимдан ўтказмаганимда, бу гапга мутлақо ишонмасдим.

Уни яхши танирдим. Эндигина 18 га кирган. Авваллари унга эътибор бермай сочидан тортиб йиғлатиб юрардим. Уша пайтларда бу қиз мени йиғлатишини ўйлабманми? Исми Саодат, эркалаб Сумбул дейишарди.

Тўйга тайёргарлик авжида, ойимни қўяверасан: оғзи қулоғида. Тўй кунини белгилаш учун ойим менга маслаҳат солди.

— Ойи, — дедим, — ҳафа бўлмангу бир учрашай, кейин майли, қачон десангиз, менга бари бир.

Ойим рози бўлди.

Сумбулни институтдан топдим. Мени кўриб қип-қизариб кетди.

— Салом, Баҳром ака, — деди у оҳиста.
— Салом, Саодат. Шу сиз билан андакки-на суҳбатлашиб олмақчиман, — дедим гапнинг ростига кўчиб. У кулиб қўйди.

— Ота-боболаримиз удумини бузиб-а?
— Вир гал кечиринглар...

— Шунақами? — Сумбул изтеҳзоли жилмайди, — Тўғри, бўлар иш бўлган. Қор ёққан, излар босилган, шундайми? Ҳар ҳолда маҳаллангиздасиз. Сизнинг изингизга сира қор ёғмайди. Мана бу хат унинг кураги бўлади.

У сумкасидан конверт олиб менга узатди:
— Уқинг бунини, Дон Жуанжон.

Кўз олдим қоронғу бўлиб кетди. Қўлимдаги хат Санамдан эди!

— Сизга турмушга чиқиш — мен учун ўлим. Санамни нима қилдингиз? Сизга... сизга ўзини ишончини топширса-ю... Сиз бўлсангиз... Йигитлик номига ярашадими шу?

— Сумбул...

— Уялмасдан мени излаб келганингизни қаранг яна!

— Сумбул!

— Қиз бола ҳам одам, — деди у йиғлаб. — Унинг ҳис-туйғуларини ҳам ҳурмат қилиш керак. Сизда ирода борми ахир ўзи? Сиз... сиз, йигитман деб юрибсизми ҳали?

У шахд билан ўрнидан туриб кетди. Хиёбонда ёлғиз ўзим қолдим. Шовуллаб оқаётган анҳор туйғуларимни ютиб юборгудек эди.

дан» тушган мўмай пуллар уларники бўлади-да! Хали синашта бўлмаган аёл қудалар ва ниҳоят келинлик ифратига ўралиб ўтирган келиннинг кўпчилик ўртасида рақсга тушиши аслида уят, андишасизлик эмасми? Наҳотки, имонимиз шунчалик сусайиб кетди! Ширакайф бўлиб олган йигитлар эса ўз ҳамиятларини унутиб, беҳаё хатти-ҳаракатлари билан ўзаларнинг нафратига учрамоқдалар.

Қадимги юнон файласуфи Арасту: «Ичкилик — ихтиёрий жиннилик», деб жуда тўғри баҳо берган. Сўнги йилларда тўйлардаги ичкилик устидан назорат сусайиб кетганлиги ачинарлидир. Оқибатда кўча-кўйларда маст-аласт юрувчилар сони ошмоқда, тўйлар кўнгилсизлик билан тугамоқда.

Ҳар бир тўйхона тарбия маскани эканлигини, бу ерда фақат катталар эмас, ёшлар, болалар, қизлар ҳам иштирок этишини унутмаслигимиз керак. Шу сабабли ҳар бир табрик сўз, ашула, рақс, қизиқчилик тарбиявий аҳамият касб этиши зарур.

Жамият учун, инсонлар соғлиги учун яна бир даҳшатли оғу папирос чекишидир. Чекишнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чоралари кўрилмаётган. Бир қатор тараққий этган мамлакатларда мактаб, олий ўқув юрлари, жамоат жойлари, кинотеатрларда чекишни таъқиқловчи қонун қабул қилинганга кўп йиллар бўлган. Визда эса унга қарши кураш усуллари ҳам йўқ.

Баъзи бир беҳаё чекувчилар автобус ва трамвайларда, бекатларда, кинотеатр ва театрларда одамлар олдида белалол чекаверади-лар ва қолдигини хоҳлаган жойга улоқтирадилар. «Бу ерда чекиш мумкин эмас», деб илтимос қилсангиз: «Сенинг ишинг бўлмасин», дея беандишалик қилишади. Чекишга қарши қонун қабул қилиш вақти аллақачон келганлигини унутмаслик керак.

Ўзбек халқининг ҳам минг-минг йиллик миллий урф-одатлари, анғаналари, маросимлари борким, уларнинг ўзига хос ижобий томонларини қайта тиклаш зарур. Бир вақтлар эскича деб камситилган никоҳ тўйларининг тарбиявий томонлари кўп эди. Уша тўйлар қиёси йўқ миллий жозибаси, тарбиявий аҳамияти бағоят юксак бўлиб, ҳаё ва андиша пардаси билан ўралганлигини муҳтарам ота-оналаримиз яхши хотирлашади... Кўёв бўлмиш ўз жўраси билан бир хилда миллий кийиниб, маҳаллани тўйга таклиф этарди. Маҳалла-кўй, таниш-билишлар кўёви: «Сарпо муборак бўлсин, кўша қариб бахтли бўлинг», деб дуо қилишарди. Биринчидан, кўёвни кўпчилик таниб оларди, иккинчидан, йигит бутун маҳалла гувоҳлигида уйланаётганлиги учун бўлғуси оила олдидаги масъулиятини чуқурроқ ҳис этарди. Уша тўйнинг муҳим томони шундаки, бир кун эркаклар учун базм ўтказилса, эртасига никоҳ кечасида эса асосан хотин-қизлар иштирок этишарди. Тўйлардаги ёр-ёрлар, айтишув, қизиқчилик, рақсга тушиши, тортишмачоқ кабилар ниҳоятда жозибали, қизиқарли ва мазмунли ўтарди.

Ҳозир эса турли бадий кечалар, тантаналар, ҳатто тўйларимизда миллий мусиқа асбоблари ўрнига гитара, барабан, электрон асбоблар жўрлигида қўшиқ айтиб, рақсга тушувчи ёшлар кўпайиб бормоқда. Ота-оналар, маҳалла аҳли лоқайд томошабин бўлиб туришади.

Нега бебаҳо, беназир танбур, дутор, чанг, камон, най, рубоб каби қадимий миллий мусиқа асбобларида куй-қўшиқ тинглашни унутаямиз? Миллий ғуруримиз нега сусаймоқда?

Аёлларнинг қандай кийинишлари ҳар бир халқда юксак маданиятлилик белгиси ҳисобланади. Қолаверса, ҳар бир аёл ва қизнинг фаросати, маънавий

олами, орасталиги — ҳаё ва андишали эканлигини белгилувчи фазилатдир. Юқори дид ва сипо кийинган, ўзини кўз-кўз қилишдан холи олиб юрвчи доно ва оқила хотин-қизларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Аммо қадди-қоматини кўз-кўз қилиш учун тор, тиззадан юқори турувчи юбка кийган ёки 2500 сўмлик ялтироқ, чет элдан келтирилган кўйлагини намоийш қилувчилар ҳам кўпайиб бораётган. Аксари ёз ойларида ўта юпқа матодан тикилган, енги йўқ, кўкраги очик кўйлак кийган, гоҳо ярим яланғоч аёл ва қизларни кўрганда ўзининг қаерга қўйишни билмай қолсан киши. Таасуфки, уларнинг аксарияти маҳаллий халққа тегишли хотин-қизлар эмас. Наҳотки уларнинг ота-онаси, эри ёки акаси шундай беҳаёликка бефарқ қараса, деб ёқа ушлаймиз.

Тарихий мавзулардаги кинофилм ва театр спектаклларида раққосаларимизнинг эғнида қадимий миллий кийимларни кўрганда юрагимиз орзиқиб кетади. Ажойиб, гўзал, нафис, бежирим, ниҳоятда ярашиқли, сержило кийимларимиз бўлганлигидан фахрлиниш тўйғуси қалбни чулғаб олади. Нега шундай кийимларни опа-сингилларимиз кийишмайди? Бундай либослар ҳар қандай аёлни гўзал қилиб юборади-ку ахир. Шаҳарларимиздаги либослар уйи қачон миллий кўйлақлар тикиб, уни кийиш учун тарғиб қиларкин?

Ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган, очик-ойдин зино қилишга ўргатаётган «Кичкина Вера», «Кунларнинг бирида Америкада», «Менинг исмим Орликино» каби бадий филмлар, видеолар, аксари чет эл филмлари кинотеатрларимизни эгаллаб олганлигини қандай баҳолаш керак? Шу филмларни кўриб, онгларга «тез ўсган» ёш йигит — қизлар кўча-кўйда, хиёбон ва бекатларда беандиша,

беҳаёлик билан қучоқлашиб ўпишмоқдалар-ку ахир! Оқибатда ташландиқ болалар кўпаймоқда! Ана шундай беҳаё ёшларни тартибга чақирувчи қонун ҳам керакка ўхшайди. Жумҳуриятимиз кинотеатрларида Осиё, Яқин Шарқ мамлакатлари ва Урта Осиё ва Қозоғистон кинофилмлари намоийш этилиши керак. Бу борада кинотеатрлар учун мутасадди ташкилотлар ўз ишларида жиддий ўзгариш қилишлари зарур.

Китоб — офтоб, дейди халқимиз. Китоблар инсон онгига, шуурига нур, зиё бахш этади. Қалбни ёритади, ақлни пешлайди, ҳар бир инсонни курашга, эзгуликка чорлайди. Шу сабабли китобга, кутубхоналарга, китоб дўконларига бўлган эҳтиёж, қизиқиш йилдан-йилга ортиб бораётган. Минг афеуски, сўнги йилларда китоб дўконларида яланғоч аёлларнинг тасвири туширилган плакатлар осилиб турибди ва сотилмоқда. Наҳотки шу даражада тубанлашиб, маънавий қашшоқлашиб кетаямиз. Ҳаёни, ор-номусни оёқ ости қилиб, яланғоч аёллар расми туширилган плакатларни пуллаб бойимоқчимиз шекилли?!

Жаҳон маданияти тараққиётида муносиб из қолдириб кетган ота-боболаримизнинг насиҳатларию ўғитлари, минг йиллик урф-одатларимиз, анғаналару маросимларимизга ҳамшиша содиқ қолайлик. Уларга амал қилайлик. Муҳаммад пайғамбаримиз «Ҳадис»ларидаги ушбу сўзларнинг қадри, қиммати ҳозирда ҳам жуда улуғ: «Уятсизлик — ҳамма нарса учун доғ, ҳаё — ҳамма нарса учун зийнатдир. Ҳаё — иймондадир».

Неъмат САЪДУЛЛАЕВ,
Тошкент Давлат аграр
дорилфунуни доценти

Учинчи ҳикоя АРМОН

Тўй қолди.

Ойимнинг қилган оху зорлари ҳали ҳам қулоғимда жаранглаб турибди. Тамомила гангиб қолдим. Юрагимда қаҳр-ғазаб, адоват туғён урди. Сенинг олдинда бир жононга уйланиб олмасамми, деб онт ичдим. Шунда эсимга Мукаррам тушиб қолди. Бутун умдимни ўшанга боғладим. Нима қилиб бўлса ҳам Саодат бир пул қилган обрўйимни тиклашга аҳд этгандим.

Мукаррам яхши қиз эди. Унчалик чиройли эмас-у, лекин юзидан нур ёғилиб турар эди. Мукаррамнинг олдида боришга жазм қилдим.

Тонгда Андижонга кириб келдим. Қидириб-қидириб, Мукаррамнинг уйини топдим. Эшик олдида бир оз тарадудланиб турдим. Таваккал қилиб тақиллатдим. Бир оздан кейин эшикда Мукаррам кўринди. Яхшилаб пардоз қилган, жуда очилиб кетган.

— Баҳром ака сизми? Сиз-а? — ҳайратга тушди у.

— Мен. Кутмовдингизми?

— Нега? Кутгандим...

Бир нафас жим қолдик.

— Кириш, нега турибсиз?

Безатилган уйга кирдим. Онаси чой, патнис олиб кирди.

— Олинг болам, табаррук. Олинг, зап келибсиз-да! Бирга ўқиганлар шунақа оқибатли бўлса яхши-да.

Мукаррам ўтирмай деразадан қараб тураверди.

— Хатимни ўқибдингиз? Нега келдингиз? Ярамга туз сепганими?

— Нима бўлди, тинчликми?

— Эртага никоҳим-ку, никоҳим... Нега келдингиз? — унинг кўзида ёш милтиради. — Мени... мени... қийнаиб ўлсин дедингизми?

— Қўйинг, Мукаррам, шунақа гапларни, менга ҳам осон тутманг-да.

— Нега энди сизга осон тутмаслигим керак экан?!

— Қулоқ солиш, майли. Тезда тугатаман. Кетаман, ҳозир кетаман.

Унга ҳамма-ҳаммасини гапириб бердим. Энди бу ерда ҳам қиладиган ишим қолмабди. Бу ерда ҳам ортиқча эканман.

— Табриклайман, Мукаррам, — дедим ноилоҳ. Бошқа иложим ҳам йўқ эди.

У индамай менга қаради.

— Нега илгарироқ келмадингиз? Нега олдинроқ эсламадингиз мени? Мен сиз учун ҳамма нарсага тайёр эдим, рози эдим. Сизни шунча кутдим. Лоақал бир ҳафта олдинроқ

келганингизда эди. Нега энди, энди эсладингиз-а?

— Шунақа бўлишини истабимдим, Мукаррам.

Сўнги умидим ҳам шундай барбод бўлди. Умримда биринчи марта кўзларимдан ёш чиқди. Жуда ҳам мураккаб экан, осон эмас экан яшаш деганлари.

* * *

Баҳром тўхтади. Мен нима дейишимни билмасдан унга қараб ўтирардим.

— Ана шунақа гаплар. Дўстинг ғурбат дейсанми, омадсиз дейсанми, аҳмоқ дейсанми, шунақа одам, — кейин қўшиб қўйди Баҳром. — Чой ичамизми?

— Ичсак ичаверамиз.

Жимгина чой ичдик.


Баҳром ўрнидан турди. Деразани очиб, ташқарига қаради.

— Жуда ҳам ёқимли шабада эсапти. Дарвоқе, эртага Наврўз-ку...

Эрталаб шатир-шутурдан уйғониб кетдим. Ташқарида Наврўз ёмғирлари ёғарди. Кўйлақчан Баҳром эса юзларини ёмғирга тутиб турарди.

Қишлоқда яна уч-тўрт кун тургач, қайтдим. Дўстимнинг ҳикояси айтганига менга тинчлик бермай юрди, ниҳоят, уни қоғозга туширишга жазм қилдим. Фақат уларни тартибга келтирдим, холос.

1992 й.



(жамият ҳаётидаги) сабаби динимизнинг асл ахлоқий донишмандона ақидаларидан узоқлашиб кетганлигидадир, деб хулоса чиқаради.

Асарнинг дастлабки «Муқаддима. Ҳаёт ва ҳаёт тушунчаси» қисмида коинот ҳаётдан, тирикликдан иборатлиги тўғрисида мушоҳада юритилади. Замоनावий олимларимиз айтишларича, дейди муаллиф, коинотни ҳаёт ташкил этади, ҳаёт бўлмаган жойда моддийлик йўқдир. Инсон ўзининг узоқ тарихий такомилени босиб ўтди, ривожланди ва ривожланаверади. Фитратнинг фикрича, ҳаёт мазмуни икки дунё бахтига етишмоқликдан иборат. Дин ўз тобеъларини «саодати дорайн» — икки дунё саодатига элтувчи илоҳий аҳкомлардир. Демак, ҳаёт мазмуни шу бахтга интилувдан иборатдир. Бас, шундай экан, ҳақиқий мусулмон «бу дунё, ҳам охи-

иккига бўлади:

1. Нақлий илмлар. 2. Ақлий илмлар. Фитрат Нақлий фанларни диний ва дунёвий фанларга бўлади: Диний фанлар: Тафсир илми. Ҳадис илми (бу фан ўз ичига иккига ажратилади: Илм ривояти ҳадис, Илми усули ҳадис. Фиқҳ ва усули Фиқҳ, Илми калом. Улуми лисония (араб тилининг сарфи ва наҳви).
2. Дунёвий фанлар: тарих ва жуғрофия. Тарих фани ўз ичига иккига бўлинган: 1. Муқаддас тарих (Дин тарихи. Авлиё-анбиёлар тарихи). 2. Тамаддун цивилизация тарихи. Тамаддун тарихи йўналиши бўйича ҳам ажралади: 1. Фанлар ва адабиёт тарихи. 2. Табиётшунослик тарихи (табиий тарих). 3. Сиёсий тарих. Сиёсий тарих ҳам иккига: Умумий тарих ва хусусий тарих. Фитрат Ақлий фанларни, бани башариятнинг кашфиёти натижасидир, деб билади.

«РАҲБАРИ

Асримиз бошларида Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг юзага келиши ўша даврнинг илгор зиёлиларини маълум бир гуруҳларга бирлаштирди. Миллий тараққийпарвар зиёлилар — жадидлар мавжуд давлат сиёсатига ва ўша давр маънавий ҳаётига ўз ғояларини сингдиришга ҳаракат қилдилар. Улар ўз фикрларини жадид рўзнамаларида ва асарларида баён этдилар. Маърифатпарвар зиёлилар вакили, ёзувчи ва қомусий олим Абдурауф Фитрат ҳам шу мақсадда 1915 йилда Истамбулда ўзининг «Раҳбари нажот» асарини тожик тилида нашр эттирди.

Китоб сўзбошининг ўзидаёқ муаллифнинг миллат тақдири, Ватан — Туркистондаги иқтисодий-ижтимоий вазиятнинг носозлигидан куйиб-куюниб асар битганлиги маълум бўлади. Кириш сўзида «Утмишда подшоҳлар раҳбарлигида илм-маърифат яшнагани ҳақида гапирилиб, юртда тараққиёт амалга ошири учун Амир Сайид Муҳаммад Олимхонга умидворлик билдирилади: «Барча камтару фақир кишилар сингари ушбу ахлоқий мажмуага тартиб бериб, унга «Раҳбари нажот» деб ном бердим. Китоб тождори олийнинг (Амир Олимхон назарда тутилади — Г. Р.) ҳукмрон асрида яратилгани боис, саодат ва шараф билан қабул қилгай, деб Амир Олимхонга бағишлайман. Шабоне муаззам 1333 (1915 йил, июнь ойи)».

Фитрат муқаддимада жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига баҳо беришда уламоларнинг «ҳамма нарса оллоҳдан» каби ғояларни бошқача изоҳлашга ҳаракат қилади. Адиб Амир Олимхон бошқараётган давлатнинг ички аҳволи ҳақида баён қилиб, Қуръондан қуйидаги оятни келтиради: «Бирор қавм ўз аҳволини (яхши томонга) ўзгартирмагунча худо ҳам ўз неъматини ўзгартирмай беради». Адиб диндорлар таъсирига тушиб қолган жамиятнинг тараққий этишига йўл қидирмоқчи бўлади. «Нима қилмоқ керак?» «Ҳар не келса худодан», деб ўтирайл�қми уламоларимизнинг сўзига кириб? Е Қуръон фармойишларини олиб (эшитиб) бадбахтлимиз сабабини ўрганишимизми? «Жавоб Қуръондан» дея Фитрат яна Қуръонга мурожаат қилиб, «оят калима» келтиради: «Худо мардумларга зулм қилмайди, лекин улар ўзлари ўз халқларига зулм этадилар».

Адиб бу диний таълимотдан олган ва ўзи англаган умумлашма фикрларни келтириб ҳаётга, жамият кишиларининг ахлоқий-маънавий турмушларига тадбиқ этади. Асарда ёзувчи Қуръон оятларига, шарқона-анъанавий фалсафага суянган ҳолда жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини ишлаб чиқади. Бадбахтликларимизнинг

рат дунё бахтига» муяссар бўлишга ғайрат ва кўшиш қилмоғи вожиб. Бу йўлда биз ахлоқий, яъни виждоний вазифаларни (мажбуриятларни) адо этмоғимиз, ахлоқий поканиш ва камолотга тинимсиз интилмоғимиз шарт. Фитрат ўз фикрларидан келиб чиққан ҳолда ахлоқий мажбуриятларни уч қисмга бўлади:

Маънавий мажбуриятлар. Оилавий мажбуриятлар. Инсоний мажбуриятлар.

Демак, китоб ҳам (муқаддимадан ташқари) уч қисмга бўлинади ва у шу учта мажбуриятнинг шарҳига бағишланади. Биринчи қисм «Маънавий мажбуриятлар» деб аталади. Унда маънавий мажбуриятлар инсон «қалбининг ҳифзи ва тараққийси учун бажарилиши лозим бўлган вазифалардан иборат» эканлиги ҳақида яхши фикрлар баён этилади. Инсон ўзига ва барча одамларга фойда келтирса, унинг қалби камолга етган ҳисобланади. Кимнинг қалби яхши сифат ва фазилатларга тўлиқ бўлса, у одам хуш-ахлоқ ҳисобланади. Фитрат инсон руҳиятини таҳлил қилиб, инсон қалбида уч хил қувват мавжуддир, дейди. 1. Ақл қуввати. 2. Ҳирс қуввати. 3. Ғазаб (нафрат) қуввати. Китобда шу уч қувватга бағишлаб ёзилган алоҳида боблар бор. «Ақл» бобида «бахтга элтувчи ягона йўлбошчи» — «неъматни азми илоҳий» ҳисобланмиш Ақл борасида ҳукм юритилади: «Яратмиш тангри инсонга Ақл ва мақсад ато этиб, уни қудратли қилди». Боб охирида хулосалар чиқарилади. Улар қуйидагича:

Ҳар бир киши эзгу ишлар (аъмоли солих) билан шуғулланмоғи лозим.

Яхши сифатларни эгалламай туриб хуш-ахлоқ бўлиш мумкин эмас.

Ахлоқий фазилатларнинг муҳим рукнлари тўртта: ҳикмат (донишмандлик), иффат, шижоат, адолат.

Ҳикмат ақлий қувват ислоҳининг натижасидир.

Ақл Ислом дини назарида ҳам энг шарифдир.

Инсоният Ақл раҳабрлигисиз саодатга мушарраф бўлолмайди.

Ақл икки қисмдан иборат: фитрий (табиатан инъом этилган) ақл ва касбий ақл.

Касбий ақл илм таҳсили орқали ҳосил қилинади.

Шундан сўнг асарда илм ҳақида («Илм» боби) баҳс кетади. «Инсон ҳаётининг мазмуни (ғояси), икки дунё саодати ва саодат раҳбари Ақлнинг комиллигига эришиш. Комил Ақлнинг — касбий ақлнинг ҳосил бўлиш воситаси Илмдир. Ислом дини ҳеч қачон илм-фанга қарши бўлмаган. Муаллиф фикрлари исботи учун Қуръону ҳадислардан далиллар келтиради ва барча фанларни

Бу фанлар умуминсонийдир, бу илмларни насора ёки исломники деб ажратиб бўлмайди. Ҳар бир одам жинси, дини, мазҳабдан қатъий назар илм-фандан фойдаланишга ҳуқуқлидир. Асарда таъкидланишича, ақлий илмлар ҳикматлардир. Улар учга бўлинади:

1. Табиий фанлар. 2. Аниқ (риёзий) фанлар. 3. Фалсафий фанлар.

Табиий фанлар эса бешта. 1. Таботат илми. 2. Табиий ҳикматлар, (яъни, кимё, физика). 3. Наботат (ботаника). 4. Ҳайвонот (зоология). 5. Маъданлар илми (геология).

Аниқ фанлар бир неча қисмдир. 1. Ҳисоб илми. 2. Жабр (алгебра). 3. Ҳандаса (геометрия). 4. Ҳайъат (астрономия).

Фитрат фалсафий фанларни ақлий илмлар қаторига киритса-да, уларни ақлий ва нақлий илмларнинг охирини жамъ этгувчи фанлардан ташкил топган, деб ҳисоблайди ва фалсафий фанларни тўрт қисмга бўлади: 1. Руҳ аҳволи илми (психология). Ахлоқ илми (этика). Илоҳиёт илми (теология). Мантиқ (логика).

«Илм» бобида ҳар бир фанга алоҳида шарҳ бериб борилган. Уларда Шарқдаги алломалар ҳаётдан мисоллар, Қуръон, ҳадис ва ҳикматлардан кўчирмалар келтирилади. Фитрат қайси фан ҳақида гапирса, шу фан тарихи ва олимлари устида тўхталади. Масалан, «Жуғрофия» курраи замин ва унинг аҳолиси аҳволи ҳақида анча тушунтириш беради. Жуғрофия жуда қадимий фандир. Ислом уламолари уни Юнонистондан олганлар. Ваъзи олимлар бу фанни кенгайтириш ва ривожлантириш учун Воғдоддан Чингача саёҳат қилиб, маълумот тўплаб жуғрофия илмига илова этганлар... Аллома Абу Исҳоқ Истахрий 340 милодий (915—952) йили бутун оламни айланиб чиқиб, жуғрофия борасида «Китоби ақолим» («Қитъалар китоби») номли асар ёзганки, фаранг (европалик) уламолари бу китобни жуғрофиянинг энг мўътабар ва қадимги китоби, деб санаганлар ва ўз тилларига ўгирганлар. Ибн Ҳавқул Мусаллий 28 йил (муддатда) оламга саёҳат қилиб, 350 (961—962 милодий) йилда «Алмасолик ва ал-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар») деган китобини яратган... Муаллиф саёҳатнинг, жуғрофия фанининг амалий ҳаётий-маърифий аҳамияти хусусида Қуръондан ибратли бир оятни қўшимча қилади: «Булар саёҳат қилмасалар ўтган қавмларининг ишларидан огоҳ бўлурларми?».

Асарнинг ёзилишидан маълум бўладики, Фитрат кўп дунёвий илмларни ўрганиб чиққан, ҳар бирининг аҳамиятини ўзининг онги-шуури ва юраги билан ҳис этган ва шундан кейингина илм-фаннинг тарғибига киришган. У шу қадар қомусий билим эгал-

лагани боис бир неча фанга доир мақола-лар, китоблар ёзиш ва нашр қилдириш имконига мушарраф бўлган. Масалан, муқаддас тарихга («Мухтасари тарихи ислом», «Мавлуди шариф»), хусусий тарихга («Шарқ сиёсати»), тилшуносликка («Сарф», «Наҳв», «Сарфе забоне тожики») ва ҳатта аниқ фанларга оид «Ҳандаса» ва бошқа асарлари шулар жумласидандир. Айрим тарихий-илмий асарлари ўша йиллардаёқ рус тилига ўгирилган. Фитрат бутун Шарқ тиллари, тарихи, фалсафаси ва адабиётини мукаммал биладиган, янги даврда шарқ классик фалсафасини, бошқа ижтимоий ҳамда табиий фанларни жамиятимиз ҳаётига бевосита тадбиқ этишга интилан улкан ва ягона олим эди. У таъбир жоиз бўлса, қомусий аллома-ларимизнинг энг охиригиси эди.

Абдурауф Фитрат бу асариди адабиёт ва санъатни фанлар қаторига киритмайди. Виз-

ва сизларни илмларнинг толиби сифатида кўрсам, у вақтда камоли мамнуният билан бу борада ҳам рисола ёзиб, масалани сизга баён этардим».

Маълумингизки, Фитрат «бу борада» айрим иш қилган бўлса-да¹, аммо ривожланган мамлакатлардагидек илмий маорифнинг миллий таҳсил системаси тарҳини яратиш унга nasib этмади. Мазкур масала деярли бугунги кунгача ўз ечимини тогани йўқ.

Асардаги кейинги парча «Иститрод» («Чекиниш») деб аталади ва бунда мамлакатдаги таҳсил аҳволининг ниҳоят даражада пастлиги ҳақида мукаммал сўз юритилади. Фитрат ватаннинг кўп жихатдан қолюқлигини дастлаб, дунёвий илмларнинг етишмаслигидан, маорифнинг нотўғри йўлга қўйилганлигидан деб ҳисоблайди. Шунинг учун кўпроқ шу ҳақда қайгуради, фарёд уради: «Мен токи нафасим бор экан, фарёд чекиб, таҳсилимизнинг нуқсонларига арбобларнинг эътиборини жалб этаман. Билмайман, не бадбахтманки, бу кунгача менинг сўзларимни эшитадиган кишини кўрмадим, боз баъзи ҳақиқатшунослар кофир дейдилар, содда авом, «демона», дейди. Бу бўҳтонлар бемаъно ва беҳудадир, ҳеч боқиси йўқ. Менинг асосий вазифам, инсонийликни адо этмоқдир» дейди муаллиф. У мамлакатдаги таҳсил усулини ўзгартириш кераклигини таъкидлайди: «Биздаги таҳсил тариқи фойда келтирмайдигина эмас, балки бора-бора ўз соликларини (шу йўлдан юргувчиларни) улкан фалокатларга дучор этади... Шунинг учун доимо фарёд чекаман ва айтаманки: эй азиз биродарларим, сиз тушган йўл йўл эмас! Жарга қулаб йўқ бўлмасдан аввалроқ қайтингиз ундан!»

Китобдаги кейинги боб «Ҳикмат» («Донишмандлик») деб аталади. Унда «илмий қувват фазилати», «ақлий фазилат камоли» ҳисобланмиш ҳикмат тўғрисида баҳс боради. Фитратнинг ёзишича, илоҳий неъматдан икки гуруҳ кишилар маҳрумдирлар. Бирунчиси, балоҳат жамоаси, яъни илм таҳсили воситаси билан ҳам ақлий қувватини оширолмаганлар. Иккинчиси, ҳаб гуруҳи ёки илман ноқис қолиб, бинобарин, ўзларида ҳикмат пайдо этишга ноқобил бўлганлар.

Муаллиф ўзининг чуқур мушоҳадали фикрларидан сўнг шундай хулосалар чиқа-

нинг фалсафаси ўзагидир. Ҳамма муаммолар шундан келиб чиқади ва шунга бориб тақалади. Фитрат буни янги даврда жамиятнинг аниқ турмушига тадбиқ этишга киришди. Унинг таълимоти ҳеч бир материалистик қолипга мос келмайди, ҳатто айтиш мумкинки, улар қарама-қарши икки қутбда жойлашган.

«Раҳбари нажот» рисоласининг кейинги бобларида шижоат, карам, бухл (бахиллик), исроф, нифок, қаноат, ҳаё, сидқ ва бошқа ахлоқий сифатлар хуусида сўз юритилади. Абдурауф Фитрат бунда ҳам Ислом шарқида азалий шаклланиб келган ахлоқий анъаналарга кўра, ўз қарашларини илгари суради. Изоҳ учун олинаётган кўчирмалар фақат Қуръону ҳадислардан бўлмай, шарқ олимлари ҳаёти, фаолиятдан ҳам ибратли мисоллар келтирилади, шу аснода асарда Бухоро ҳаёти ҳам танқиду, таҳлил этилиб борилади.

«Вазоифи оила» («Оилавий мажбуриятлар») бўлимида Фитрат, «Олам такомил ривожланиш қонуниятларига бўйсунишдадир», дейди. Бу фикр авлодлар давомийлиги борасида айтилган бўлсада, бунинг маъноси нақадар кенг ва чуқур эканлигини, биз бугун англаб етаяпмиз.

Ушбу бўлим оиланинг ижтимоий вазифалари ҳақида сўз юритилган «Авлод тарбияси», «Фикрий тарбия», «Ахлоқий тарбия» қисмларидан иборат. Рисоланинг бу қисмида мусулмон халқлари орасида тарбиянинг ҳар тарафлама мукаммал эмаслиги, миллатимиз тараққиётига салбий таъсир кўрсатётганлиги далиллар билан изоҳланади. Ҳозирги пайтда ҳам авлод тарбияси масаласи Фитрат кўтарган даражада кун тартибига қўйилишга муҳтож.

Учинчи бўлим «Вазоифи навъия» («Умуминсоний мажбуриятлар») ҳам ҳажман «Оилавий мажбуриятлар» каби кичикдир. Бу бўлим қуйидаги тўртлик билан бошланади:

*Бани Одам аъзои як дигаранд,
Ки, дар офариниш э-як гуҳаранд.
Ту к-аз меҳнати дигарон бегами
Нашояд ки, номат ниҳанд одами.*

Таржимаси: Бани одам бир-бирининг аъзосидирки, (улар) яратилишда бир гавҳардан олинган. Сен (токи) бошқалар тортган машаққатдан беғам экансан, номинг ва одамийлар қаторига қўйилмас (одамий эмассан).

Муаллиф: «Ҳеч шубҳа йўқки, одамлар нечалаб дин, мазҳаб, қавм ва миллатга бўлинимасинлар, бир отанинг фарзандларидир, бир жинсдирлар, бошқа ибора билан айтганда, бир-бирларига биродардирлар», дейди ва Ҳадисдан илова қилади: «Худо (одамларга) ўз хеш-ақрабодларини, яқинларини адлу эҳсон ва яхшилик ила зийнатламоқни амр этгандир».

Абдурауф Фитрат бу бўлимда ислом динининг сунна ва шиа мазҳабига бўлинишига ҳам қарши чиқади. Диндош ва тилдош бўлган халқларнинг ўзаро низоларини кескин қоралайди. Динни жамиятнинг маънавий тўқислигида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди. Сиёсат борасида «Мусулмонларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўллари ва уларнинг умумбашар тараққиётига эришуви Қуръон ва шариатда кўрсатилганидан бошқача бўлиши мумкин эмас»лиги ҳақидаги ғояни илгари суради.

Хуллас, Абдурауф Фитратнинг «Раҳбари нажот» рисоласи унинг асримизнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-сиёсий, фалсафий-нафисий ва маърифий-ахлоқий қарашлари тўғрисида ахборот берувчи қимматли манбадир.

Гулшан РАҲИМОВА

НАЖОТ»

нингча, Фитрат буларни Аллоҳ ато этган иқтидор, ҳассос қалб ва сезги талаб этадиган алоҳида соҳа деб англаган. Аммо Фитратнинг адабиёт ва санъат ва мусиқа илмига доир жуда кўп илмий ишлари борлиги маълум.

«Илм» боби охирида Бухоро мамлакатига фанларнинг «маорифи» ўқитилиши ҳақида ҳам сўз юритилади. Фитрат маориф мутасаддиларига қарата шундай дейди: «Аммо сиз айтасизки, биз фақат сарф, наҳв, мантиқ ва ақонд таҳлиси учунгина йигирма йил умримизни ўтказамиз, шунда ҳам шу тўрт илмнинг тамоман охирига етолмаймиз. Сен номларини санаган фанларни қандай қилиб, қачон ўқиймиз, деб савол беришингиз мумкин. Жавоб бераман: Тўғри, сиз йигирма йилда икки-уч илмнинг таҳсилини удалай олмайсиз. Лекин тараққий этган мамлакатларда бир гўдак етти ёшида мактабга бориб, ўн олти ёшида барча фанлардан дарс олиб улгуради! Сабаб? Сабаби шуки, уларнинг таҳсил тариқи системаси мукамалдир ва сизининг тариқингиз ноқис!.. Албатта, бу қадар кўп фанларнинг таҳсили учун махсус тариқ ва муайян чегара мавжуд. Ҳозирча шунга қадар иқтифо қилурмиз. Агар толе менга ёр, саодат мададкор бўлса

ради: ҳикмат ақлий такомилнинг натижасидир, у илм туфайли ҳосил бўлади; одамлар ҳикмат воситасида ҳақни ноҳақдан ажратадилар. Балоҳат (мулоҳазасизлик) ва ҳаб ноқислик ақлнинг нуқсонлигидан, яъни ҳикматнинг йўқлигидан далолатдир. Балоҳат мутлақ нодонлик ва тақлидан иборатдирки, ҳар иккиси ҳам шаръан нафратга лойиқдир. Ҳаб «олимона макр»дан иборатдирки, бу ҳам нафратлидир ва шариат бизни бу сифат изидан боришни маън этади.

Фитратнинг фикрича, жамиятдаги турли иқтисодий ва сиёсий масалаларнинг ҳал этилиши ахлоқий (маънавий, оилавий, инсоний) мажбуриятларга чамбарчас боғлиқ. Шу мажбуриятлар тўла адо этилгандагина, яъни, инсон такомилга эришилгандагина жамият фаровонликка етишади. Муалифнинг исломга асосланган таълимоти марказида Инсон масаласи, шахс туради. Инсон ва инсонлар орқали миллатга, миллат тараққийсига борилади. Миллат қиёфаси инсонларнинг ахлоқида зуҳур этади. Инсон комиллиги туфайли жамият тараққиётига етишиш хуусидаги ғоя аслида кўҳна шарқ-

¹Фитратнинг «Уқув» (Тошкент, 1917) китоби назарда тутилади.



УКТАМ МИРЗАЕВ

Кезаман шаҳримнинг кўчаларида

* * *

Шеърим, сен юрагим шаклида,
Шеърим, сен нурларга чўмилган,
Урганиб, ўрганиб тепарсан,
Шеърим, сен қонимга кўмилган.

Асрадим ҳар нопок гардлардан,
Бенасіб қолмадим дардлардан,
Мана сен гўдагим, бўй етдинг,
Мен сени йўллайман йўлларга.

Ўтганда, қайтганда бошимга,
Мажнунтол бўлгину соя сол.
Хаёлбанд юрганга тунлари,
Кўнглимга киргин сен — бўл ҳилол.

Офтоб бўл, нурларинг таралсин,
Чил тори — баҳорги ёмғир бўл,
Юлдуз бўл, порлагин толейда,
Бир армон қолмасин кўнгилда,
Тош бўлма, тош бўлма, юрагим.

* * *

Бўза ичган йигитдай булут,
Қора хаёл кўланкасида
Қучоғига босади ойни,
Дилдирайди маъсума вужуд,
Кўз ёшларин дуе-дуе тўкади,
Кўкраклари оғриб, эзилиб,
Гуноҳларга ботиб кетади.
Авраб-авраб чапани булут,
Қаҳқаҳалар оғиб кетади.



ТАШРИФ

Офтобнинг гардишига
қанотларини чарҳлаб —
бири-бирини шарҳлаб,
Қалдирғочлар кўп абжир
янграгади валфажир:
— Тоғлар, тошинг омонми?
Юртим, бошинг омонми?
Омонмисиз сувларим,
Сиз, келбати девларим,
Яноқлари оланган,
Сочбаргаги товланган,
Офтобдай оловланган,
Барчинларим омонми?
Тўшим ёнса фироқдан,
сувга тийгизиб келдим,
Қон томганда кўзимдан,
Лола унди изимдан —
Адирларнинг эгнига
либос кийгизиб келдим.
Тоғлар, тошинг омонми?
Юртим, бошинг омонми?

* * *

Ишқдан зиё олган нигоҳларга қаранг,
Қиё-қиё қараш қилди, қараш қилди.
Ошиқларин кўнгилларин зирқиратиб,
Ой-ла ҳусн талош қилди, талош қилди.
Писта — бодом дудоқлари хандон отар,
Сийнасига кўкдан учган юлдуз ботар,
Бу тун энди шайдолари қандай ётар,
Шайдоларни адош қилди, адош қилди.
Ёр йўлининг олчазордир икки ёни,
Олча гули қопласин-ай бу дунёни,
Бугун ялдо кунин истаб хумор келди,
Урганиб жон, бемор келди, бемор келди:
Бог гулидай ёр очилган чоғларида,
Тамошолар айлатмаса богларида,
Боққа кирсам гулларига ишонмасман,
Сайрамаса булбул унинг шохларида.

ШОИРНИНГ ИЛҲОМ ПАРИСИГА ДЕГАНИ

Кутиб тур фариштам,
Инжимамай бир оз,
Асли дийдорингга
Зорман-да ўзим,
Ана, столимда
Қалам ва қоғоз,
Сенинг ҳар жилвангга
Тайёр турибди.
Аммо васлимузга
Ҳалал бергувчи
Хонамизда
Янганг юрипти.

* * *

Тўлин куз,
тўлиним,
Бўлинди хаёлим,
Қаршимда хўрсиниб турасан атай,
Мен сени суймайман,
суймасам нетай?
Қақажон баҳорни
қўмсам нетай?
Баҳоринг вафосиз, қўй уни дейсанми?
Суюкли ёр бўлай,
Енингда бор бўлай,
Мен ўзим дейсанми?
Тўлин куз,
тўлиним,
Бўлинди хаёлим,
Мен сени суймасам,
Баҳорни қўмсам нетай?



САМАРҚАНД

Тун секин чодирин орқалар,
Қадларини керар чинорлар,
Туннинг чодирини кўтариб кўяр,
Самарқанди минорлар.

Кезаман шаҳримнинг кўчаларида,
Қалбим тонг каби ёришиб,
Хаёлларим олар деворлар,
Шаҳримни Ватан қилган меъморлар руҳи
чарх урар минорлар айланасида.
Туйғуларим кетар қоришиб,
Ватан шуми?

Муҳаббат шуми?
Осмондаги юлдузлар қолиб,
Туйғуларим бунча жиллоланади,
Офтоб ҳам хижолатга солиб,
Бошим узра фидоланади.
Мен кимман,
Самарқанд гардлари аро,
Шикаста руҳимга бунчалар таскин,
Уксиган кўнглимга бунча тасалли?
Кўринг,

Чархи бенавонинг дарвозалари,
Макру муруватга ланг очиқ турса,
Бўғизгача ботсангу гуноҳингга сен,
Ўзлигинг унутиб қўйсанг-да тамом,
Қуламаса
Устингга, э воҳ,
Самарқанднинг миноралари.
Бир ҳовуч тупроқдай кўтариб номинг
Оламга таратса ҳур овозаси.
Муҳаббат шуми?

Еки боболарнинг шуми жазоси?
Бир ёнда «Шердор» у бир ён «Улуғбек»
Улуғлик, орийат сабогин берса,
Бир ён «Бибиҳоним» мунис келиндек,
Қилмишингдан орланиб турса,
Темур найзалари каби минорлар,
Қаҳр-ла тигларин санчса фалакка,
Хушинг йиғолмасанг,
Фарзандлик шуми?
Муҳаббат шуми?
Етмасанг боболар етган тилакка!



ҚАЕР ДАСИЗ, ОҚИБАТЛИ ОДАМЛАР?

Бу хонадон фожеасини сўзлаш учун тошдан юрак, темирдан забон керак. Уларнинг дардларини юрак кўтаролмай, тил сўзломмай қолиши аён. Келинг, бардошимга тўзим берсин, ўзим сўзлай, сиз эшитинг.

Андижоннинг Шимолий даҳасидаги 26-ўйда бир хонали квартира бор. Бори-йўғи бир хонаю, лекин бу ерда ўн киши истиқомат қилади. Уйнинг тор бўлсаям, кўнглинг кенг бўлсин, деб шунга айтишар экан-да!

Ойшахон опа фақат уйдагина эмас, бу ёруғ дунёда ортиқчадай сезади баъзан ўзини. Туғилганига, фарзандларини дунёга келтирганига, уларни ҳам азоблар ичига ташлаганига минг афсуслар қилади, унсиз йиғлайди. Тўлиб кетса айтиб-айтиб йиғлайди. Эрталаб қизарган кўзларини болаларидан яширади-да, секин супра ёзади. Сўнгги урни қоқиштириб, мантибоп ҳамир қоради. Кечагиси картошкали эди, одамлар унча қарамади, гўштдан қилай деса, э... бугун кўндан қилиб чиқайчи, қандай кетаркин? 10 сўм бўлсаям ҳарна. Оптоқ рўмолини бошига ташлаб бозорга йўл олади. Бордию у ердан ҳайдашса, одамлар гавжумроқ йўлларга ўтади... Кечқурун эса ҳориб уйга қайтади. Не кўз билан кўрсинки, Манзура-си яна ҳушини йўқотар даражада иситмалаб ётибди.

— Ҳозир болам, ҳозир... — шошганича «тез ёрдам» қақиради. — Касалхонага ётмасанг бўлмайди.

— Қизим-чи?...
— Қизингни қўятур, ўзим қарайман.

...Бир пайтлар гўзалликда Манзурага тенг келадиган соҳибжамол топилмасди. Билакдай қилиб ўрилган сочларига манман деган йигитлар шайдо бўлишган. Лекин унинг суйгани бор эди. Етишди. Биринчи қизи туғилгунга қадар гўё олам унга бахтхона эди. Тўсатдан Манзура қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Эри унинг сил эканлигини эшитди-ю қайтиб касалхонага қадам босмади. Упкасининг касалланган қисмини олиб ташлашди. Энди тузалиб кетдим шекилли, деб эриникига кириб борди. Лекин у ердагиларнинг авзоидан унга ачинши ҳисси эмас, жирканиш ифодасини ички туйғуси-ла сезди. Эри эса, юзини ундан буриб: «Сен мен учун ўлгансан!» деди. Э, воҳ... Бу сўзни эшитгандан кўра ўлгани яхшимасми?!

Манзура чиндан ҳам ўзини ўлган ҳисоблай бошлади. Бировга гапирмасди, ҳеч қаерга бормасди. Эти устихонига ёпишиб, катта-катта кўзлари кўрқинчи кўринарди. Фақат қизини бағрига босиб таскин топарди. Бора-бора унинг вужудида турли-туман дардлар болалади. Салгина шовқин, салгина овозга кўрқадиган, юраги ўйнайдиган бўлиб қолди. Ҳатто телевизор ҳам кўролмасди...

Ойшахон опа аслида ўзи етим ўсган, на она, на ота меҳрига

тўйган. Болаларим етим бўлмасин деганди. Лекин етти фарзанд топдию эридан меҳр-муҳаббат топмади. Калтак тагида юрак-бағри эзилиб кетди. Узини ёқиб юбормоқчи бўлди. Болаларини кўзи қиймади. Чиқиб кетай деса борар жойи йўқ. «Отажоним, сиз ўлмаганингизда бунчалар хор бўлмасдим», дея урушни қарғаб йиғларди.

1979 йили болаларини етаклаб тоғасиникига кириб борди. Етти бола билан у ерга ҳам сизмади. Ижарама-ижара юриб қизларини узатди. Фарзандларининг бирортаси отасини демади.

Кейинги қизи Матлубанинг ҳам турмуши бўлмади. Болалигида икки оёғи қуймичидан чиқиб кетган экан. Аввалига билишмади. Турмушга ҳеч қачон чиқмасам керак, дерди афсус-надоматлар билан. Лекин унинг йўлида бир йигит пайдо бўлди. «Хотиним туғмаяпти. Менга тегсанг бошимга кўтараман», деди у. Ёлғиз онаси борлигини эшитиб, Матлуба ҳам рози бўлди. Улар ЗАГСсиз яшаб юришди. Фарзандини жарроҳлик йўли билан олишди. Кейин ўзини операция қилишди. Улимларни енгиб, уйга эсон-омон қайтди. Лекин баъзи эркакларга озгина оғрисанг ёқмай қолар экансан. Аста-секин ундан эрининг кўнгли қола бошлади. Баъзида уйга ҳам келмасди. Баъзан уч-тўрт кунлаб йўқ бўлиб кетарди. Шунда қайнонаси, ўзи ва муштдеккина қизи оч қолишарди. Шундай замонда очлар ҳам бор экан-да, деб ҳайрон бўлманг. Бирор жойда ишламай, уйда ўтирган аёлдан ким ҳам ҳол сўрарди. Фақат она... Матлубасининг қўқуруқ кўкрагини боласига тутиб, йиғлаб ўтирганини кўрган волида чидолмади. «Илойим, тирноққа зор ўтгин, йигит бўлмай ўлгин», дея, куёвини қарғай-қарғай қизини уйга олиб кетди. Матлуба онасидан опасининг дарди етади унга, деб шунча яширса-да, у билди. Опасининг киртайиб кетган кўзларидаги ўкинчини кўриб, эзилиб кетди. Икки аёл қоқсуяк вужудларини қучоқлаганча ўқриб-ўқриб йиғлашди. Шўрлик она... Сенинг бардошинг тоғмиди?! Чиданг.

— Болам, қўй йиғлама. У дунёда ҳамма ўз гуноҳи учун жавоб беради, — деди онаси.

Лекин дунё гуноҳкор кимсаларга тўлиб кетганди. Ойшахон опа яна сабр қилди. Қизлари бироз ўзига келди. Энг ёмони бу оилада ҳеч ким ишламас эди. Фақат бозорга ул-бул пишириб сотиш нияям бўларди. Бу орада ўғли ҳарбий хизматдан қайтди. Оиладаги парокандаликни, онасининг, опаларининг аччиқ қисматини кўриб алами келди. Унинг алоҳида яшаши учун бирорта хона ҳам йўқ эди.

— Ая, мен Қаршига кетаман, — деди у Ойшахон опага.

Онанинг ич-ичини титратиб, бир хўрсиниқ келди. Ва бу хўрсиниқ на «ҳа», на «йўқ» деган сўзга айланолмай, кўзидан томчи бўлиб оқиб ерга тушди. Ойшахон опа ўзи ҳам йиғиштиринди. Муҳаббатниям отлангирди. Анчадан буён кейинги қизи Муҳаббатнинг дардини ичига ютиб келарди...

Муҳаббат Ушда ўқирди. Кўнгли ярим, ўксик нигоҳли бу қиз бир оғиз яхши сўзни, кимдан эшитса, эриб кетарди. Балки ана шу меҳрга зорлиги уни бадном қилгандир. Ҳар доим меҳрибонлик кўрсатиб юрувчи бир йигит уни алдаб қўйди. Шундай қилиб Муҳаббатни ҳам «алпомиш»лар авлодининг биттаси ташлади-кетди.

Она бунгаям чидади. Муҳаббатнинг Қаршида кўзи ёриди.

Ойшахон опа назарида фарзандларини бу ерда тайёр уйлар ва иш кутиб тургандай туюлганди. Қаёқда дейсиз. Бировнинг уйини ижарага олишдию, ўғли ҳам, ўзи ҳам ишга жойлашолмай ҳалак бўлди. Муҳаббат ҳам, қизи ҳам жуда кўп касал бўлишди.

...Бир уйда тўрт аёл, тўрт бева.. Ойшахон опа фақат ўзини қарғайди. Энди эса катта ўғлига келин олиши керак. Унинг қўлида на тўплаган маблағи бор, на сандиғи бор. Қиз чиқараман, келин оламан, деб сандиқ тўлатган аёлларни кўриб ҳаваси келади. «Мана бу қўйни тўйга атадим, хотин» деган

эри овозини эшитишни истаб ич-ичидан йиғлайди.

«Наҳотки, қариган чоғимда оёғимни узатиб ўтиргани уйим бўлмасам... Уз уйимда ўлиш насиб этармикин-а?! Ойшахон опанинг бу дардли сўзларига ким қулоқ тутарди?!»

Андижон шаҳар ижрокўмида Ойшахон Дўлтабоева уйга навбатга турганига саккиз йил бўлди. Бу навбатнинг не сир-синаоти бор — Ойшахон опага ноаён. Фақат бир нарса аёнки, одамларда оқибат қолмаган. Бўлмасам бирон киши хабар оларди уларнинг ҳолидан. Бизда нима кўп, қўмитаю жамиятлар кўп. Лекин уй бошқармаси ходимлари ҳам, «Меҳр-шафқат» жамияти ҳам бирор мартаба уларнинг ҳолидан хабар олиб, амалий ёрдам кўрсатмаган.

Ойшахон опа шу кунларда Қарши билан Андижон ўртасида сарсон. У ёқда Муҳаббат, бу ёқда Манзура касал. Болалари қаровсиз. Уғли Достонни музқаймоқ сотувчисига шогирдликка берганди. Яқинда у ҳам ошқозони оғриб ишга чиқолмай қолди.

Ҳа, Ойшахон опанинг бардоши кўп аёлларникидан кўра мустаҳкамроқ экан. Бу «тўқчилик»даги йўқчиликка бошқа бирор кимса дош беролармиди?

Мен мутасадди ташкилотларга ва сиз азизларга мурожаат қилмоқчиман: бу пароканда оилага ёрдам берингизлар! Бу аёллар энди ҳеч кимга, айниқса эркак зотига ишонмайдиган бўлиб қолишган.

Агар юрагингизда меҳр учқунлари бор бўлса, уларга ёрдам беринг, яхшилар! Токи бу аёллар ҳам инсон эканликларига, меҳри-оқибатнинг борлигига ишонсинлар. Ҳеч бўлмас, Ойшахон опанинг урушдан қайтмаган отасининг руҳи шод бўлсин. Қаердасиз, оқибатли одамлар?!

Муҳаббат ОТАМИРЗАЕВА



Самарқанд нони ҳамиша ширин.

Сураткаш Р. Нурибоев



Уллибиби ОТАЕВА

ЗАМИНГА УТИНЧ

Мен каби не жонларга
 Оналик қилган замин,
 Кўксингга бошин қўйган
 Туяр илиқ суг таъмин.
 Она-замин, дейману
 Уйлаб мунг, азобларинг,
 Виз деб ёниб-куйманиб
 Тўзган асабларинг.
 Ташвишлардан айланган,
 Не тақдирлар бойланган,
 Бошинг тиззамга олиб
 Вазмин тортиб, улгайиб
 Оналик этгум келур,
 Аллалар айтгум келур:
 Сен ҳам бир гал фарзанд бўл,
 Беғам, эркалик не бил,
 Куйла, тўлсин кенг дунё
 Шукрона бўлсин бу то:
 Отам, онам фарзандим
 Жоним, таним, фарзандим.
 Сиз бор экан дунёда
 Менга не ғам, фарзандим.
 Бас, етар энди ноланг
 Олам куйингга тўлсин,
 Навбат билан ҳар боланг
 Сенга ҳам она бўлсин.



ҒАРБНИНГ БЕИБО КИНОЛАРИНИ КЎРМАЙЛИК

Юз йиллик, минг йиллик ҳаё ифбатни
 Бир-икки сеансда тугатиб борар.
 Сизга маданият керакми, мана —
 «Савияси паст Шарқ», «Ваҳший Осиё»...
 Қарасангиз бир бор чидаб бетингиз,
 Аста-секин ўлар вужуд-этингиз.
 Фарзандлар элига тажовуз қилар,
 Онасин энг сўнгги умидин юлар,
 «Ғолиб Ғарб» кафтларин ишқалаб кулар.

Кассеталар гўё «бўғма илонлар»,
 Юракни чангаллаб олар мўлжалга.
 Панжасин солади содда синглимга
 Усмир укам эса тайёр ўлжа-да...
 У томоша қилар беҳад ёйилиб,
 Мен эса айланиб тирик мурдага...

Урганч.

Араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувнинг шакл кўринишларини ёдлаб олиш ўша имлони тўла ўрганиш дегани эмас. Тўла ўрганиш учун тинимсиз машқ қилиш ва такрорлаш, энг муҳими, қунт ва ихлос зарур. «Такрорлаш билимнинг онасидир», деган ҳикматнинг таъсир қудратини айниқса эски ўзбек ёзувини ўрганаётган, унинг барча сирасорларини ўзлаштиришга қарор қилган ҳар бир ўқувчи яхши ҳис этса керак.

Ҳар бир мўмин-мусулмон киши беш вақт намоз ўқишни қанда қилмаганидек, араб ёзувини ўрганишга рағбати бор ҳар бир ўқувчи ушбу имлода битилган манбаларни, битикларни ҳар куни назардан ўтказиб туриши шарт. Зеро, ўтмишни, миллий маънавий қадриятларимизни эъвозлашнинг мезонларидан бири араб алифбоси асосидаги ўзбек ёзувига меҳр-муҳаббатдир. Чунки, ушбу халққа мансуб ҳар бир шахс ота-боболарининг минг йиллик маънавияти, руҳияти ана шу ёзувда зуҳур этилганини бугунги кунда яхши тушунади.

Ана шу эҳтиёжни назарда тутган ҳолда ойномамиз саҳифаларида араб ёзувидаги настаълиқ хатидаги туркий матнларни бериб боришни мақсад қилдик. Мунтазам равишда эътиборингизга ҳавола қилинадиган мазкур матнлар бир томондан сизни ўтмиш адабий меросимизда мавжуд бўлган ривоят, қисса, достонлар билан ошно қилади. Иккинчи томондан эса, туркий ёзувимиз ва тилимиз хусусиятларини қизиқиш билан ўрганаётганларга ёрдам беради.

Худди шунингдек, кейинги пайтларда жумҳуриятимиз мустақилликни қўлга киритгандан буён, Туркия сингари диндош, дилдош, тилдош давлатлар билан яқин алоқалар ўрнатилди. Шу боис матнларнинг лотин алифбосидаги муқобилини ҳам бериб боришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

لطائف الظرائف دَن

Бир ата ва оғулни бир ҳаким қас, ига қилтурдиларким,
 бир кун Шاعر Анورى بلخ بازارى دن اوتوب بارور
 ايردى كوردوكيم خلائق لار خلقتة قورميشلار اورتادا
 بيركىشى توروب انورى نينگ قصيده لارى دن
 اوز آئينغا اوقور ايردى خلائق انگا تحسين و آفرين لار
 ايتور ايردى لار انورى ديبور بو كيم نينگ اشعاريدوكيم
 اوقورسن اول ديبور انورى نينگ اشعارى دور
 انورى نى تنورى سن اول ديدى نه ايتورسن
 انورى ميندورمن انورى كوليب ايتوبدور كيم
 شاعر انورى سين ايشيتوب ايرديم شاعر نينگ
 اوغرى سين كورمايش ايرديم

«LĀTAJIF — UZ — ZĀRAIF» DĀN

Bir atâ vâ oġulnî bir hakim qas,igâ keltur-dilârkim, tâjaq urgâjlâr. Ävvâl atâsin jatqu-zub juz tâjaq urgâjlâr. U hec sozlâmâdi. Ändin song oglini jatquzib bir tâjaq urub erdilârkim, atâ dadu färjad qilâ bas,lâdi. Hakim dedi:

— Sen juz tâjaq jeding, hec bir dâming ciqmâdi, oġlunggâ bir tâjaq urgândâ necun nalâ qilursân?

Ul dedi:
 — Ävvâl tâjaqkim tâningâ tegdi, tâhâmul qildim. Emdî c,igâringâ tekġan erdî, cidâj almâdum.

КўрКун

سواد

«ЛАТОЙИФ-УЗ-ЗАРОИФ»- ДАН

Бир ота ва ўғулни бир ҳоким қошига келтурдиларким, таёқ урғайлар. Аввал отасин ётқузуб юз таёқ урғайлар. У ҳеч сўзламади. Андин сўнг ўғулни ётқузуб бир таёқ уруб эрдиларким, ота доду фарёд қила бошлади. Ҳоким деди:

— Сен юз таёқ единг, ҳеч бир дамнинг чиқмади, ўғулнингга бир таёқ урганда нечун нол қилурсан?

Ул деди:
 — Аввал таёқким танимга тегди, таҳаммул қилдим. Эмди жигаримга текгон эрди, чидай олмадум.

شاعر اوغرىسى

Бир кун Шاعر Анورى بلخ بازارى دن اوتوب بارور
 ايردى كوردوكيم خلائق لار خلقتة قورميشلار اورتادا
 بيركىشى توروب انورى نينگ قصيده لارى دن
 اوز آئينغا اوقور ايردى خلائق انگا تحسين و آفرين لار
 ايتور ايردى لار انورى ديبور بو كيم نينگ اشعاريدوكيم
 اوقورسن اول ديبور انورى نينگ اشعارى دور
 انورى نى تنورى سن اول ديدى نه ايتورسن
 انورى ميندورمن انورى كوليب ايتوبدور كيم
 شاعر انورى سين ايشيتوب ايرديم شاعر نينگ
 اوغرى سين كورمايش ايرديم

ŞAIR OGRISI

Bir kuni s,air Änvârij Bâlx bazaridân otub barur erdî. Kordukim, xâlajiq qurmis,lâr. Ortâdâ bir kis,i turib Änvârijning qâsidâlâridân oz atigâ oqur erdî. Xâlajiq ângâ tâhsin vâ afârinlâr âjtur erdilâr. Änvârij debdur:

— Bu kimning âs,aridurkim, oqursân?
 Ul debdur:
 — Änvârijning âs,aridur.
 — Änvârijni tânurmisân?
 Ul dedi:

Савод

Турки

— Ne âjtursân, Ânvârij mendurmân.
Ânvârij kulib âjtubdurkim:
— S.e'r oğrisini es,utib erdim, s,airning oğ-
risin kormâmis, erdim.

ШОИР ҲҒРИСИ

Бир кун шоир Анварий Балх бозоридан ўтуб борур эрди. Кўрдуким, халойиқ қурмишлар. Уртада бир киши туриб Анварийнинг қасидаларидан ўз отига ўқур эрди. Халойиқ анга таҳсин ва офаринлар айтур эрдилар. Анварий дебдур:

— Бу кимнинг ашъоридурким, ўқурсан?
Ул дебдур:
— Анварийнинг ашъоридур.
— Анварийни танурмисан?
Ул деди:
— Не айтурсан, Анварий мандурман.
Анварий кулиб айтубдурким:
— Шеър ўғрисини эшутиб эрдим, шоирнинг ўғрисин кўрмамиш эрдим.

— Менинг ақлимни ичғон нарсани мен ичмасман. Қиссадан ҳисса: шароб ақлдан оздур.

ПАК В НАПАК НРС

Лқман ҳким қард тенли кибши ирди бир кибши аони
қл қилиб сатиб ади коп мдт
анга хднт боюроб андин елм ҳкмет
аثرларини кورور ирди бир кон امتحان يولى بىلان
لқمان گا ديدکيم بىر قولى نى سو يوب اينک ينجش
جاى دىن منگا کيلتورگيل لқمان قولى نى سو يوب
تيلى نى و يوراگىنى کيلتوردى يىنه بير کون بو يوردي
بىر قولىنى سو يوب اينک يمان جاى دىن منگا
کيلتورگيل لқمان يىنه قولى نى سو يوب تيلى نى
و يوراگى نى خواجه سيگا کيلتوردي خواجه سى
سورادى کيم بو قنداي ايش دورکه بونراغ قيندينگ
لқمان جواب بىردى اگر پاک بولسا هيچ نرسه تيل
يوراک دن ينجش ايرماس دور و اگر ناپاک
بولسا هم هيچ نرسه اندين يمانراق ايرماس دور

PAK VÂ NAPAК NÂRSÂ

Luqmani hâkim qarâ tânli kis,i erdi. Bir kis,i uni qul qilib satib aldi. Kop muddât ângâ xizmât bujurub, ândin ilm vâ hikmât âsarlarini korur erdi. Bir kun imtihan joli bilân Luqmanğâ dedikim:

— Bir qojni sojub, eng jâxs,i c,ajidân menğâ kelturgil.

Luqman qojni sojub, tilini vâ jurâgini kelturdi. Jânâ bir kun bujurdi:

— Bir qojni sojub, eng jaman c,ajidin kelturgil.

Luqman jânâ qojni sojub, tilini vâ jurâgini hac,âsigâ kelturdi. Hac,âsi sorâdikim:

— Bu qândâj is,durki, bundag qilding? Luqman c,âvab berdi:

— Âğâr pak bolsâ hec nârsâ til vâ jurâkdân jâxs,i ermâsdur vâ âğâr napak bolsâ hâm hec nârsâ ândin jamanraq ermâsdur.

ПОК ВА НОПОК НАРСА

Луқмони ҳаким қора танли киши эрди. Бир киши уни қул қилиб сотиб олди. Кўп мuddат анга хизмат буюруб, андин илм ва ҳикмат асарларини кўрур эрди. Бир кун имтиҳон йўли билан Луқмонга дедиким:

— Бир қўйни сўюб, энг яхши жойидан менга келтургил.

Луқмон қўйни сўюб, тилини ва юрагини келтурди. Яна бир кун буюрди:

— Бир қўйни сўюб, энг ёмон жойидин келтургил.

Луқмон яна қўйни сўюб, тилини ва юрагини ҳожасига келтурди. Ҳожаси сўрадиким:

— Бу қандай ишдурки, бундоғ қилдинг? Луқмон жавоб берди:

— Агар пок бўлса ҳеч нарса тил ва юракдан яхши эрмасдур ва агар нопок бўлса ҳам ҳеч нарса андин ёмонроқ эрмасдур.

Будниада хорим бар

Бир Ескрнинг чирайлик бир хатини бар ирди
аинг ати хор ирди او بير کون اوروش دن يوز
اوگوروب قاجدى انگا ديدى لکريم اى نامرد تايين
اگر بير کافرنى اولدورسانگ غازى بولورسن و اگر
کافر سنى اولدورسه شهيد بولورسن اما قيامتدا
حورلار خدمتنگدا بولور اول ديدکيم مينگ بو
دنيادا حوريم باردور باشقه حور اوچون اوزنگا
اوليمنى روا کورماينس

BU DUNJADÂ HURIM BAR

Bir âskârning cirajlik bir xatini bar erdi. Âning ati «Hur» erdi. U bir kun urus,dân juz ogurub qacdi;

Ângâ dedilârkim:
— Ej, namârd, qâjtgil. Âğâr bir kafirni oldursâng, gazij bolursân. Vâ âğâr kafir seni oldursâ, s,âhid bolursân. Âmma qijamâtâdâ hurlâr xizmâtingdâ bolur.

Ul dedikim:
— Mening bu dunjadâ hurim bardur. Bas,qâ hur ucun ozimgâ olimni râva kormâjmân.

БУ ДУНЁДА ХУРИМ БОР

Бир аскарнинг чиройлик бир хотини бор эрди. Анинг оти «Хур» эрди. У бир кун урушдан юз ўгуруб қочди:

Анга дедиларким:
— Эй, номард, қайтгил! Агар бир кофирни ўлдурсанг, гозий бўлурсан. Ва агар кофир сени ўлдурса, шаҳид бўлурсан. Аммо қияматда ҳурлар хизматингда бўлур.

Ул дедиким:
— Менинг бу дунёда ҳурим бордур. Бошқа ҳур учун ўзимга ўлимни раво кўрмайман.

Шадманлиқ и пшманлиқ

ایتوبدور لکريم اوبلانا تليک بير اى شادمانليق بولسا اندين
سونگى قالانن بارجه غم ايرسه اندوه و پشيمانليق دور

معلم و خطاط: رحيم باى جمعه نيازوف

S,ADMANLIQ VÂ PUŞÂJMANLIQ

Âjtubdurlârkim, ujlânmaqlik bir aj s,admanlig bolsâ, ândin songgi qalğan bârcâ umr ersâ ânduh vâ pus,âjmanliqdur.

Mâs,q muâllifi Mâtлубâ POLÂTOVÂ

ШОДМОНЛИҚ ВА ПУШАЙМОНЛИҚ

Айтубдурларким, уйланмоқлик бир ой шодмонлиқ бўлса, андин сўнги қолғон барча умр эрса андуҳ ва пушаймонлиқдур.

Муаллим ва хаттот
Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ

ÂQL VÂ S,ÂRAB

Bir hâkim s,ârab icmâs erdi. Hâkimdân sorâbdurlâr:
— Necun s,ârab icmâjdursân?
Hâkim dedikim:
— Mening âqlimni icğan nârsâni men icmâsmân. Qissâdân hissâ: s,ârab âqldân azdirur.

АҚЛ ВА ШАРОБ

Бир ҳаким шароб ичмас эрди. Ҳакимдан сўрабдурлар:
— Нечун шароб ичмайдурсан?
Ҳаким дедиким:

МАҚОЛ НИМАЮ МАТАЛ НИМА?

Мақол — халқнинг реал воқелик, нарса, ҳодиса ва кишилар ўртасидаги турли-туман муносабатлар ҳақидаги мантиқий хулосалари сифатида вужудга келиб, ўзида муайян ижтимоий тузумга хос ахлоқий-фалсафий меъёрларини жамулжам этувчи, нутқнинг лўнда ва мазмундорлигини таъминловчи фольклор жанрларидан бири. «Мақол» атамаси аслида араб тилидаги сўз, нутқ, ишончли сўз, ҳақ сўз каби маъноларни англатувчи «қавлун» сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида у халқ ижодидаги афористик жанрлардан бирининг атамаси сифатида қўлланилади. Қадимги туркий тилда мазкур жанр «сов» сўзи билан ифодаланган бўлса, кейинчалик «масал» сўзи ҳам мақол терминининг муқобили сифатида ифода этилган. Бундан ташқари халқ ўртасида ушбу жанр «оталар сўзи», «ҳикматли сўз», «бурунгилар сўзи», «машойхлар сўзи», «ибратли сўз» каби бир неча шаклларда қўлланилади.

Маълумки, назмий шакли, мазмуний камрови билан бошқа халқларда бўлганидек,

ўзбек халқида ҳам ҳикматли сўзлар мақол ва маталлар шамоилида тилимизга алоҳида тароват беради. Мақолларнинг маталлар билан муносабатини аниқлаш, биринчидан: мақолларнинг бойиб бориш манбаларини кўрсатиш, ушбу жанрлар ўртасидаги муносабатнинг нозик қирраларини ёритишга кенг имкон берса, иккинчидан, айрилган жанрларнинг ҳар бирига хос такрорланмас хоссаларни янада аниқроқ, лўндароқ тасаввур этишга кўмаклашади.

Жуда кўп тадқиқотларда мақол ва маталларга хос ўхшашлик ва тафовутлар тўғри кўрсатиб ўтилади. Бизнингча, мақол ва матал ўртасидаги асосий ўхшашлик шаклнинг ихчам, фикрнинг лўндалигида холос. Қолган барча жиҳатдан қаралса, мақол ва маталлар ўзаро кескин фарқланади. Бу фарқлар ўтган асрлардан буён тадқиқотчилар томонидан турли даражада кўрсатилиб келинади.

Албатта, бу икки жанр ўзаро кескин фарқланувчи жиҳатларга эга — буни тўла эътироф этиш лозим. Лекин шуни ҳам унут-

маслик лозимки, мақол ва маталлар қай даражада ўзаро тафовутларга эга бўлмасинлар, улар ўртасида диалектик боғланиш, ўзаро икки томонлама муносабат мавжуд.

Биз юқорида айрилганларга қўшимча қилиб шуни ҳам айтишни истар эдик: маталнинг тугал, қутбий хулоса, ҳукм ифодалай олмаслиги, унда фикр бир мантиқий марказга йўналтирилганлиги кўзга ташланади. Яъни матал ҳамма вақт бир вазифали шеърий тузилишга эга эканлиги аён бўлади. Бироқ айрим маталлар даврлар ўтиши билан тугал қутбий хулоса ва ҳукм ифодаловчи, шартли ҳолда икки мантиқий марказга, яъни вазифали шеърий тузилишга эга бўлган, умумхалқ миқёсида қўлланиш даражасига кўтарилиб, мақолга айланишлари мумкин. Масалан, Фарғона водийсида «Тентакка Қува бир тош», «Тентакка Тўйтепа бир тош», «Тентакка Тўйтепа нима» матали қўлланилади. Ҳар икки матал шеърий шакл, жуғрофий асос жиҳатидан бир хил характерга эга бўлиб, дастлаб улар нутқни безовчи оддий иборалар, яъни маталлар сифатида қўлланилган. Кейинчалик уларда ифодаланаётган фикр изчил ҳукм характерини олиб, у бевосита икки мантиқий марказнинг уйғунлашуви, қолаверса, кенг умумхалқ миқёсида қўлланишга ўтиши оқибатида мақолга айланганлар. Улардаги биринчи мантиқий марказ «тентак» бўлса, иккинчиси «бир тош», яъни масофа тушунчаси

«АЖДОДЛАР ҚИЛИЧИ» ДОСТОНИ

(Давоми. Бошланиши 8—9-саҳифаларда)

Жалололдиннинг энг катта хатоси, фожеаси аини мана шу ерда эдики, шоир бунга усталик билан ишора қилиб ўтади.

Жалололдиннинг яна бир хатоси — дипломатик назокат етишмаслигида кўринган. У музокаралар, ўзаро келишув, ҳамжиҳатлик билан ечиш мумкин бўлган кўпгина муҳим масалаларни ўжарлиги, қўрслиги билан барбод қилиб қўйган. Бу ҳақда ҳам тарихий манбаларда етарлича маълумотлар бор. Шоир қахрамондаги ана шу жиддий нуқсонни ҳам драма саҳифаларида кўрсатишга муваффақ бўлган. Можар элчиси қўшинни бирлаштириб, ёвга биргаликда ҳужум қилишни таклиф этади. Жалололдин эса аввал можарлар бизга тобе бўлсин, ҳукмимизга бўйсунсин, деб талаб қилади. Табиийки, хунлар авлодидан, туркий қавмлардан саналган ва ўрта асрларда Европада йирик мустақил давлатлардан бирига айланган можар ҳукмдорлари бу ўринсиз талабни рад этадилар. Натижада, мўғул ҳужумини тўхтатиши мумкин бўлган иттифоқ тузилмай қолиб кетади. Тўғри, драмада можар элчиси билан суҳбат — тортишув эпизодик тарзда бўлиб ўтади, у воқеаларнинг кейинги ривожини, ечимини учун зарур ҳалқа даражасига кўтарилмаган. Шунга қарамай, бу кичик саҳна Жалололдин образини тарихан ҳаққоний чизишга интилиш жиҳатидан муҳим.

Асарда Ватан тақдири, эл-юрт озодлигини ҳамма нарсдан юқори қўйган халқ қахра-

монлари Евқоч ботир, Ихтиёридин ва Занкижа образлари ҳам таъсирли бўёқларда чизилган. Айниқса, Ихтиёридин билан Чингизхон тўқнашуви саҳнаси кучли таассурот қолдиради. Улимни писанд қилмаган бу мард ва танти ўғлоннинг Ватан озодлиги, мустақиллиги йўлидаги фидойилиги ва қаҳрамонона ўлими тасвири ҳаётий, ҳаяжонли чиққан.

Жалололдиннинг онаси Ойчечан образининг ҳам қалбга яқинлиги, меҳр билан гавдалантирилганини айтиш лозим.

Шоир драманинг таъсирчанлигини ошириш учун кўп излангани кўриниб турибди. Ҳур қизлар ва волида қиёфасидаги замин — Она образи ана шундай ўзига хос изланишлар самараси дейиш мумкин. Улар ҳам асар мазмунини кучайтириш учун муносиб хизмат қилади.

Кўтаринки руҳда, самимият билан ёзилган, эл-юрт озодлиги ва эрки йўлида мардона курашган буюк ватандошларимизнинг порлоқ образларини меҳр билан жонлантирган «Аждодлар қиличи» драмаси тарихий мавзуда яратилган сара асарлар қаторидан жой олишига ва ардоқлаб ўқилишига шубҳа йўқ. Утмиш зулматини бир даста нур билан ёрита олган шоирнинг заҳматли меҳнати таҳсинга сазовордир.



БИР КУНИ...

Бир куни Ҳушёр ака билан Эшмат ака шаҳар чеккароғидаги кўча бўйлаб боришарди. Ҳушёр ака бир пайт икки қўлини орқасига олганича кўча четида тўхтаб қолди. Нима бўлди, деб Эшмат ака унга қаради. Ҳушёр аканинг кўзлари ариқда ётган олачипор итга қадалган эди.

— Ул-а, роса ичибсан-да, ана энди мастликнинг кайфини суриб ётибсан, — деди ундан кўзларини олмай Ҳушёр ака.

Бу гап Эшмат акага шаъма эканлиги шундоққина сезилиб турарди. Чунки у ҳар замон-ҳар замонда ширакайф юрарди.

Ҳушёр аканинг луқмасига тушуниб етган Эшмат ака дарҳол энкайиб, ердан кесак олди-да, итга отди. Ит «вов-вов»лаб ўрнидан туриб қочди.

— Бу махлуқ маст эмас. Ҳушёр экан, — деди Эшмат ака Ҳушёр акага қараб.

Турғун ЖАМОЛОВ

Гулистон

хисобланади. Демак, ушбу маталларнинг мақолга айланишини таъминлаган ибратли фикр тентак, ақлсиз кишиларнинг масофани, вақтни идрок қилмасликлари, куч-қувватни ҳуда-беҳуда сарфлашларини айтишдан иборат.

Шунга кўра, айтиш мумкинки, ҳозир ўзбек халқ маталларининг бир қанчаси аста-секинлик билан мақолга айланиш жараёнини кечирмоқда. Мисол тариқасида: «Беш панжасини оғзига тиқмоқ» маталини келтириш мумкин. Маталда ифодаланган маъно кескин ҳукм тарзида ифодаланиб, мақолга айланади: «Беш панжангни оғзингга тиқма». Бу хилдаги мисолларни ўзбек тилининг ҳикматлар хазинасидан анчагина келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мақол ва матал ўзаро яқин диалектик алоқада бўлиб, улар ўртасида бир-бирига ўтиш ҳодисалари мавжуд. Шунинг учун ҳам мақоллар хазинасининг доимий бойиб боришини таъминловчи омиллардан бири халқ маталлари санадади дейишга асосимиз бордир.

МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАРДАН НАМУНАЛАР

МАТАЛЛАР:

Санамай саккиз демоқ,
Дегани — деган, айтгани — айтган.
Тентакка Қува бир тош.

Беш панжасини оғзига тиқмоқ.
Қордан қочиб, ёмғирга тутилмоқ.
Кўргани кўзи йўқ, оғзани ўқи йўқ.
Кўрпага қараб оёқ узатмоқ.
Темирни қизиғида босмоқ.
Икки оғзини бир этикка тиқмоқ.
Тентакка Тўйтепа нима йўл.

МАҚОЛЛАР:

Авал йўла, кейин сўйла.
Айрилганни айиқ ер
Бўлинганни бўри ер.
Дўстинг ҳам — тил,
Душманинг ҳам — тил.
От миниб яқинни кўзлагунча,
Туя миниб узоқни кўзла.
Оғритган жойга қўл югурар,
Оғритар сўзга тил югурар.
Анқов йўли бузар,
Тентак — уйин.
Ариқни сув безар,
Одамни — сўз.
Арпа қаерда пишса,
Чумчуқ ўша ерда.
Арқоғини кўриб бўзини ол,
Онасини кўриб — қизини.
Дона топиб сўзлар,
Нодон — қоғиб.

Бахтиёр СОАТОВ,
филология фанлари номзоди

РУБОЙЛАР

Омадинг хуш келиб, бахтинг ёр бўлса,
Сохта дўстларинг ҳам, йўқдин бор қилур.
Омадинг кетган сўнг, бахтинг шўр бўлса
Қадрдон дўстинг ҳам сендан ор қилур.

Олам ичра фитна, дилимизда ғам,
Бирор кимса йўқдир кўнгли хотиржам.
Яхши яшаш керак, деймизу бироқ,
Меҳнатсиз роҳатни ўйлаймиз мубҳам.

Иймонсиз олдида имом ўтгандан
Инсофли одамга қул бўлган яхши.
Номарду ноқисдан нажот кутгандан
Гадолик дардида тик ўлган яхши.

Қани айтинг, нима тансиқ жаҳонда,
Заҳар қиммат, ширин арзон замонда?
Атрофингда иғво кезган бу онда,
Тўғри сўзлаб, тўғри юргин, Файбулла,
Оринг кетиб сўнг қолмагин армонда.

Файбулла БҮРОНИЙ (ҚУРОНОВ)
Пахтакор.

АЖОЙИБОТ- ҒАРОЙИБОТ

Каттақўрғонлик Худойберди Зиёд ўгли ўтган йили қизиқчилар кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади.

Суратда: Худойберди Зиёд ўгли мухлислари даврасида.



Худойбердига кеча худой берди:
Биринчиликни олди қизиқчиликда.
Сўзи билан ҳаммани қитиқлайберди,
Қарсақ чалавердик, қизиқчилик-да!

Ҳа-ҳа, уни мухлислари қўллади,
Чунки у халқига ҳеч панд бермади.
У уст-боши билан тушиб «ҳаммом»га,
Роса меҳнат қилди, роса терлади.

Абдусанд ҚУРОЛБОЙ ўгли

Сураткаш Р. Нуринбоев

Ё бобосининг дуоси ижобат бўлди,
Ё осмондан берди, ё ердан берди.
Ёки Юсуф қизиқ арвоҳи қўллади,
Ёки Эргаш Каримов ёрдам берди.

АКУЛАНИНГ КУШАНДАЛАРИ КИМ?

сабр қилсинлар. Ахир акулалар ҳам бироз кўпайиб олишсин-да!

АҚШнинг Шарқий қирғоқларида яшовчилар акула овига жуда ишқивоз бўлишади. Гарчи бу денгиз ҳайвони йиртқич саналса-да, жониворнинг фойдали томонлари кўп. Биринчидан, унинг сузгичларидан тайёрланадиган овқат хитойликларнинг тансиқ таоми ҳисобланади. Иккинчидан, унинг гўшти жуда мазали, жигари эса «А» витаминига бой. Териси ҳам ниҳоятда чидамли — саноат учун катта фойда келтиради. Ут сафроси шарқ доришунослигида кенг фойдаланилади. Акуланинг рақ касаллигига чалинмаслиги ҳам ғарб доришуносларида қизиқиш уйғотган.

Эҳтимол, юқорида санаб ўтилган сабабларга кўра, ҳар йили Американинг Шарқий қирғоқларидан умумий вазни 22000 тоннагача бўлган акулаларга қирон келтирилади. Кўпчилик овчилар эса шунчаки қизиқиш учун ҳам ов қилавердилар.

Хўш, акулаларнинг кушандалари кимлар?

Янги йилда АҚШда чиқарилган қарорда акулани фақат ўзини ҳимоя этиш учунгина ҳамда махсус рухсатномага эга бўлган кишиларгагина ов қилиш ҳуқуқи берилди. Шундай экан, акула сузгичларидан тайёрланган шўрвани хоҳловчилар ҳаяжонга тушмасинлар, бироз

ВАФОДОР ИТ

Итларнинг ўз эгаларига вафодорлиги ҳақида киноларда кўп маротаба кўрганмиз, китоблардан ўқиганмиз. Ит эгаларининг мазмунли ҳикояларини қандайдир ишонқирамай, шубҳа билан тинглаганимиз ҳам сир эмас. Аммо ҳайвонлар орасида итларнинг қайғу-алам, қувончу ташвиш каби ботиний туйғуларни ўта зийраклик билан ҳис эта олишлари ҳақиқатдир.

— Қаҳратон киш эди, биз ўз қариндошимизни қабрга қўйдик, — деб ҳикоя қилади бир ошнамиз. — Қабристондан узоқлашарканман, ҳали тупроғи қотмаган бошқа бир қабр устида ётган ит эътиборимни тортди. Ит шарпанни сезгач бошини беларвогина кўтариб аста қаради-да, яна муздай қабр устида ғужанак бўлиб ётаверди. Қабристондаги гўрковларнинг гапларига қараганда, бу икки-уч кун аввал кўмилган кимсанинг қабри экан. Итнинг ўз эгасига бўлган вафодорлигига таҳсинлар ўқидим ва унга меҳрим ортиб, бошқа кун икки олиб, қабристонга яна келдим. Ит қайғули кўзлари билан менга назар ташлаб, шошилмасдан овқатни еди-да, яна қабр устига бошини қўйиб олди...



КЕЛИШИШДИ

Ҳажвия

Талон-торожлик ва суиистеъмоличликларга йўл қўйганлиги учун қурилиш ташкилотининг бошлиғи ишдан олиниб, ўрнига янги раҳбар тайинланди. Янги бошлиқ Холмат Толмасов дастлаб ишни ташкилотда «темир интизом»ни ўрнатиш, давлат мулкани талон-торож қилувчилар ва ишга сабабсиз келмай кўювчиларни аёвсиз жазолашдан бошлади.

Омбор мудирини Соттиев таажжубдан ёқа ушлади: «Ё, тавба, қишлоқдошим Холмат тўймасни шу ёки бошқами? Агар ҳамма билган Холмат тўймас шу бўлса, нега бунчалик ўзгариб кетган-а?» У фурсатни топиб, Толмасовнинг ҳузурига бир кириб, ўзини танитиб қўйишни кўнглига тугди.

— Уртоқлар! — деди бошлиқ бир куни мажлисда. — Ҳозир жамиятимизда қайта қуриш, покланиш жараёни кетаяпти. Шахсий манфаатини давлат манфаатидан устун қўювчи айрим ғаламис кимсалар эса порлоқ истиқболимиз бўлган қайта қуришни амалга оширишимизга тиш-тирноқлари билан тўсқинлик қилмоқдалар. Биз сўз ва иш бирлигига доимо изчил амал қилишимиз лозим. Уларини қайта қуришнинг тарафдорлари қилиб кўрсатаётган баъзи ярамас нусхалар бунинг тескарисини қилишяпти. Улар фақатгина оғизда: «Яшасин қайта қуриш, яшасин покланиш!» дея баралла қичқиришмоқда. Бу ношудлар ҳақиқатда эса номаъқулчиликларини давом эттирмоқдалар. Биз тезроқ қайта қуришга эришимиз учун ундайлардан зудлик билан холи бўлишимиз, уларни жамиятимиздан бутунлай супуриб ташлашимиз даркор! Биз бундан буён ҳам пора-хўрларга, давлат мулкани ўмарувчиларга, ишёқмас ва бюрократларга қарши шафқатсиз кураш олиб бораверимиз! Уларга заррача ҳам ён босиш ҳақида мутлақо гап бўлиши мумкин эмас, ўртоқлар!

Чапақлар зарбидан зал титраб кетди. Орқароқда ўтирган қоровул чол эса беихтиёр: «Отангизга раҳмат-е, болам! Бизга илгарирок раҳбар бўлиб келсангиз бўлмасмиди?», деб юборганини ўзи ҳам пайқамай қолди.

Йиғилишдан сўнг кўп ўтмай, бошлиқ ҳузурига омбор мудирини Соттиевни чақиртирди.

— Э, келинг, ўртоқ... — бошлиқ хиёл илжайди, — Соттиевсиз-а?! — Аҳ-ҳа, — деди омбор мудирини бир оз саросимага тушиб.

— Ишлар қалай? Бола-чақалар яхши юришибдимми?

Соттиев қўлларини бир-бирига қовуштириб тураверди:

— Ҳа, энди, Холмат ака, бир нави... ўз кунларини кўриб юришибди.

Холмат Толмасович бурнини қашлаганча, бир зум ўйланиб турди-да:

— Так... между прочим, складда тахта, цемент борми? — деди сўнг-ра.

— Бор, хўжайин, ҳаммасидан бор! — деди Соттиев шошганича. — Бўлмаса, ўртоқ Соттиев, — Толмасовнинг лаблари қимтинди, зўрма-зўраки, беўхшов иржайди. — Бугун бизниқига бир машина тахта билан тўрт тонна цемент юборасиз!..

Толмасов чайналди, ўнғайсизланаётганлигини билдирмаслик учун ҳеч зарурати бўлмаса-да, столи устидаги қоғозларни титкилаган бўлди:

— Узингиз биласиз, ҳозир замон нозик. Бу нарсаларни сизга айтмасам, кимга... айтаман?! Ҳар қалай, бир қишлоқданмиз-ку!

Соттиев пича вақт Толмасовга талмовсираб тикилиб турди: «Чини билан айтаяптими ёки ҳазиллашяптими? Ё бўлмаса, синаяптими-кан-а?..»

— Ҳа, нега энди ўйланиб қолдингиз? Юборасизми ё кўрқаяпсизми? — Толмасов унга қувлик би-

лан разм солди. Соттиев ҳам пичини ёрганлардан. Осонликча сир бой берадиганлардан эмас.

— Хўжайин, — Соттиев бир ютиниб олди-да, дедил гапира бошлади, — биласизми, мен ундоқ қилолмайман. Бунақа иш сираям кўлимдан келмайди. Қолаверса, бу менинг шахсий мулким эмас, давлатники!

— Нима-а-а? — Бирдан Холмат Толмасов унга бақрайиб қаради.

Соттиев эса бунга парво қилмади, бошини қуйи эгганча салмоқлаб гапираверди:

— Йўк, хўжайин, бари бир мен юборолмайман! Ҳозирга қадар ҳалол меҳнат қилиб келдим, бундан кейин ҳам ҳалол ишлайвера-ман!

Толмасовнинг кўзлари катта-катта очилди. Унинг жаҳли чиққанлиги шундоққина юзидан билиниб турарди.

— Ҳм-м-м... Ҳали шунақами? Бу ёққа кел, муттаҳам! — дея у Соттиевга бақирди ва «Т» ҳарфи шаклидаги столнинг бир томонидан жой кўрсатиб, олдига бир варақ қоғозни улоқтириб ташлади. — Ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёз, шу бугуноқ приём-сдачи қилиб ташлайман! Ана, ундан кейин аҳволингни ўзинг томоша қилавера-сан!

Соттиев бу гапдан кейин анча пайтгача ҳушини йўқотиб, ранги доқдаёқ оқариб кетди. Бир оздан сўнг ўзини тутиб олиб, расмият учун шунчаки кулган бўлди:

— Ия-ия, ҳазилингизми ёки чинингизми, хўжайинжон?

Толмасовнинг пешонаси тиришди, қошлари чимирилиб:

— Ҳозир ҳазилга бало борми? — деди хўмрайганича. — Складни-ку кемириб бўлдинг. Доим ўзинг еб ётаверасанми? Биздаям бола-чақа бор ахир! Қуруқ қошиқ оғиз йиртар, дейдилар. Ойлик-маош кимга юк бўлибди-ю, энди менга юк бўлади? Менга писмиқлик қилиб ўтирма, дангалига кел менам ейман, сенам ейсан! Тушундингми?

Соттиев бир муддат Толмасовнинг кўзларига тикилиб турди. Кейин югуриб столи айланиб ўтди-да, хушомадгўйлик билан Толмасовнинг эгнига оҳиста-оҳиста қоқа бошлади.

— Э-э, хўжайин, аввалроқ шундай демайсизми? — Соттиев ёқим-

сиз кулиб юборди. — Мажлисадаги гапларингиз ҳам юрагимизни «тарс» эткизиб ёрворай деди-я!.. Толмасов ҳам бирмунча юшарди.

— Нима, бўлмаса, мен ўзим, ўғрилиқ қил, пора ол, деяйми? Одамларнинг кўзича давлат нуқтаи назаридан гапирамиз-да. Бу гапларни бошлиқлигимиз учун гапирамиз-да. Қолаверса, бир менми шундай деяётган? Ҳаммаям шундай дейди-да, энди! Нима... биринки олгани билан давлатнинг мулки камайиб қоладими?.. Мен сизни нима бўлсаям қишлоқдошим, ўртаимиздаги сирни ҳеч кимга ошкор қилмайди, уйдаги гапни кўчага чиқармайди, деяпман-да! Понимаеш, биродар?

Соттиев ён томонда қатор турган стуллардан бирига ўзини ташлади-ю, тиззаларига шапатилаганича шарқлаб кулиб юборди:

— Оббо, сиз-ей! Аввалроқ шундай демайсизми, хўжайин? Мен овсар, сизни нималар деб ўйлаб юрибман-а! — деди у ўзини кулгидан зўрға тияркан. — Шу ерда чорак асрдан буён омборга мудирлик қиламан. Худо урсин, агар лоф бўлса, шундан бери саккизта раҳбар алмашди. Вей, сиз ҳам ўшаларнинг худди ўзгинасиз-ей, хўжайин! Нима бало, худо тасло раҳбарларнинг лойини бир жойдан қорармикин-а... Бизга келадиган раҳбарларнинг характерлари қуйиб қўйгандек бир-бирларига мос тушади-да! Қўйинг-е, хўжайинжон, одамни жа-а хит қилиб юбордингиз-да, лекин! Майли, бўпти, шу бугуноқ айтганингиздан ҳам зиёда қилиб юбормасам, ўлай агар-а, отимни бошқа қўяман!

Толмасов кулимсираб, ўрнидан турди-да:

— Мана, бу бошқа гап, ошна! Бу дунёи кўтирда олма пиш, оғзимга туш, деб юрсак, ҳеч нарсага эришолмаймиз. Мана, бу мардона гап бўлди. Энди келишдикми? — деди.

— Келишдик, хўжайин, келишдик! — Соттиев икки букилиб, хўп ажойиб раҳбарга ёлчиганидан мамнун бўлиб, илжайиб қўйди.

Абдуқайом БЕККАМОВ
Қашқадарё

ИКИР-ФИКРЛАР

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан соқол ва мўйловнинг нархи ошди.

(Сартарошхонадаги эълон)

Вақтимиз зик бўлгани учун фуқаролар рушини бошқа кунга қолдирамиз.

(Тарих муаллимнинг тушунтиришидан)

«Социализм»гача 5 сўм, «Коммунизм»гача 10 сўм берсангиз, жоним билан обориб қўяман».

(Киракаш ҳайдовчининг гапидан)
Шавкат АБДУЛЛАЕВ
Фарғона.

МУСАҲҲИҲ ЁН ДАФТАРИДАН

Латталар учун мултфилм.

Дадалардан дараклар.
Ичидан шишган йигит.

Наманган.

Сим устида хоккей.
Сур қизлар.
Пакана савдо.
Маҳалла оқ сополлари.
Қўлқуварлар.

Фарғона.

Усмонжон АҲМЕДОВ



СОҚОЛ

Бир гўзал аёлда бор экан буқоқ:
Бўғзи хурмачадек йўғону тўмтоқ.
Буқоқ шифокорин топиб манзилин
Аёллигин яшириб, ёзибди ўзин:
«Мен бир йигитдирман — буқоғи катта,

Илтимос давосин айтинг, албатта!»
Шифокор мактубни ўқиб ўша тоб,
Унинг эгасига йўллабди жавоб:
«Улкан буқоқларни даволаш маҳол,
Яхшиси қўйингиз, яширар соқол!»

ТЎРТЛИКЛАР

Бор эди камтарин, камсуқум ҳофиз,
Фақат маҳалласи танирди уни.
Истеъдод бобда қолдирди у из —
Ҳамма айтиб юрар қўшиқларини.

Ҳасад ботқоғига ботиб бир умр
Пок қалбага чаплама балчиқ, бахил зот.
Бировдан киру доғ излашдан бурун
Кўнглинг доғини сен тозала, йўқот!

Товуқлар ичида танноз, эркахон —
Ўзига зеб бериб юрар Куркахон.
Балоғат ёшига етган шу кунда
Қомати келишган, ҳусндор жуда.
Пардозу андозлар, ўзгача нозлар, —
Атрофда парвона жўжахўрозлар.
Оламда бир менман дегандек танҳо,
Ўзига берарди ортиқча баҳо.
Унга беш кетгандек Товуқбоқар ҳам
Зотин кўпайтмоқчи бўларда ҳар дам.
Пайт келиб, Куркахон курк бўлди охир,
Патлари ҳурлайган, иситма — оғир.
Товуқбоқар тухум бостирмоқ бўлар,
Курка жўжа очишни гўё ор билар.
— Йўк, йўқ! Қоматимни бузмайман асло
Жўжа очсам гул ҳусним бўлар-ку расво!..
Чипору лигорлар қилар насиҳат:
«Фарзанд ширин!»,
«Фарзанд кўрмоқлик зўр бахт!»
— Бўлмади! — деб Курка ёйиб патларин
Чўқиб, тухумларни синдирди барин.
Чидаёлмай Товуқбоқар бундай «олов»га
Куркани сўйди-ю, босди паловга!

Масалнинг мағизин чаққанлар билар,
Куркадек иш тутган сўнг афсус қилар!

ЯМИН ҚУРБОН



Тўраган куфр қўллаган усул ўзи турган шохга ўзи болта урганда-қа натижа берди, яъни унинг жазавали вазиятда ёзган арзиҳолини ўқиган муҳаррир кула-кула олий халқ назорати маҳкамасига сим қоқди. Эртасигаёқ гулхонани ковковчилар босди, тафтиш бошланиб кетди. Зино устида қўлга тушган суюқоёқдай тил тишлаган Тўраган куфрнинг булутли кўнгли баттар қоронғилашди, исқирт таъби баттар чиркляшди. Бир ерда бирор дақиқа ўтиришга бардоши дош бермай қолди, баайни сонига чипқон чиққандай, энкайган ҳолда дам уён йўртди, дам буён. Совуқ урган памидор палағидай қорамтир афти зарбли шапалоқ тушгандай кўкимтир тус олди, қон зарралари сачрагандай ним шафақ кўз гўлақларида қопқонга орқа оёғидан илинган қашқир талвасаси номоён бўлди. Ахир хаёлида ҳар кунги тушиб тургучи чангал-чангал жарақа-журуқдан айрилиб қолиш тахликаси! Бундан ташқари, аллақанча пинҳоний қалбакиликлар ваҳимаси. Айниқса, бир гектардан мўлроқ чиннигул пайкалининг ҳисобдан ташқарилиги, сўлтотплиги. Енг ичидаги бу сўлтотни фақат директор, фақат ер ўлчовчи, фа-

қат ўзи билади. Ундан келадиган даромад ўрталарида арра. Бу сир уч бериб қолса борми, ўлган балиқ сув юзига чалқа бўлиб чиққандай кўзга ташланиб қолса борми, ў-ў, темир панжарали хонаи хосда 6—7 йил чилла ўтириши ҳеч гапмас-а! У макондан омон чиқув, омон чиққанда ҳам ҳассага тиранмай юрив амри маҳол-а!
Унинг кўз олдини жиншамолда чарх урган қора қарғалар қоплади, қулоқ пардаларига қалқонтумшуқ илонларнинг чинқириқлари урилди; юраги гурсиллади, хиқилдоғига сўнгак тикилгандай хириллади:

— Эҳ! Эҳ!! Ҳамма патос мана шу атрофдаги марази қўшниларда!! Шулар ичиқоралик қилмаганларида, бўлар-бўлмасга мов мушук сингари уввос солмаганларида...
Ҳимм!! Хап, шошмай туришсин булар, ҳар бирига биттадан инфаркт тухфа қилмасам бу дунёдан кўзим очик кетади, очик!! Бу ишни аввало Отамуродовдан бошлайман. Ҳа, тоза ҳаводан нафас олиш ҳуқуқимизни поймол қилаяпти булар, ҳеч кимга қулоқ солмаяпти булар, умримизни қайчилаяпти токай заҳар ютамиз, ҳақиқат борми ўзи, дея юқоридагиларга нолиш қилаётганлардан бири, бири бўлганда ҳам энг жангариси — шу!

У бошига оғир кун тушган одамдай телбавор кўринишда емакхонадан даҳлизга лапанглаб чиққанда, дам оладиган холи хонага ўтди. Уҳ тортди, ёжинди ва бирдан телефон дастасини қулоғига тут-а, рақамлараро кўрсаткич бармоғини ўйната бошлади:

— Алё, коммутаторми бу? О, овозгинанг мунча ширин, кизимка! Биласанми, менга-чи, «Назарбек» кўчасидаги Сарвар Отамуродов керак бўлиб қолди, телефонини айтвор, илтимос! Ҳимм, а-ҳа. О, спасибо, кизимка, спасибо!

Шошилганидан чап кафтига ёзиб олган рақамларни газет четидан йиртиб олинган кичик бир қоғозга илдам кўчирди-да, липа чўнтагига секингина солиб қўйди. Сўнг диванга узала тушди, кўзи илинди. Бора-бора хуррагининг эпкинидан дарпарда этаги элас-элас ҳилпирай бошлади.

Бир маҳал, тушида ит қувди-ми, сакраб турди ўрнидан. Қарасаки, тун ярмидан оған, соат эса 3 ярим. Бировнинг уйига тунда тушган ўғридай теварагига ҳадиксиниб қаради. Жимжитлик. Телефон дастасини авайлабгина қулоғига тутди, липасидаги рақамларни терди. Чамаси бир-бир ярим дақиқа вақт ўтар-ўтмас хаяжонланган кимсанинг дўриллаган товуши эшитилди:

— Лаббай, лаббай!! Ким ўзи бу, тинчликми?! Кимсиз, нега индамаяпсиз, айтинг, кимсиз?! Во, бу қандақаси бўлди, таажжуб!! Вей, йўтал, нега сим қоқдинг?! Хўш, энди нега миқ этмаяпсан?! Нафасинг эшитилиб турибди, гапир, нима дардинг бор?! Балки ухлоқ ёки уйғоқлигимизни синаш тариқасида ўйин қилаётган ўғридирсан? Шундай бўлса, ийманиб ўтирма, келавер, бир гала гозимиз билан битта бўрибосар итимиз бор, тантанали кутиб олишади. Кейин, майли, тутамингга сиққанини олиб кетарсан.

Қўлларига титроқ ўрлаган Тўраган куфр муртаги маддалаган бемордай оғир ютинди. Телефон дастасини жойига қўяр экан, калласида бир фикр чертилган гугуртдай ярқ этди. Бу фикр етагида у икки лунжига икки ёнғоқ солволди-да, гапириб кўрди. Саси тамоман ўзгарганидан мамнун бўлдими, куйикан ғунажинга кўзи тушган буқа тахлит илжайди тумшуғини юқори кўтариб ва яна Отамуродовни безовта қилишга тутинди:

— Лаббай, — деб жавоб қилди

ўпкаси оғзига тикилган Отамуродов.

Тўраган куфр:
— Сарвар деган зот ўзларими?
Отамуродов:
— Ҳа, ўзгинасиман.
Тўраган куфр:

— На чора, исмини айтишим мумкинмас, бошингизни қиморга тикди у. Афсус, чув тушди. Қисқаси, ё йўқ қилинасиз ё 10 000 манат чўзасиз. Шайкамиз бошлигининг белгилови — шу! Биласиз, кўчангизнинг нариги бети — бедапоя. Унинг этаги — анҳор. Анҳор бўйидаги ахлатхонанинг ўнг ёнбошида ҳаром ўлган ола бузоқ ётибди. Биз талаб қилган пул бир соат нари-берисида ана шу бузоқнинг тагида бўлсин. Айтиб қўяй, миршабларга хабар бериш — бекфойда. Мабодо хабар берсангиз, шу ҳафта ичи умрнинг охириг бекатида бўласиз. Ҳа, биз билан ўйнаша кўрманг!

Отамуродов руҳиятида не ҳолат кечди, билмадим, аммо Тўраган куфр арслон отган овчидай ғурур ила кўксига бир уриб қўйди:

— Қойиллатдим, хи-хи-хи! Биронта томири пирсс этди-ёв, эҳтимол мясига қон қуйилгандир. Ахир, пул жигардан бунёдга келган. Бундан ташқари, шунча пул унинг ҳатто тушига ҳам кирмаган. Мартабаси — муаллимчилик, бола ўқитади. Маошининг ўзи билан тирикчилик олатади. Шунинг учун ҳам игна ютган итдайин қилтириқ, қулоғидан кун кўринади. Аҳволи бу, 10000 манат қайда унга, энасидан оладими! Лекин жон — ширин, ўлим — аччиқ. Нима қилишини билмай бошига чўқмор тушган сўқимсимон каловланаётгандир балки. Ҳа, худо деган бандаман, дилимни огритганлар ўнгмайди, каловланапоти у, ҳимм, каловланапоти, узилиш арафасида!

АҲИЛЛИК ВА БАРАКА

Ярим эртак

Қадим замонларда бир
Баравж, обод хонадон —
Бўлиб мамнун яшаркан
Ўз элида ҳаммадан.
Саройдек бу ҳовлидан,
Меҳмон узилмас экан.
Ўтган-кетган ҳавасда —
Кўзин узолмас экан.
Сабаби: бу даргоҳнинг,
Баракаси бор экан.
Одамлари ҳамжихат,
Меҳнаткаш, ҳамкўр экан.
Шу сабаб узоқ йиллар
Довруқ солиб тўй қилиб,
Обрў олиб эл-юртдан
Тўй қилганга қўй қилиб —
Яшаб келган хонадон
Бошлиғига бир қуни,
Барака жавоб сўраб
Одоб-ла бош эгибди.
Бу ҳолдан ҳайрон бўлиб
Хонадон эгалари:
— Нега кетмаклигингни
Айтмагиндиг илгари?
Ҳали ҳам қайт йўлингдан,
Узма дўстлик риштасин, —
Десалар ҳам Барака
Учириб фариштасин,
Туриб олар сўзида.
Ўзларига ор билиб,
Елбормаслар улар ҳам,
Оёғига йиқилиб.
— Начора, — дер чол ота, —
Ихтиёринг кўлингда.
Болаларим яна ҳам,
Аҳил-иноқ бўлинг-да.
Барака кетса кетсин,

Аҳилликни қўймангиз.
Келганга бир кетиш бор,
Бунга ҳеч ўкинмангиз.
— Бо, дадажон, — дер қизи,
Кетмас, қайга ҳам кетар.
Барака кетганда ҳам,
Аҳиллик бор-ку, етар.
Доно қизнинг сўзига
Барака бир жилмайиб
Ўз кадрү қимматидан
Қувониб, руҳан бойиб,
Юкин қўйиб елкадан,
Шаштидан тез қайтади.
Чолни қучиб, даъфатан
Шу сўзларни айтади:
— Эй қадрдон қария,
Сизни кўпдан англардим.
«Аҳилликда барака»,
Десангиз аланглардим.
Ҳамма билан сиз бирдек
Ҳамжихатсиз, аҳилсиз.
Гина-кудуратни билмас
Фаришта-ку ахир сиз.
Менинг кетмак бўлганим,
Сиздан сир олмоқ эди.
Қизингизнинг сўзи-сўз,
Офарин, топиб деди.
Сиз бор; аҳиллик бўлган —
Ерда мен ҳам борман — дер —
Руҳи тетик, қадами —
Қутли, беармонман, — дер...
Яна обод хонадон,
Такрор гуркираб гуллар...

Дўстлар, аҳил бўлсангиз,
Унут бўлар бу кунлар.

Тошкент




Боғларни эчкимижоз моллардан асранг.

Таҳририятга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Ойномадан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Босмаҳонага туширилди 21.04.92 й. Босишга рухсат этилди 12.06.92 й. Қоғоз бичими 70×108¹/₈. Офсет усулда босилди. Қоғоз тури босма № 1.

ТИЛСИМ



ЭНИГА: 6. Ешлик латофати, ҳусн. 8. Молгузар тоғининг шимолий ёнбағридаги қоятошларга ўйиб ишланган кўҳна расмлар. 11. Тошкент вилоятидаги хушманзара иқлимий шифохона. 12. Дўппидўзлик ашёси. 15. Тоғ меваси. 16. Аҳил, ҳамнафас. 23. Баъзи Осиё мамлакатларининг пул бирлиги. 24. Қадимий ер ўлчови. 27. Миллий таом. 28. Бошқаришдаги беғаразлик.

БҮЙИГА: 2. Гумбаз шаклидаги усти берк сунъий сув иншооти. 5. Помир тоғларидаги тизма. 7. Рўзғор буюми. 9. Улуғбекнинг риёзиёт ва фалакиёт илмларини чуқур эгаллаган шогирди. 10. Тиниш белги. 18. Қорамтир меваси нордон бута ўсимлиги. 19. Кашалотлардан олиниб, атторликда ишлатиладиган хушбўй ашё. 20. Сувда ва қуруқликда яшовчи жониворларнинг тухумдан чиққан муртаги. 21. Насрий асар тури. 22. Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган меҳнат кўроли.

АЙЛАНАЛАР БҮЙИЧА: 1. Амударё шарқидаги ҳудуднинг ўрта асрлардаги номи. 13. Ўзбекистонга қўшни жумҳурият. 14. Мумтоз ўзбек шоири Муҳаммад Солиҳнинг тарихий асари. 17. Тўп гулли, манзарали хушбўй ўсимлик. 29. Ўзбек кинеси санъаткорларидан бири.

ЕЙЛАР БҮЙИЧА: 3. Энг яқин киши. 4. Нонвойчилик анжومي. 25. Насл-насабига кўра бир хил бўлган кишилар гурӯҳи. 26. Жануби-шарқий Осиёдаги давлат пойтахти.

Тузувчи **Фозилжон ОРИПОВ**

5—6-СОНДАГИ

ТИЛСИМНИНГ ЖАВОБИ

1. «Айлагач». 2. Мўминов (Иброҳим). 3. Тўлиной. 4. Интизом. 5. Инкилоб. 6. Қобулов (Восил). 7. Содиков. 8. Учқудуқ. 9. Учқулоч. 10. Уймакор. 11. Ойқулоқ. 12. Торобий. 13. Қорасув. 14. Чиғатой. 15. Тилоғоч. 16. Қадрият. 17. Чақамғ. 18. Дастгоҳ. 19. Сайргоҳ. 20. Шатранж. 21. Ҳафтаик. 22. Амударё. 23. Умархон. 24. Дурагай. 25. Дурдона. 26. Қувасой. 27. Хужайра. 28. Айритом.

МУҚОВАДА:

Муқованинг биринчи бетида **БУЮК САРКАРДА АМИР ТЕМУР ТАСВИРИ.**

Рассом: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби **МАЛИК НАБИЕВ**

Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли рангли намуналар 16,8. 37000 нусхада чоп этилади. Буюртма 503. Баҳоси сотувда 3 сўм 60 т.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмаҳонаси. 700083, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.



Ошпаз яхши бўлса гар,
Гуручлар дона-дона.
Ошхўрлар-чи, ошпазнинг
Атрофида парвона.

Мана бу чевар қизлар тўқиган кийимлар
кўпчиликка манзур бўлиши муқаррар.

Сураткаш Р. НУРИНБОЕВ



Бағрига чорлар боғлар,
Далалару чор боғлар.

Индекс 75233

Баҳоси: сотувда — 3 сўм 60 тийин.

